



ODILLIK МЕЗОНИ

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL

21 октябрь –

Ўзбек тили
байрами куни

Миллатни дунёга
миллат қилиб
танитадиган
муҳим белгиларнинг
энг асосийси тилдир.

Абдурауф
ФИТРАТ



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Убайдулла МИНГБОЕВ

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДАРОВ

Худойкул АЗИЗОВ

Илҳом НАСРИЕВ

Малика ҚАЛАНДАРОВА

Беҳзод МҮМИНОВ

Собир ХОЛБАЕВ

Бош мухаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи мухаррир

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шоқиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй

Электрон манзил:

odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси:

1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда маъба қайд этилиши керак.

Босишига 24.10.2024 да руҳсат берилди.
Бичими 60x84 13/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 3. Адади 1380.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-йй

МУНДАРИЖА

МУНОСАБАТ

4

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА ЁХУД “ЎТМИШДАН КЕЛГАН АДОЛАТЛИ НИДОЛАР”

6

КУН МАВЗУСИ

СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЭЛЕКТРОН-РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

МУЛОҲАЗА

8

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ

10

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

12

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

14

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ҲУҚУҚ

16

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

19

НУҶТАИ НАЗАР

ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР (ЁРТ) ВОСИТАСИДА ТУҒИЛГАН БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

МУТАҲАССИС МУЛОҲАЗАСИ

22

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ПРОКУРАТУРАНИНГ ЎРНИ

23

КАФИЛЛИК – ТАЪМИНОТ УНДИРИЛИШИНИНГ БИР ТУРИ СИФАТИДА

ЯНГИ ДАВР НАФАСИ

24

АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

26**МУҲИМ МАВЗУ**

**ТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТЛАРИНИ
ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО**28**

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАФТИШ
ТАРТИБИДА ИШ КҮРИШ**

30**ҚОНУН ВА ИЖРО**

**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН
ПРОКУРОР ТЕКШИРУВЛАРИ**

СУДЬЯ МИНБАРИ**32**

**ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ
БАЖАРМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ**

34

**ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА БҮЙРУҚ
ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ**

36

**ЕР ВА БИНО-ИНШООТЛАРИГА ОИД
ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ
ИЖРОСИ**

37

**СУДЬЯЛАР ОДОБИ КОДЕКСИ – ОДОБ
ПОСБОНИ**

ТАДҚИҚОТ**38**

**ДОМЕН НОМИ ВА ТОВАР БЕЛГИСИГА
БЎЛГАН ҲУҚУҚНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ:
АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ
МИСОЛИДА**

40

**ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ:
ТАВСИФИ, ТУРЛАРИ ВА АЛОХИДА
ШАРТЛАРИ**

42

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУХОФАЗА
ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ**

44

**ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР
СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

46

**КОРРУПЦИЯВИЙ ХУЛҚ-АТВОР –
ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА**

48

**ХОЛИСЛИК ИНСТИТУТИ БЎЙИЧА
ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

49

**ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ЖАРАЁНИДА
САНКЦИЯ АСОСИДА ТАДБИРЛАР
ҮТКАЗИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

52

**ИНСОННИНГ МЕҲНАТГА ОИД
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРИ
ТУШУНЧАСИ**

54

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ

**ОХРАНА ТРАДИЦИОННЫХ ЗНАНИЙ
В СИСТЕМЕ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ
СОБСТВЕННОСТИ:
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ И
РЕКОМЕНДАЦИИ ВОИС**

ВАЖНАЯ ТЕМА**56**

**ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ МЕЖДУНАРОДНЫХ
ДОГОВОРОВ В СИСТЕМЕ
МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНОГО
ПРАВА**

59

ANALYSIS

**THE USE OF INVESTMENT TREATIES
TO PROTECT FOREIGN INVESTMENT**

RESEARCH**62**

**PECULIARITIES OF REGULATING
THE LABOR OF REMOTE WORKERS**

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА ЁХУД “ҮТМИШДАН КЕЛГАН АДОЛАТЛИ НИДОЛАР”

Адлия, прокуратура ва суд органларида кўп йиллар фаолият юритган, адлия органлари фаҳрийлар кенгашига узоқ йиллар раислик қилган, Адлия вазирлиги тарихи музейини ташкил қилишда фидоийлик кўрсатган Эрмуҳаммад Шерматов томонидан ёзилган “Үтмишдан келган адолатли нидолар” номли китоб ўзига хос услугбада ёзилганлиги билан таҳсинга сазовор.

Мазкур китоб Ўзбекистон Республикаси давлат архиви, Ўзбекистон миллий архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти архиви, Давлат хавфсизлик хизмати архиви ва бошқа тегишли муассасалардан олинган тарихий хужжатлар, тарих ва юридик фан соҳалари олимлари томонидан тарихий манбалар ва хуқуқий хужжатларга таяниб ёзилган иммий асарлар асосида нашрга тайёрланган.

Муаллиф ўз олдига адолатли давлат ва жамият барпо этишда адлия органларининг ўрни ва ролини очиб беришни мақсад қўйиб қўйган ва унга эришган.

Муаллиф китобни буюк алломаларимиз Абу Наср Фаробий, Абу Лайс Ас-Самарқандий, Бурхониддин Ал-Марғоний, Амир Темур, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг илм ва адолат ҳақидағи бебаҳо тарихий меросларидан иқтибослар келтириш билан бирга уларнинг адолат кўргонини яратишдаги улкан хиссаларини қисқа сатрлар орқали аниқ ва лўнда ифодалашдан бошлаган.

Хусусан, Амир Темур шахсий ҳаётида уч мўътабар асос – диёнат, адолат ва қатъият билан амалга оширилган сиёсатга таянган. Унинг “Куч – адолатда” шиори Янги Ўзбекистон сиёсатида ҳам ўз аксини топмоқда.

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-киммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш асосий мақсадимиз эканлиги таъкидланганлиги ҳам шундан далолатdir.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, – “Халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт. Қонун адолатли бўлса, у инсон хуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қиласи ва унга итоат этади”.

Ушбу китоб икки бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Туркистон ўлкаси, Ўзбекистон ССР Юстиция халқ комиссарлиги (министрилги) ва мустақил Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига раҳбарлик қилган 38 та шахснинг ҳаёти ва фаолияти кенг ёритилган.

Уларнинг адлия органларидаги фаолияти орқали адлия вазирлигини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш, тугатиш ва қайта тикилашга оид тарихий манбаларга назар ташлаш, унинг асосий вазифалари ва функцияларини таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади.

70 йилдан ортиқ онгимизга сингдириб келинган коммунизм куриш foяси Улуғ Октябрь революцияси ғалабаси деб номланган давлат тўнтариши билан бошлангани кўпчилигимизнинг ёдимиизда.

1917 йил 23 ноябрда Тошкент шаҳрида Туркистон ўлкаси Халқ комиссарлар совети 15 та комиссарлардан иборат тар-



кибда, шу жумладан Когон шаҳрида оддий судья вазифасида ишлётган Владимир Залесский Юстиция комиссари сифатида эълон қилинган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил қилингунга қадар Юстиция комиссарлари лавозимида Владимир Зеленский, Александр Сидоров, Аристах Казаков, Абдуллајон Мухаммаджонов, Р.Капкаев, Хусайн Ибрагимов, Ш.Ахметдиев, Дўст Устабоев, Бўтабой Дарабоев фаолият юритганига оид маълумотлар келтирилган.

Исоқ Фозиев Туркистон АССРнинг охирига ва Ўзбекистон ССРнинг биринчи Юстиция халқ комиссари бўлган. Шундан кейин бу лавозимида Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар Аҳмадбек Мавлонбеков, Шермат Эрматов, Эдуард Синат, Давронбек Аҳмадбеков, Сайд Али Ходжаев, Абрам Абдураҳмонов, Дадаҳон Турдиев, Вали Умаров, Аҳрор Мухторов, Гульчира Ҳамзина, Кабир Комилов, Мурод Шералиев, Ҳадича Сулаймонова, Мамлакат Восикова, Нўймон Бўрихўжаев, Баходир Олимжонов, Мирзо Улугбек Абдусаломов (министр вазифасини бажарувчи) фаолият юритганлар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Адлия вазири лавозимида Мухаммад Бобур Маликов, Алишер Мардиев, Сирожиддин Мирсафоев, Абдусамад Половонзода, Бўритош Мустафоев, Фозилжон Отаконов, Равшан Мухитдинов, Нифатилла Йўлдошев, Музироф Икрамов, Русланбек Давлетов фаолият кўрсатдилар. 2022 йил 16 ноябрдан бошлаб Акбар Тошкулов Адлия вазирлигига раҳбарлик қилиб келмоқда.

“Ўтмишдан келган адолатли нидолар” китобида Адлия вазирлиги раҳбарлари фаолияти орқали адлия вазирлигининг ташкил қилиниши, унинг таркибий тузилиши, асосий вазифалари ва функциялари, адлия органлари фаолиятининг ижобий ва салбий натижалари тўғрисида бизга маълум ва номаълум бўлган маълумотлар, тарихий хужжатлар келтирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса адлия

органларининг ривожланиш босқичларини ва ролини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишда қимматли манба бўлади.

Китобнинг иккинчи бобида мамлакатимизда XX асрда содир бўлган фожиали воқеалар, қатағон қурбонлари, “пахта иши” ва “ўзбеклар иши” архив материаллари ва ишончли манбалардан фойдаланилган ҳолда ёритилган.

Бу борада Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мустақиллигимизнинг 31 йиллиги байрами муносабати билан 2022 йил 31 август куни Шаҳидлар хотираси хиёбонида қатағон қурбонларини ёд этиш маросимида миллатимиз маърифатпарварлари ва қаҳрамонлари бўлган қатағон қурбонлари ҳақида гапириб, ҳали бу тарих охиригача ўрганилмагани, қатағон қурбонларини аниқлаш ва хотирасини тиклаш бўйича изланишларни давом эттириш кераклигини таъкидлаб айтган қуидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Бутун дунёда бир парча қоғоз бўлсаям, қанча маблағ кетсаям, ўзбек миллатига мансуб ҳужжатларни топинглар, деб топшириқ бергандим. Охирги йилларда яна қанча қатағон қурбонлари аниқланди ва аниқланмоқда. Адолат нуқтаи назаридан қаҳрамон боболаримизнинг номларини тикляпмиз. Ўтган бир йил ичida Ўзбекистон Олий суди томонидан 235 нафар ана шундай ватандошимиз оқланди. Жадид боболаримиз номи билан аталувчи музейлар, мактаблар ташкил қиляпмиз. Тошкент марказида Абдулла Қодирий мактабини куриб, ҳайкалини ўрнатдик. Нима учун? Одамлар ўтганда кўриши, “Мен кимларнинг авлодиман” деб ўйлаши, асарларини билиши учун. Ёки Чўлпонни тиклаш қандай қийин бўлди? Бугун биз пастга тушинглар, ҳалқнинг ичига боринглар, деялмиз, ҳалқдан куч олаяпмиз. Чўлпон ҳам шундай деган. Бундай хайрли ишларни тўхтатмаслик керак. Янги китоблар, фильмлар чиқариш зарур”.

Шунинг учун ҳам муаллиф Ўзбекистонда адлия вазирлиги тарихи билан боғлиқ ушбу китобга шўролар давридаги қатағонлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни киритиш, улар ҳақида сўз айтиш зарур деган хуносага келади ҳамда уни қуидагилар билан изоҳлайди:

биринчидан, қатағонлар даврида шўролар раҳбарлари адлия тизими томонидан ишлаб чиқилган қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа ҳукуқий ҳужжатлардаги инсон эрки, шаъни, қадр-қиммати билан боғлиқ қоидаларни кўпол равишда буздилар, аникроғи, уларни умуман эътиборга олмадилар. Ҳукуқсизлик, қонунсизлик ҳукмрон бўлди;

иккинчидан, адлия тизимида, шунингдек суд, прокуратура ва бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритган инсонларнинг бир қисми ҳам турли даврларда қатағон қурбонларига айландилар;

учинчидан, қатағон қурбонлари бўлган жабрдийдаларнинг номларини оқлаш, уларнинг ҳақ-ҳукукларини тиклаши, фаолиятларига холис баҳо бериб, гуноҳсиз жазолангандарини исботлаб бериш ҳам аксарият ҳолларда адлия тизими вакиллари зинмасига тушди.

Шунинг учун ҳам ушбу китобда собиқ Совет иттифоқида қатағон уч марта ўтказилган бўлса, унинг чекка ўлкаси Туркистон, шу жумладан Ўзбекистонда беш марта амалга оширилганлиги таъкидланиб, Ўзбекистон ССРда биринчи қатағон 1925–1930 йиллар оралиғида “Сув ва сувни национализация қилиш тўғрисида” ва “Ер-сув ислоҳоти тўғрисида” Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитетининг декретлари қабул қилиниши билан бошланганлиги ва бунинг оқибатида

беш мингга яқин бой хўжаликлар тугатилганлиги, 23 мингдан зиёд ўзига тўқ хўжаликларнинг ерлари, қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган асбоб-ускуналари, чорва моллари, отлари ва бошқа бойликлари тортиб олинганлиги, 17–20 мингта атрофида қулоқлаштирилган оиласлар Украина, Шимолий Кавказ, Сибирь, Қозогистон, Узоқ Шарқ ва бошқа ўлкаларга сургун қилинганлиги ва қатағон оқибатлари келтирилган.

Ўзбекистон ССРда қатағоннинг иккинчи тўлқини 1929 йилда юзага келганлиги ва унда мавжуд тузумга муҳолифатда бўлган, большевикларга хизмат қилаётган кўплаб зиёлилар “ҳалқ душманлари”, “буржуа миллатчилари” каби айловлар билан жисмонан маҳв қилиниб, йўқ қилишга киришилганлиги аниқ фактлар билан ёритиб берилган.

Хусусан, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси Сайдулла Қосимов ва унинг 6 та сафдоши устидан Самарқанд шаҳрида СССР Олий суди сайёр сессиясида суд жараёни бўлиб ўтади ва унда судланувчилар босмачиларни қўллаб-куватлашда, аксилиниқилобчи – миллатчи ташкилотлар билан алоқа боғлашда, Ислом динини ҳимоя қилишда ва советларга қарши “Қосимовчилик” гурӯхини тузишда айланадилар ва суд ҳукмига кўра С. Қосимов, Б. Шарипов, Н. Алимов отиб ўлдиришга, қолган 3 та судланувчилар 10 йилдан қамоқ жазосига ҳукм қилинадилар.

“Катта террор”, “Катта қирғин” – деб аталган учинчи қатағон 1936–1937 йилларда амалга оширилганлиги, 1937 йилнинг 2 июлида Бутуниттифок Коммунистик партияси Марказий комитети сиёсий бюросининг “Антисовет унсурлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, уларни текшириш учун “учлик”ларни ташкил этиш белгиланганлиги ва Иттифок марказидаги “учлик”нинг бўйруғи билан 1937 йилда Ўзбекистон ССР бўйича 1 489 киши отиб ўлдиришга ва 3 950 киши сургун қилишга кўрсатма берилганлиги қайд қилинган. Улар қаторида турли йиллар Юстиция комиссарлари бўлган А. Сидоров, Ҳ. Ибрагимов, Б. Дадабоев, И. Фозиев, А. Мавлонбеков, Д. Аҳмадбеков, С. Хўжаевлар ҳам бўлганлиги таъкидланган.

Советлар давридаги навбатдаги тўртинчи қатағон 1950–1952 йилларда амалга оширилган ва унда ижодкорлар, олимлар хур фикрлар айтишдан, кўнгилларидағи орзу-ниятларини изҳор қилишдан маҳрум қилинган. Бу даврда республикамиздан Мақсад Шайхзода, Шухрат, Шукрулло, Ҳамид Сулаймон, Ортиқ Қаюмов, Ҳабибулло Қодирий каби юзлаб зиёлилар Сибирь, Қозогистон ва Узоқ Шарқдаги қамоқларга ташланган.

1983–1989 йилларда Советлар даврининг Ўзбекистонда бешинчи қатағони амалга оширилган. Дастреб “пахта иши”, яъни пахтачиликда кўшиб ёзишлар, коррупция ҳолатлари, пахта тайёрлаш тизимидағи сунистеъмолликлар билан боғлиқ ҳолда бошланган қатағон, кейинчалик “ўзбеклар иши”га айлантирилганлиги таъкидланиб, унда беш мингга яқин қишлоқ хўжалик ходимлари, раҳбарлар, пахтакорлар, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари жазолангандариги, аслида ушбу қатағон даҳшатларини ҳалқимизнинг бир неча ўн минглаб вакиллари бошидан кечирганлигига оид аниқ мисоллар келтирилади.

Муаллиф томонидан мамлакатимизда қатағон қурбонларини оқлаш бўйича амалга оширилган ва оширилаётган машаққатли ишлар тўғрисида ҳам маълумотлар берилган.

Фозилжон ОТАХОНОВ,
Судьялар олий мактаби профессори,
юридик фанлар доктори.

СУДЬЯЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЭЛЕКТРОН-РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Судьялар олий кенгаси томонидан ишлаб чиқилган судьялар фаолиятининг самараадорлигини электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизимининг ўзига хос жиҳатлари, бу тизимнинг хорижий давлатларда жорий этилган баҳолаш тизимларидан фарқи, судьялар фаолиятининг самараадорлигини баҳолаш инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилиши, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси, баҳолаш натижалари таҳлил қилиниши ва унинг оқибати бўйича қандай чора-тадбирлар курилиши, электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизими сунъий интеллект технологияси ҳисобланниши таҳлил қилиниб, электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизимини ҳақиқий сунъий интеллект технологиясига айлантириши бўйича таклифлар берилган.

Калит сўзлар: судьялар фаолияти, электрон-рейтинг баҳолаш, суд қарорлари сифати, судьянинг одоби ва масъулияти, инсон омилси ва аралашуви, хорижий тажриба, сунъий интеллект.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигин таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самараадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармонига асосан Судьялар олий кенгаси томонидан судьялар фаолиятининг самараадорлигини электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан тасдиқланган “Судьялар фаолияти самараадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, суд қарорларининг сифати (50 балл), судьянинг одоби ва масъулияти (45 балл), чет тилларини билиши (5 балл) судьялар фаолияти самараадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади.

Мазкур баҳолаш тизимини миллий деб таъкидлаш бежизга эмас. Чунки, бу тизим хорижий давлатларда жорий этилган баҳолаш тизимларидан тубдан фарқ қиласди.

Энг мухим фарқларидан бири – судьялар фаолиятининг самараадорлигини баҳолаш инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилишида.

Тўғри, электрон-рейтинг Дастурiga (матнда бундан кейин “Дастур” деб юритилади) ҳар ой якунидаги тегишли маълумотлар масъул ходим томонидан киритилади, лекин судьянинг рейтинг баҳоси Дастурiga киритилган маълумотлар асосида автоматлаштирилган тарзда шаклланади.

Суд қарорларининг сифати мезони бўйича судья томонидан чиқарилган суд қарорининг юкори инстанцияларда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши Дастурiga киритилган жарима баллари асосида баҳоланади.

Дастурга суд қарорларининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши оқибатидан келиб чиқиб 74 та ҳолатда жарима баллари белгиланган.

Мисол учун, апелляция инстанциясида айблов ҳукми тўлиқ бекор қилиниб оқлов ҳукми чиқарилиши 8 балл, ҳал қилув қарори тўлиқ бекор қилиниб янги ҳал қилув қарори чиқарилиши 6 балл, ишни тутагиш ажричи тўлиқ бекор қилиниши 2 балл қилиб белгиланган.

Судьянинг қарори бекор қилинганда масъул ходим бу ҳақида Дастурiga маълумот киритиди, Дастур қарорининг бекор қилиниши сабаби ва оқибатидан келиб чиқиб белгиланган жарима балини судьянинг жами балидан айради.

Судьяга суд қарорларининг сифати мезони бўйича жами 50 балл берилган бўлиб, у суд қарорлари барқарорлигини таъминлаган ҳолда шу баллни сақлаб қолиши керак.

Суд қарорининг сифати фақатгина унинг бекор қилинганлиги ёки ўзгартирилганлиги билан эмас, балки тўғри расмийлаштирилганлиги, матнда хотолик йўқлиги ҳамда асослантирилганлиги билан ҳам баҳоланиши мумкин.

Бирок, суд қарори матнини баҳолашни инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ўринда баҳоловчининг савиёси, суд

қарорини танлаш услуби турли хил ёндашувга олиб келиши ва натижада адолатсиз баҳо қўйилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шу сабабли Ўзбекистонда судьялар фаолияти самараадорлигини электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилиши тамоили асосида ишлаб чиқилди.

Бу борада тажрибаси ўрганилган барча ривоҷланган хорижий давлатларда судьянинг фаолияти самараадорлиги бир гурух судьялар томонидан муҳокама қилиниб баҳоланиши, яни баҳолаш натижаси субъектив хуласалардан келиб чиқиши аниқланди.

АҚШда судьялар фаолияти шу масалага масъул қилиб белгиланган суд ходимлари томонидан баҳоланади, Буюк Британия ва аксарият Европа давлатларида эса судьялар фаолиятини баҳолаш суд ходимлари томонидан эмас, балки мустақил комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда судьянинг фаолиятини судья, суд ходими ёки бошқа шахслар баҳоламаслиги, балки баҳолаш жараёнлари инсон омилисиз ва аралашувисиз амалга оширилиши электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизимининг холислиги ва адолатлилигини таъминлайди.

Суд қарорларининг сифати мезони бўйича баҳолашнинг яна бир жиҳати – судьянинг айби бўлмаган ҳолатда суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши баҳолашда инобатта олинмайди.

Шунингдек, апелляция ва кассация ажримлари бекор қилинганда ёки ўзгартирилганда жарима баллари ҳайъатнинг барча аъзоларига таъсир қиласди. Бунда ҳайъатда маърузачи судьянинг рейтинг баҳосидан тўлиқ жарима балларини айиради, ҳайъатда раислик қилувчи ва ҳайъат аъзосидан жарима балларининг ярми айрилади.

Бу ўз навбатида ишларнинг юкори инстанцияларда қайта кўриб чиқилишида судлов ҳайъати барча аъзоларининг масъулиятини оширади.

Судьянинг одоби ва масъулияти Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги” Конуни 74-моддасининг биринчи кисмидаги назарда тутилган ҳаракатлар хизмат текшируви хуносаси билан тасдиғини топиб, интизомий жазо қўлланилган конунбузарлик, интизомизлиқ, коидабузарлик, ҳукуқбузарлик, шунингдек, Судьялар одоби кодекси талаబларига риоя этмаслик ҳолатлари билан баҳоланади.

Судьянинг одоби ва масъулиятини баҳолаш мезони бўйича дастурга хизмат текшируви хуносаси ҳамда интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги малака ҳайъатнинг қарори киритилган ҳар бир ҳолат бўйича судьянинг жами балидан 15 балл айрилади.

Судьянинг иш ҳажми катталиги, коррупцияга қарши курашишда фаоллиги, Судьялар клуби онлайн форумидаги фаоллиги, илмий даражага эгалиги, судьяларнинг касбий малакасини оширишда қатнашганлиги ҳамда ишдаги тарафларнинг ярашувига (келишувига) эришганлиги кўшимча баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

Иш ҳажмининг катталиги суд қарорларининг сифатига таъсир қилишида ва судьянинг масъулияти ва ижтимоий фаоллигини рагбатлантиришда кўшимча баҳолаш мезонлари мувознатни таъминлайди.

Рейтинг баҳолаш тизими – судья томонидан охирги ўн иккى ой ичида қабул қилинган қарорлари сифати, интизомий жавобгарликка тортилганлиги, шунингдек, кўшимча баҳолаш мезонларида назарда тутилган фаолиятини 100 баллик баҳолашдир.

Электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизимининг яна бир муҳим жиҳати баҳолаш натижалари таҳлил қилиниши ва унинг оқибати бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилишида.

Судъяларнинг баҳолаш кўрсаткичлари таҳлил қилиниши қандай оқибат келтириб чиқаради?

1. Судъялар олий кенгаси фаолияти қониқарсиз баҳоланган судъялар бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқки юзасидан Судъялар малака ҳайъатларига ёки Судъялар олий малака ҳайъатига муносабат билдиради.

2. Судъяларнинг малака ҳайъати фаолияти қониқарсиз деб баҳоланган ҳар бир судья учун алоҳида комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқади, зарур ҳолларда аниқланган ножӯя ҳатти-ҳаракатлар юзасидан хизмат текшируви ўтказилиб, судъянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш масаласини кўриб чиқади. Рейтинг кўрсаткичи насталигининг ўзи судъяни интизомий жавобгарликка тортишига сабаб бўлмайди.

Судъянинг фаолияти самарадорлиги:

86 дан 100 баллгача – “намунали”;

71 дан 85 баллгача – “яхши”;

56 дан 70 баллгача – “қониқарли”;

55 баллгача – “қониқарсиз” деб баҳоланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қоракалпогистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қоракалпогистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раислари ва раис ўринбосарларининг фаолияти самарадорлиги шу ҳудуд, суд ва ихтиносидка ишләётган судъялар рейтинг балининг ўртача миқдори хисобида баҳоланади.

Суд раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган суд ва ҳудуддаги судъяларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш рейтинг кўрсаткичлари билан танишиб боришилар мумкин.

Бу ўз навбатида суд раисларининг маஸулиятини ошириб, ҳар бир суд ва ҳар бир ҳудуд рейтингини аниқлашга имкон беради.

4. Судъялар Кенгашининг ахборот тизимида рўйхатдан ўтиб, ўзининг фаолиятини баҳолаш рейтинг натижаси, жумладан, умумлаштирилган маълумотларни кўрсатувчи титул вараги ҳамда ҳар бир мезон бўйича Дастурга киритилган маълумотлар билан танишиб бориши мумкин.

Бу судъяга ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, хато ва камчилуклари устидан ишлашга имкон беради.

5. Судъялар олий кенгаси судъялик, айниқса, раҳбарлик лавозимларига тайинлашда мүқобил номзодларнинг рейтинг кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда хуласа қилишга имкон беради.

6. Йил якуни бўйича энг юқори рейтинг кўрсаткичига эга судъялар “Ибратли судья” мукофоти билан тақдирланади.

Судъялар фаолияти самарадорлигини электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизими халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатлар мутахассислари томонидан юқори этироф этилмоқда.

Судъялар олий кенгаси томонидан ишлаб чиқилган мазкур электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизими сунъий интеллект технологияси хисобланадими?

Сунъий интеллект – маълумотларни тўплаб, муайян қоидаларга риоя қилган ҳолда таҳлил қилиб, инсон омилисиз ва аралашувисиз сўровларга жавоб берадиган ва маълумот берадиган компьютер дастури.

Электрон рейтинг баҳолаш миллий тизими қайд этилган белгиларга кўра сунъий интеллект технологияси хисобланади:

1. Маълумот тўплаш: Дастурга баҳолаш мезонлари бўйича маълумотлар киритилади. Яъни, бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарорлари, қарорни чиқарган судьялар, судьяга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви ва интизомий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида маълумотлар, чет тилини билишини тасдиқловчи хужжатлар, иш ҳажми тўғрисида статистик маълумотлар киритилади.

2. Муайян қоидаларга риоя қилган ҳолда маълумотларни таҳлил қилиш: Дастурга киритилган маълумотлар муайян қоидалар, яъни жарима баллари, баҳолаш мезонлари бўйича раббатлантириш балларини инобатга олган ҳолда рейтинг кўрсаткичи шакллантирилади.

3. Инсон омилисиз ва аралашувисиз сўровларга жавоб берадиган ва маълумот бериш: Судъяларнинг рейтинг кўрсаткичлари бўйича фильтр қилиш, яъни турли хил сўровлар бериш, ҳудудлар, судлар ва суд ихтиносиги кесимидан судъялар кўрсаткичлари рўйхатини шакллантириш, судъянинг рейтинг кўрсаткичи титул варагининг автоматик тарзда шаклланиши натижасида рейтинг кўрсаткичи энг яхши ва қониқарсиз бўлган судъялар рўйхати шакллантирилади.

Юкорида қайд этилган белгиларга кўра электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизими тўлиқ ва кучли бўлмаса-да, шартли равишида сунъий интеллект хисобланади.

Электрон-рейтинг баҳолаш миллий тизимини ҳақиқий сунъий интеллект технологиясига айлантириш учун

1. Дастурни Олий судининг ахборот тизимида интеграция қилиши орқали маълумотлар алмашинувини ўйла қўйши. Бунда Дастурга маълумот масъул ходим томонидан киритилмасдан, тўверидан-тўври Олий суд ахборот тизимида олинади.

2. Суд қарори тўври расмийлаштирилганлиги, матнда хато бўлмаслиги ёки асослантириб ёзилганлиги ҳам унинг сифатини белгилайди, лекин бу сифатни инсон омилисиз баҳолаш қийин.

Бу борада сунъий интеллект технологияларини кўллаш орқали суд қарори матнни ва тузилмасини маҳсус дастурда текшириб, хато ва камчилукларни аниқлаша ва баҳолаш мумкин.

3. Дастурга тегишили қоидаларни киритган ҳолда суд қарорининг бекор қилинши ёки ўзгартирилишида судъянинг айби ўйқлигини автоматик тарзда аниқлаша ва баҳолашда инобатга олинмаслигини татъминлаш.

4. Бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарори бўйича иш тоифасининг муракаблигига қараб жарима балларини белгилаш. Яъни, оғир тоифадаги ишлар бўйича жарима балини камайтириш, қисқа вақт ичидан бир тоифада бир нечта суд қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилганда жарима балини умумлаштириб ҳисоблаш.

5. Судъянинг рейтинг кўрсаткичидан келиб чиқиб аниқланган хато ва камчилуклар билан ишлаш бўйича индивидуал чора-тадбирлар режасини автоматик тарзда шакллантириши каби таклифлар илгари сурилади.

Хуршид СОДИҚОВ,
Судъялар олий кенгаси котиби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/5146554>

2. <https://lex.uz/docs/3153668>

3. Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгашининг 2021 йил 6 декабрдаги 1646-сонли қарори билан тасдиқланган “Судъялар фаолияти самарадорлигини электрон рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида” Низом.

4. https://en.wikipedia.org/wiki/Artificial_intelligence

5. Судебные системы зарубежных государств : учеб.-метод. Пособие для студентов юрид. спец. БГУ / В. Н. Бибило. – Минск : БГУ, 2012. – 93 с.

6. Colbran S. A comparative analysis of judicial performance evaluation programmes // Journal of Commonwealth Law and Legal Education. Taylor & Francis. 2006. № 4. 35-67 пр.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМДА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ

Аннотация: мақолада муаллиф мамлакатимизда илмий фаолиятнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда роли билан бөглиқ масалаларнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг бугунги кундаги тараққиётини ҳамда бу борада мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларга оид амалдаги қонунчиликни илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этади.

Калит сўзлар: илмий фаолият, фан соҳаси, ахборот-коммуникация технологиялари, илмий ходим, илмий педагогик кадр, олий ўқув юртидан кейинги таълим, малака ошириш, қайта тайёрлаш.

Замонавий шароитда ҳар бир давлатнинг ҳолати кўп жиҳатдан унинг интеллектуал потенциали, кадрларни қасбий тайёрлашнинг сифати, илм ҳамда фаннинг даражаси билан белгиланади. Ҳар бир жамиятда айнан илм техник тараққиётнинг катализатори бўлиб, иктисодиётнинг ҳолатига сезиларли таъсир ўтказувчи давлатнинг ички хавфсизлиги, ижтимоий-иктисодий ҳолати, шунингдек ташқи сиёсий вазиятини мустаҳкамлашда ҳам ҳал қилувчи ўринни эгаллаши, шубҳасиз.

Шу маънода Фредерика Жоилио-Кюрининг – “фан ҳалқ учун зарур, уни ривожлантирган мамлакат муқаррар равишда мустамлакачилик зулмига маҳкумдир” – деган фикрлари хеч бир замонда ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Бир сўз билан айтганда давлат ва жамият тараққиётда илмнинг ўрни ва роли бекёйс. Ўзбекистонда ҳам илмий фаолият соҳаси алоҳида эътиборга молик йўналиш сифатида давлат олдида турган муаммоларни ҳал қилишнинг назарий ғояларини яратишда унга кўмакчи вазифасини бажариб келмоқда. Бугун мамлакатимизда жамиятнинг маънавий янгиланиши, мамлакат тараққиётидаги муҳим йўналишлардан бири сифатида ижтимоий йўналтирилган бозор иктисодиётини шакллантириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Илм ва фан тараққиётини юксак даражага кўтариш, айниқса илмий фаолият соҳаларининг фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари йўналишларида ҳамда давлат илмий-техника дастури доирасида долзарб тадқиқотлар амалга оширилмоқдаки, бу мазкур соҳага қаратилаётган давлат даражасидаги эътиборнинг яқъол ифодасидир.

Бундан ташқари, бугунги кундаги фан ва илмий фаолиятга нисбатан қўйилаётган ҳалқаро даражадаги талаблар, шунингдек мамлакатимизда амалга ошириләтган ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ислоҳотлар республикамиизда фан ҳамда илмий фаолият соҳасидаги амалдаги қонунчиликни яна бир бор танқидий таҳлил этиш, ундаги мавжуд баъзи бир камчиликларни чуқур илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишни талаб этмоқда. Қолаверса, ушбу соҳадаги айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларда учрайдиган ҳаволаки нормаларга барҳам бериш, амалдаги бўшликларни тўлдириш ўз-ўзидан бу соҳада фундаментал илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш заруриятини туғдирмоқда.

Ўзбекистонда фан ва илмий фаолият соҳасининг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституциясининг 53-моддасида “Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида фамхўрлик қиласи”, – деб белгиланган.

Жамият илмий салоҳиятини ошириш, илмий кадрлар тайёрлашнинг зарур қонунчилик асосларини яратиш, қолаверса илмий ходимнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш билан бөглиқ аниқ мақсадга йўналтирилган ислоҳотларни амалга ошириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада “Таълим тўғрисида”ги, “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалда рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлаш жараёнини илмий-тадқиқот жиҳатидан таъминлаш инфраструктурасини яратиш, шунингдек мамлакатимиз илм-фанининг жаҳон илм-фанига интеграциясини таъминлаш орқали замонавий илм-фан ва технологияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун муҳим илмий ютуқларни кўлга киритиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Эътиборга молик шундай бир жиҳат мавжудки, ҳар бир илмий тадқиқотчи кадрнинг чинакам илмий фаолияти асосан унинг олий таълимни тамомлаб бўлганидан сўнг янада ёрқинлашади. Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг касб-ҳунар манфаатларини қоноатлантиришга қаратилган бўлиб, у республикамиздаги мавжуд олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида илмий даражали кадрларни тайёрлаш шаклида таянч докторантуре, докторантуре ва мустақил изланувчилик асосида амалга оширилади.

Республикамиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида таянч докторантуре, докторантуре ва мустақил изланувчилик асосида илмий тадқиқот фаолиятини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий даражали кадрларни тайёрлаш жараёнларининг шаффоғлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги 696-сонли қарори билан тартибга солинади. Шунингдек, сўнгги йилларда илмий фаолият билан шугулланиш борасида илм-фанинг ҳар бир йўналиши ҳамда ихтисослигига илмий изланиш ва тадқиқот олиб боришига доир алоҳида маҳсус норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиндики, бу ўз-ўзидан республикамизда илм ва фанни истиқболда янада юксак даражада тараққий эттиришга қаратилган муҳим қадам бўлди дейиш мумкин.

Юқорида қайд қилинган ҳужжатлар мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор истиқболли йўналишларини, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш соҳасини ҳар жиҳатдан

жаҳон талаблари даражасида такомиллаштиришнинг хуқуқий асоси ҳисобланади.

Айниқса, бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг "Бинар (иккиталик) ҳимоя тизими асосида талабгорларга фан доктори (Dsc) ва фалсафа доктори (Phd) илмий даражаларини беришни ташкил қилиш чора-тадбirlари тўғрисида" 2020 йил 10 февралдаги 74-сон Қарори - иккиталик ҳимоя тизими асосида илмий ишланма яратган фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган илмий даражага (кейинги ўринларда фалсафа доктори (PhD) деб аталади) эга талабгорга фан доктори (DSc) ва илмий натижаларни амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини бериш орқали бутун дунёда умумеътироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ тарзда диссертация ҳимоя қилиш ва илмий даражага эга бўлишнинг янгича тартибини белгилаб берганлиги билан ниҳоятда аҳамиятилади.

Фан ва илмий фаолиятни тараққий топтиришдан кўзланган бирдан бир мақсад – энг аввало, ҳар бир мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва стратегик барқарорликни таъминлашдан иборат. Шундай экан, амалга ошириладиган ҳар қандай тадқиқот иши – биринчи навбатда амалиётга хизмат қилиши, ундаги мавжуд муаммоларни бартараф этишнинг аниқ йўналишларини кўрсатиб бериши, қолаверса фан соҳаларидағи ҳар бир йўналишнинг истиқболдаги такомиллашувини белгилаб беришга хизмат килмоғи лозим. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий атtestация комиссияси шундай муҳим вазифаларни бажариш мақсадида "Докторлик диссертациялари илмий натижаларининг амалиётга жорий қилинишини баҳолаш бўйича услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорига зарур ўзгартириш ва кўшимчалар киритиб, 2017 йил 31 майда №239/9-сонли Раёсат қарорини тасдиқлади. Ушбу хужжатга кўра бундан бўён амалга ошириладиган ҳар бир илмий тадқиқот иши мукаррар равиша амалиётда синовдан ўтган бўлиши энг муҳим ва устувор талаб сифатида белгиланди.

Ҳар бир мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга қўйила-диган асосий талаблардан бири бу – илмий тадқиқот иши натижасида кўлга киритилган ютуқларни амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Бу эса юкорида қайд этилган хужжат талабига кўра диссертация тадқиқоти дастлабки экспертизадан ўтказилгунига қадар бажариб бўлинган бўлиши кераклиги ойдинлашади. Янада соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, илмий натижалар амалиётга диссертация ишининг муҳокама босқичлари бошлангунига қадар татбиқ қилиб бўлинган бўлиши ҳамда бу борада диссертация ишига алоқадор бўлган хужжатларда хулоса мавжуд бўлиши керак. Бинобарин, бундан бўён мамлакатимизда амалга ошириладиган ҳар бир тадқиқот иши биринчи галда амалиётда синовдан ўтганидан сўнггина илмий жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилади. Тадқиқот ишининг илмий-назарий ҳамда фан тараққиётини юксалтиришга қаратилган хиссаси тўғрисида олимлар, илмий тадқиқот институтлари ходимлари ва соҳага алоқадор бошқа мутахассислар ўрганиб, батафсил кўриб чиқилганидан сўнг хулоса қилинади. Бундан маълум бўладики, истиқболда мамлакатимизда амалга

ошириладиган диссертацияларнинг амалий аҳамияти энг долзарб масала сифатида қонунан мустаҳкамланмоқда.

Мазкур ҳужжат билан мамлакатимизда амалга ошириладиган докторлик тадқиқот ишларининг жами 19 йўналиши бўйича олинган натижаларни амалиётга татбиқ этишнинг аниқ талаблари белгиланди. Шунингдек, ҳар бир йўналиш учун фан ихтисослигига мос келувчи дарслникнинг яратилганлиги умумий талаб сифатида қатъий назарда тутилмоқда. Эътиборлиси шундаки, талабгор томонидан эълон қилинган, бироқ амалиётга киритилмаган ишланмалар, шу жумладан диссертация асосидаги монографиялар илмий натижани амалиётга жорий этиш шакли сифатида қабул қилинмайди.

Баъзан амалиётда тадқиқотчилар томонидан тайёрланган диссертация ишининг муайян бир қисми, айрим ҳолларда бутун диссертация тадқиқоти муайян иловаларни (қонун хужжатлари, қарор ва бошқа идоравий-меъёрий хужжатларни) қўшган ҳолда монография тарзида нашр этилиб, илмий ишлар рўйхатига киритилади ёхуд жамоатчиликка ҳавола этилади. Албатта, бу тадқиқотчининг меҳнат маҳсулли, унинг бир неча йиллар давомида олиб борган изланишларининг самараси ҳисобланади. Аммо, бу ўринда шунга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладики, яратилган ҳар қандай асар, илмий монография ёки бошқа қўлланма биринчи навбатда амалиётда синовдан ўтган бўлиши ва бу тўғрисида ваколатли давлат органларининг хулосаси мавжуд бўлиши, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, у ўзининг ижтимоий вазифасини бажарган ва бундан самара-дорликка еришилган бўлиши лозим.

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда илмий фаолият соҳасидаги ислоҳотлар энг аввало бажарилган тадқиқот ишларининг ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатишини амалда таъминлаш, назария билан амалиётнинг уйғуноғини янада ошириш, ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасидаги яқин ҳамкорликни янги босқичга кўтаришни, қолаверса, республикамиз илм-фанини дунё миқёсига олиб чиқиш асосида халқаро тажрибанинг устувор жиҳатлари миллий қонунчиликка татбиқ қилинишини таъминлашга қаратилган.

Неъмат ХАТАБОВ,
Ўз МУ катта ўқитувчиси, ю.ф.н.,
Ойшахон АХУНОВА,
мустақил тадқиқотчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Lex.uz/ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Lex.uz/ Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРК-637-сон.
3. Lex.uz/ Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 17.12.2019 й., 03/19/595/4160-сон; 03/21/721/0952-сон; 15.03.2023 й., 03/23/823/0150-сон.
4. Scott P. Massification, Internationalization, and Globalization // P. Scott ed. The Globalization of Higher Education. Buckingham: The Society for research into Higher Education and Open University Press, 1988.
5. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 03/19/576/3970-сон; 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон)
6. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., 09/20/696/1481-сон.
7. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.02.2020 й., 09/20/74/0143-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 106-модда.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада прокурор назорати тушунчаси ва вазифаларига оид масалалар таҳлил қилинган. Прокурорнинг қонун устуворлигини таъминлашда Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб кўйилган вазифаларига ургу беруб ўтилган. Миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калим сўзлари: конституция, жиноят процесси, прокурор назорати, кафолат, манфаатлар, тушунча ва вазифа, хорижий тажриба, ҳуқук ва эркинликлар.

Миллий қонунчилигимизда прокурор назоратининг бевосита вазифалари қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ва фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишдир.

Конституциямизнинг 143-моддасига биноан, “мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат Республика прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланди”.

Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати ўз олдига мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан кўрикланадиган мулкий ва номулкий манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунингдек, терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов давомида инсон ва фуқаронинг ҳуқук ва эркинликларини ҳурмат қилиш ва риоя қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўради.

Прокурор фаолияти давомида назоратнинг барча йўналишларида қонунларнинг тўғри ва бир хилда кўлланилиши устидан назорат олиб бориш жараёнида қонун бузилиши ким томонидан содир бўлишидан қатъи назар, уларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни ва дастлабки терговни олиб бораётган органлар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш прокурорларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, прокурор жиноят ишларини тергов қилиш устидан назоратни амалга оширап экан, қонунийликни назорат қилишнинг умумий функциясидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳам, фақат прокурор назоратининг ушбу тармоғига хос бўлган вазифаларни ҳам бажаради. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичидаги прокурор назоратининг ўзига хос жиҳати шундаки, биринчидан, у суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боради, иккинчидан, жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг (гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи) ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиласди.

Прокурор жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни топиб жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўриши, жиноят процессига ноқо-

нуний жалб қилинган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши ва жиноят ишини олиб борувчи давлат органлари томонидан қонунбузилишнинг олдини олиш бўйича иш олиб бориши шарт.

Ҳар бир жиноятнинг тез, ҳар томонлама ва тўлиқ фош этилиши биринчи навбатда прокурорга катта маъсулият юклайди. Терговга қадар текширув фаолияти натижасида жиноят фош этилганда, тезкорлик билан суриштирув ва тергов бошланиши бўйича чоралар кўради. Демак, прокурорга жиноят ҳақидаги ариза келиб тушгандан то жиноятчига суд ҳукми ўқилгунча назорат олиб бориш вазифаси юкланди. Шунингдек, жиноятнинг тўлиқ фош этилиши иш бўйича жиноят содир этган барча шахсларнинг фош этилиши, барча жиноий қилмишлар ҳамда уларнинг содир этилишига сабаб бўлган омиллар ва шарт-шароитлар аниқланганинги билдиради.

Шу билан биргага, айрим ҳолатларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолиятида муайян камчиликларга йўл қўйилаётгани сабабли жиноятлар фош этилмай қолаётгани ҳам маълум. Жиноятлар фош этилмасликнинг асосий сабаблари қаторига: тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва тергов ишларини ҳамда прокурор назорати тўғри ташкил этилмаганлиги, прокурорлар ва терговчилар касбий маҳоратининг етарли даражада юқори эмаслигини ҳам киритиш мумкин.

Шу боис, прокурор суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш фаолиятини мувофиқлаштириб бошқаришга мажбур.

Прокурорнинг навбатдаги вазифаси – жиноятларни тергов қилиш жараёнида тезкор-қидирув, терговга қадар текширув органи мансабдор шахслари, суриштирувчи ва терговчининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан берилган шикоятларни кўриб чиқишидир.

Республикамиз Конституциясининг 55-моддасида ҳар ким мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш ҳукуқига эга бўлган қоидалар мавжуд. Шикоят (ариза) қонун ҳужжатларида белгилangan тартибида ва муддатларда кўриб чиқилиши керак. Ушбу талаблар тўлиқ прокуратура органларига, шу жумладан жиноят ишлари бўйича суриштирувни, дастлабки тергов билан боғлиқ шикоятларни кўриб чиқишига тааллуқлидир.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, прокурор қонунда белгиланган муддатларда суриштирув ва дастлабки тергов орғанларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиши ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисида ариза берувчиларга ёзма хабар бериши талаб этилади.

Бундай шикоятларни кўриб чиқиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 27, 338, 358-моддалари билан ҳам тартибга солинади. Қонун бўйича суриштирувчи, терговчининг ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан процесс иштирокчилари ёзма ёки оғзаки шикоятлар беришлари мумкин.

Аризачи, шикоятни берувчи шикоятни бевосита терговни назорат қилувчи прокурорга тақдим этиши мумкин. Шикоят оғзаки тарзда берилган бўлса, шикоятни қабул қилган шахс томонидан баённома тузилади ва шикоятчи томонидан имзоланади. Қонунда белгиланган муддат ичida шикоят прокурор томонидан кўриб чиқилади, унинг натижаси тўғрисида аризачига, шикоят берувчига хабар берилади. Шикоятни қаноатлантириш рад этилган тақдирда прокурор асослантирилган жавоб беришга мажбутирdir. Ушбу тартиб прокурорнинг шикоятни тўғри ҳал қилиш учун жавобгарлигини оширади. Ариза (шикоят) берувчи шикоятини рад этиш сабабларини билиб, прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга ёки судга шикоят қилиш имкониятига эга (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 7, 25, 32-моддалари).

Прокурор назоратининг асосий мақсади Ўзбекистон худудида қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши ва қўлланишини назорат қилишdir;

прокуратура назоратининг мақсадлари - прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга, шахс, жамият ва давлат хукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятининг якуний натижасидир;

Прокурор назоратининг тўрта асосий вазифасини ажратиб кўрсатиши мумкин: 1) конституциявий тузумни ҳимоя қилиш; 2) жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш; 3) жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш; 4) бузилган хукуқларни тиклаш ва айборларни жавобгарликка тортishi ҳамда етказилган зарарни коплаш чора-тадбирларини кўриш.

Прокуратура органларининг хукуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XXV-боб), жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги (34-модда) ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуларда мустаҳкамланган ва кафолатланган.

Қонуларда мустаҳкамланган ва кафолатланган хукуқ ва мажбуриятлар прокуратура органлари учун муҳим аҳамиятга эга, яъни прокуратура орғанларига берилган бу хукуқлар шунчаки қонуний имконият эмас, балки бу аксинча, (шахс, жамият ва давлат олдида) мажбуриятдир. Шу билан бирга, бу нафақат мажбурий талаблар, балки прокуратура органларининг уларни амалга ошириш ҳукуқидир. Прокуратуранинг бу хусусияти уларнинг давлатда ягона қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган мақсадининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, прокурорлар қўйидаги хукуқларга эга:

прокурор ҳар ойда камида бир марта содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни қабул қилиш, қайд қилиш ва ҳал этиши бўйича қонун талабларининг бажарилишини текшириши шарт (Қонуннинг 28-моддаси 3-қисми);

қонунийлиги устидан назоратни амалга оширган ҳолда прокурор дастлабки терговда иштирок этиши мумкин. Бу тергов режасини тузиш, сўроқ қилишда иштирок этиш, воқеа жойини кўздан кечириш, тезкор-қидириув гурухини тузиш, жиноятларни тергов қилишининг бориши бўйича йигилишлар ўтказишда ифодаланади (Қонуннинг 28-моддаси 7-қисми);

прокурор дастлабки тергов шартларига риоя этилишини назорат қиласди;

дастлабки тергов жиноят иши қўзгатилган кундан бошлаб иш айблов хуносаси билан прокурорга юборилгунга қадар ёки иш юритиши тугатилгунга ёки тўхтатилгунга қадар З ойдан ортиқ бўлмаган муддатда якунланиши керак.

тезкор-қидириув, терговга қадар текшириув органи мансабдор шахсининг, шунингдек суроштирувчи ва терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асосиз қарорларини бекор қиласди (Қонуннинг 28-моддаси 4-қисми);

суроштирувчининг, терговчининг жиноят ишини қўзгатиши ёки рад этиши тўғрисидаги қарорига розилик беради;

терговга қадар текшириув, тезкор-қидириув фаолиятини, суроштирув, тергов органлари мансабдор шахслари ҳаракатлари, ҳаракатсизлиги ва қарорлари устидан тушган шикоятни кўриб чиқади;

жиноий таъқиб қилиш ҳам прокурор зими масидадир (ЖПК 86-моддаси) шу боис у бошқа хукуқ ва мажбуриятларга эга.

Шухрат УЗАКОВ,
Хукуқни муҳофаза қилиши академияси “Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик” кафедраси бошлиги.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, ушбу тизимда амалга оширилган ислоҳотлар, аралаш сайлов тизими ва унинг инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашдаги афзаликлари баён қилинган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, инсон ҳуқуқлари уч авлоди, биринчи авлод ҳуқуқлари, ҳуқуқий онг, сайлов, сайлов кодекси, аралаш сайлов тизими, мажоритар сайлов тизими, пропорционал сайлов тизими, деклорация, халқаро пакт, конвенция.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, одамлар жамоа бўлиб яшаган даврларда ҳам ўзаро йиғилиш ўтказиб ўз жамоаси орасидан қабиласини ҳимоя қила оладиган, жисмонан бақувват, жасур, етакчилик қобилиятига эга, қабила фамида юрадиган кишиларни ўзларига оқсоқол этиб сайлашган. Давлатчилик шакллангунга қадар бўлган даврда ҳам сайлов амалиётининг бўлганлиги унинг узок тарихий ривожланиш босқичини босиб ўтганлиги ва бой тажрибага эга эканлигини кўрсатади. Бироқ, шундай бўлишига қарамасдан жамиятнинг барча аъзолари ҳам бирдек сайловларда иштирок этиш ҳамда сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлмаган. Зеро, инсонларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқлари сайловлар орқали таъминланади.

Ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти куришни мақсад қилган ҳар бир мамлакат давлат ҳокимиятини халқ иродаси асосида шакллантиришга ва унинг янада либералроқ ўйларини тадбиқ этишга интилади. Бинобарин, фуқаролар демократия тўғрисидаги ўз тасаввурларини аввало давлатни идора этиш билан боғлиқ жараёнлардаги иштирокларининг аниқ имконияти билан боғлайди. Иштирок эса турли кўринишларда намоён бўлади.

Хусусан, мамлакатимизда фуқароларни жамият ва давлат ишларига ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларига кенг жалб этиш билан боғлиқ тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки бевосита уларнинг юртимизда ўтказилаётган сайловларда қатнашиш ҳуқуқининг мамлакатимиз қонунчилигида қай даражада мустаҳкамланганлиги ва ундан фойдаланиш имкониятларининг яратилганлигига намоён бўлади.

Дунёда сайловларни ўтказишнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар ичida энг кенг тарқалгандар мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов тизимлари ҳисобланади. Ўзбекистонда сайлов тизими босқичма-босқич янгиланиб, ислоҳ қилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан мажоритар-пропорционал шаклга асосланган сайлов тизимини жорий этиш белгиланди. Мазкур Фармон ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомил-

лаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сонли қонуни қабул қилинди.

Ушбу қонун қабул қилингунга қадар мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларига сайлов мажоритар сайлов тизими асосида ўтказиб келинар эди. Мазкур қонун билан илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказиш бўйича янги тизим шакллантирилди. Бунда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг 50 фоизи (75 нафар) мажоритар, яъни ҳозиргидек муайян округлар бўйича энг кўп овоз олган номзодлар сайланиши, қолган 50 фоизи (75 нафар) эса пропорционал, яъни аниқ бир шахсга эмас, балки партияга овоз бериш орқали, партиялар томонидан кўрсатилган рўйхат асосида номзодлар сайланиши назарда тутилди.

Мажоритар ва пропорционал сайлов тизимларининг устунлиги;

- сайлов жараёнининг соддалиги;
- сайловчи ўзи муносаб деб ҳисоблаган аниқ бир номзодга овоз бериши;
- депутатларнинг бевосита сайловчилар олдида ҳисобдор бўлишида намоён бўлса, ушбу тизимнинг устун бўлмаган жиҳатлари;
- сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзодлар сайланган ҳисоблананиши, яъни, мутлақ кўпчилик овоз талаб этилиши;
- сиёсий куч сифатида муайян худуддан кўрсатилган номзоднинг шахси ва унинг обрўси билан боғланиб қолиши;
- партиялар ва улар дастурларининг назардан четда қолиши каби ҳолатларда акс этади.

Шу ўринда сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзодлар сайланган ҳисоблананиши бир нечта сайлов округларидан сайланадиган депутатликка номзодларга нисбатан тадбиқ этилиши манфаатли эмасдек кўринади. Нега-ки, бошқаларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланманас экан, ўша худуддаги нисбатан кўпчиликнинг фикри ва хоҳиш истаги амалга ошмай қолади. Зеро, инсон ҳуқуқлари озчилик ёки кўпчилик ҳуқуқлари билан ўлчанмайди. Агарда инсон ҳуқуқлари озчилик ёки кўпчилик билан ўлчанганди эди, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умужаҳон деклорацияси ҳам “инсон ҳуқуқлари” эмас, балки “инсонлар ҳуқуқлари” деб, номланган бўлар эди. Ўз олдига ҳуқуқий

демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган мамлакат давлат ҳокимиятини халқ иродаси асосида шакллантирас экан жамиятда ҳар бир инсон ҳоҳиш-истагини хурмат қилиш ва уни амалга ошириш чораларини қуриши лозим. Шу сабабли, бир мандатли сайлов окружларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши яъни, мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайлананиши янада манфаатлидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги 990-XII-сон қонунига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган Олий Мажлис депутатлигига номзод депутат этиб сайланган ҳисобланиши ҳамда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан ками сайловда иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб ҳисобланиши белгиланган эди.

Мазкур Конун Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнданги ЎРҚ-544-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини ўйқотган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг 18.12.2023 йилда ЎРҚ-883-сонли қонуни асосида сайлов қонунчилигига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Масалан:

- парламент қуий палатасига сайловларда мажоритара пропорционал сайлов тизимларини уйғунлаштириш асосида аралаш сайлов тизимидан фойдаланиш, шунингдек мажаллий кенгашларга сайлов мажоритар тизим асосида ўтказилиши;
- бир мандатли сайлов округлари бўйича бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ сайловчиларнинг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланиши;
- сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ўттиз уч фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилиши;

- сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатилаётганда аёллар сонининг энг кам миқдори номзодлар умумий сонининг ўттиз фоизидан кирк фоизига оширилиши ва бунда ҳар беш нафар номзоднинг икки нафари аёл киши бўлиши ва х.к.

Сайловлар қайси тизим асосида амалга оширилишидан қатъи назар сайлов принципларига амал қилиш, фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз ҳоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлигини таъминлаш, ўз номзодларини илгари суриш имкониятини яратиш сайловнинг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади.

Пропорционал сайлов тизимида,

- сайловчилар сайланиш имконияти кенгрок бўлган шахс(номзод)га эмас, балки сиёсий партияларнинг дастурлари асосида ўзларига маъқул келган маълум бир сиёсий партияга овоз бериши ва бунинг натижасида жамиятда сиёсий партиялар ролининг ошиши;
- сиёсий партияларнинг сайловчилар олдида масъулияти юқори бўлиши;

- сиёсий партияларнинг нафақат сайлов даврида, балки доимий равишда сайловчилар билан фаол муносабатда бўлиши ва муносабатларининг таъсирчан ва натижадор бўлишига ҳаракат қилиши ушбу тизимнинг устунлигини намоён этади.

Бироқ:

- сайлов натижаларини аниқлашнинг мураккаблиги;
- депутатларнинг муайян бир худуд сайловчилари олдида масъулият ҳисси бўлмаслиги;
- номзодлар рўйхатларини шакллантиришда суиистъмолчиликка йўл қўйиш имкониятининг мавжудлиги;
- сайловчиларда бевосита номзодга овоз бериш имкониятининг йўқлиги каби ҳолатлар ушбу тизимнинг устун бўлмаган жиҳатларини намоён этади.

Аралаш сайлов тизими ҳар икки тизимнинг камчиликларини бартараф этиш билан уларнинг афзал жиҳатларини ўзида уйғунлаштиради.

Ўз ўрнида, аралаш сайлов тизими сайловлар жараённида мамлакатимиз ахолисининг ўз сиёсий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда фаолликларини адолатли ва холисона амалга оширишига шароит яратишга; сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиши ҳамда ахоли олдида масъулияти ва ҳисобдорлигини кучайтишга; сайловчиларнинг сиёсий партияларга нисбатан ўзгача муносабати шаклланшишига; жамият ва давлат аҳамиятига молик муҳим қонун ва қарорлар қабул қилиш ҳамда сайлов принципларининг амалда қонунийлигини таъминлашга муносиб хизмат қилади.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар асосида хулоса қилинадиган бўлса, аралаш сайлов тизими фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари янада кенгрок кафолатланиши билан инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Зафар АМИРОВ,

Судьялар олий мактаби Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ кафедраси профессори в.б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон деклорацияси (1948 й.) <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
2. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги Европа конвенцияси (1950 й.) <https://www.coe.int/ru/web/compass/the-european-convention-on-human-rights-and-its-protocols>
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Ташкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 111 б.
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (1966 й.) Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/2640479>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи нафбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон фармони. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/6461609>
6. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/6697581>
7. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-883-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/70557>
8. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги 990-XII-сон қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/4386819>
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 июнданги ЎРҚ-544-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллӣ базаси. <https://lex.uz/docs/6461609>

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ: ҚОНУНЧИЛИК ВА АМАЛИЁТ

Қонунчиллик нафақат фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларининг вужудга келиши ва унинг тан олинишини эътироф этади, балки улар бузилган тақдирда ҳимоя қилинишини ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинлик-ларини қонунда тақиқланмаган барча усувлар билан ҳимоя қилишга ҳақли.

Фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра та-сарруф этадилар. Фуқаролик ҳуқуқлари суд орқали, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда маъ-мурый тартибда ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усувлари белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролик ҳуқуқлари ҳуқуқни тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини түғдирадиган ҳара-катларнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари-ни қўллаш; давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши; бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; зарарни тўлаш; неустойка ундириш; маънавий зиённи қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги усувлари орқали ҳимоя қилинади.

Лекин, қонунчилиқда белгиланган мазкур ҳимоя усувлари рўйхати тугал бўлмай, фуқаролик ҳуқуқла-ри қонунда назарда тутилган бошқача усувлар билан ҳам ҳимоя қилиниши мумкинлиги инкор этилмайди. Бошқача усувлар айнан қандай усувлар эканлиги ва улар ҳақида маълумотлар бир жойда жамлан-маганлиги боис фуқаролар, юридик шахслар ва суд амалиётида бу усувлардан фойдаланишда ноқулай-ликлар түғдиради.

Шу сабабли, мазкур усувлар қандай усувлар экан-лиги, уларнинг мазмуни ва улар қайси қонун норма-ларида назарда тутилганлиги ҳақида маълумот бериш фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда барча учун фойдалдан холи эмас, деган фикрдамиш.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг бошқа-ча усувлари Фуқаролик кодексининг маҳсус қисми ва бошқа тегишли кодекслар, алоҳида қонунлар норма-ларида ва ҳатто қонуности ҳужжатларида белгилани-ши мумкин.

Хусусан, Фуқаролик кодексининг 328-моддаси-да мажбуриятнинг қарздор ҳисобидан бажарилиши усуви назарда тутилган. Унга кўра, қарздор ашёни тайёрлаш ва кредиторга мулк қилиб ҳўжалик юри-тишга ёки оператив бошқаришга топшириш, ашё-ни фойдаланиш учун кредиторга бериш ёхуд унинг

учун муайян ишни бажариш ёки унга хизмат кўрса-тиш мажбуриятини бажармаган тақдирда кредитор, агар қонунчилиқдан, шартномадан ёки мажбурият моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса, учинчи шахсларга мажбуриятни оқилона муддатда оқилона баҳоларда ижро этишини топширишга ёинки уни ўз кучлари билан бажаришга ҳамда қарздордан қилин-ган зарур харажатларни ва бошқа зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Мазкур усул бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш усулига ўхшаб кетса-да, у натижа бермаган ҳолда фойдаланилади ва унда мажбуриятни ижро этувчи субъект ўзгаради, лекин харажатлар ва зарарни қоплаш асл қарздор зимма-сида қолади.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юқоридаги усулга ўхшаш усули Фуқаролик кодексининг 453-моддасида ҳам назарда тутилган. Унга кўра, агар маҳсулот етказиб берувчи товарларни маҳсулот етказиб бериш шартномасида назарда тутилган миқдорда етказиб бермаган бўлса ёхуд сотиб олув-чининг (олувчининг) тегишли даражада сифатли бўлмаган товарларни алмаштириш ёки товарларни бутлаш тўғрисидаги талабларни белгиланган муддатда бажармаса, сотиб олувчи етказиб берилмаган товарларни бошқа шахслардан олиб, уларни олиш билан боғлиқ барча зарур ва оқилона харажатларни маҳсулот етказиб берувчи зиммасига юклаш ҳуқуқига эга.

Умуман олганда, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш – шахснинг ҳуқуқларини бузган шахсга нисбатан ҳуқуқни тиклаш бўйича мажбурий таъсир чоралари қўлланилиши эканлигини инобатга олсак, қонун-чилиқда уни ҳимоя қилиш усувлари ҳам хилма-хил эканлигига амин бўламиш.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 100-модда-сига кўра, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақ-ли бўлиб, бу ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилиш усувларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 1040-моддасида ин-теллектуал мулк обьектларига нисбатан мутлақ ҳуқуқларни Кодекснинг 11-моддасида назарда тутил-ган усувлардан ташқари, мутлақ ҳуқуқлар қайси моддий обьектлар ёрдамида бузилган бўлса, ўша моддий обьектларни ҳамда бундай бузиш натижасида яра-тилган моддий обьектларни олиб қўйиш орқали; йўл

кўйилган бузиш ҳақидаги маълумотни мажбурий суратда эълон қилиб, унга бузилган ҳуқуқ кимга тегишилиги тўғрисидаги маълумотларни киритиш орқали ва қонунда назарда тутилган бошқа усусларда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган.

Фуқаролик кодексининг 202-моддаси 2-қисмига асосан собиқ мулқорлар денационализация қилинган мулкларини қайтариб берилишини талаб қилиши усули билан ўзларининг фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари мумкин.

Мазкур кодекснинг 227-моддасида улушли ёки биргаликдаги мулк иштирокчисида бошқа мол-мулк етарли бўлмаганда, унинг ҳақдори ундирувни қарздорнинг умумий мол-мулқдаги улушига қаратиш учун бу улушни – ажратиши талаб қилиш усули билан ўзи ҳақдор бўлган ундирувнинг амалга оширилиши таъминланишига эришиши мумкин.

Бундан ташқари улуш имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулқорлар уч ой мобайнида сотиб олувланинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилиш усули билан мулкий ҳуқуқлари бузилишини бартараф этиш имконига эгадирлар.

Шунингдек, мулқдор бўлган фуқаролар амалдаги қонунчиликка кўра, виндиқацион ва негатор даъвolar кўзгатиш йўли билан ўзларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга оширадилар.

Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари борасидаги хорижий давлатлар қонунчилиги ва тажрибасини ўрганиш уларда муштарак жиҳатлар етарлича эканлигини кўрсатади.

Қадимги Рим хусусий ҳуқуқидан келиб чиқиб ривожланган Франция ва Германия фуқаролик ҳуқуқ тизими кўпчилик Европа, ҳатто айрим Осиё, Лотин Америкаси давлатлари фуқаролик ҳуқуқининг ривожланиши ва тузилишига ҳам ўз таъсирини кўрсатган.

Мазкур ҳуқуқ тизимларида ҳам мажбурият ва шартномани бузганлик учун жавобгарлик унинг ижро этилишини таъминлаш, етказилган зарарни ундириш, уларни таъминлаш мақсадида даъво киритиш ва бошқалар ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг фуқаролик ҳуқуқий усувлари ҳисобланади.

АҚШ шартномавий ҳуқуқида шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши икки гурухга яъни, келишилган ва келишилмаган ҳимоя қилиш усувларига классификация қилинади. Табиийки, келишилган ҳимоя қилишда тарафлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш (тиглаш)нинг барча жиҳатларини ўзаро келишган ҳолда амалга оширадилар.

Япония Фуқаролик ҳуқуқида пул мажбуриятларини бажармаганлик учун фоизлар ундирилиши ҳам назарда тутилади.

Қонунчилик фуқаролик ҳуқуқлари нафақат суд тартибида, балки бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ҳимоя қилинишини ҳам назарда тутади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фавқулодда ҳолатлар тўғрисида"ги Қонунининг 24-моддасига кўра, фавқулодда ҳолатни жорий этиш учун асос бўлиб

хизмат қилган ҳолатлар натижасида ёки бундай ҳолатларни йўқ қилиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чоралар қўлланилиши муносабати билан жабрланган шахслар Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган шартлар асосида ва тартибда турар жойлар билан таъминлашни, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплашни, ишга жойлашишда кўмак берилиши ва зарур ёрдам кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ушбу Конституциявий Қонун 14-моддасининг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида назарда тутилган фавқулодда чоралар ва вақтинчалик чекловлар оқибатида зарар кўрган шахсларга ушбу зарарнинг ўрни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланади.

Мазкур тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги 600-сон қарори билан тасдиқланган "Фавқулодда ҳолат жорий этилган ҳудудда жабрланган шахсларга зарур ёрдам кўрсатиш ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонунининг 65-моддасида муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузарга нисбатан қўйишга ҳақли бўлган талаблар белгиланган. Бу талаблар ичида етказилган зарар ва бой берилган фойданни ундиришдан ташқари, зарарлар етказилиши фактидан қатъий назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эвазига тўланиши лозим бўлган товон тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи назарда тутилган.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда қонунга зид бўлмаган ҳар қандай усувлар билан унинг тикланиши ва ҳимоясини таъминлаш ҳар қандай ҳуқуқий давлатта хос хусусият бўлиб, бу борадаги қонунчиликни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш фуқаролар ва юридик шахслар манфаатига хизмат килади.

Абдурасул ЭРАНОВ,
суд фахрийси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
- 2.Кархалев Д.Н. Способы защиты гражданских прав в германском законодательстве. Аграрное право. 2016. №1 (133).
- 3.Артемов И.И. Классификация способов самозащиты гражданских прав в договорном праве США. Бизнес в законе. 2014. №6.
- 4.Кархалев Д.Н. Гражданско-правовая ответственность по законодательству Японии. Аграрное и земельное право. 2016 №3 (135).
- 5.Гражданское право. Общая часть. / Учебник под редакцией Рахманкулова Х.Р. – Т.; Издательство ТГЮИ, 2010.
- 6.Худойбердиева Г. Муаллифлик ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш тартиби. Одиллик мезони журнали. 2022 №6.
- 7.Ибрагимова Ш. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда хорижий давлатлар тажрибаси. Одиллик мезони журнали. 2022 №11.
- 8.Бердияров Р. Низоларда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя қилиш воситала-рининг ўрни. Одил судлов журнали. 2021. №6.

ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ ВА УНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

АННОТАЦИЯ: мақолада виртуал макондан фойдаланиш ҳуқуқининг халқаро умумеътироф этилган ҳужжатларда қай тартибда ўз аксини топганлиги, шунингдек мазкур соҳани тартибга солувчи халқаро ташкилотларнинг фаолият доираси қонунчилик нуқтаи назаридан илмий таҳлил қилинганд. Глобал тармоқни тартибга солиши бўйича фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотларнинг фаолияти, уларнинг глобал тармоқнинг қайси йўналишларини тартибга солиши ва фаолият доиралари кўрсатиб ўтилган. Виртуал маконни тартибга солишга қаратилган халқаро ташкилотлар ва ҳужжатларга берилган хорижий олимларнинг асосли фикрлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: Интернет, интернет бошқаруви, виртуал макон, ахборот, ахборотдан фойдаланиш, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, халқаро ҳуқуқ, халқаро ташкилотлар, Декларация, оммавий ахборот воситалари, коммуникация технологиялари, компьютер.

Виртуал макондан ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқи бугунги кунда кўплаб мамлакатлarda ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Интернетнинг ривожланиши турли мамлакатлarda турлича кечди. Чунки, Farb давлатлари ҳар бир соҳада тараққиётда илгарилаб кетганлари сингари интернетдан фойдаланиш ва унинг ҳуқуқий кафолатларини ҳаётга тадбиқ қилишда ҳам етакчидирлар. Чунки, улар виртуал маконнинг ҳуқуқий тартибга солинишида ўзларининг мавжуд демократик қонунчилкларини ушбу соҳага нисбатан ҳам кўлладилар. Бунинг натижаси ўлароқ, виртуал макондан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ муайян қонун нормалари билан таъминланди.

Кўриб чиқилаётган мавзу юзасидан халқаро ҳуқуқнинг бир қатор фундаментал масалаларини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Халқаро ҳуқуқда эътироф этилган қоидаларнинг аксарияти ахборот эркинлигини ва виртуал макондан чексиз фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлади.

Хусусан, БМТ “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 19-моддаси 2-бандига биноан, ҳар бир шахс ўз фикрига ва ана шу фикри эркин ифода этиш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ҳар қандай оммавий ахборот воситалари орқали, давлат чегараларидан қатъий назар, ўз фикрида қолиш, шунингдек, эркин равишда хоҳлаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

ЮНЕСКО эксперtlари М.Рандл ва К.Конли Умумжаҳон декларациясига шархларида таъкидлаганларидек, ахборот жамиятида фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу технологиялар инсонларнинг чексиз мулоқотларига, уларнинг ўзаро маълумот алмашинувларига ва ҳеч қандай тўсиқларсиз ахборот олишларига хизмат қиласиди.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 10-моддасига биноан, ҳар бир инсон ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқ ўз фикр ва қарашларини эркин ифода этиш, ахборотни эркин олиш ҳамда тарқатишни давлат ҳокимияти органларининг ҳеч бир аралашувисиз амалга оширишни назарда тутади.

Шунингдек, мазкур ҳужжатда таъкидланишича, ушбу модда давлатларга радиоэшиттириш, телевидение ёки кино фаолиятини лицензиялашга ҳеч қандай тўқсинглик қилмайди. Шу каби нормалар халқаро ҳуқуқнинг бошқа минтақавий ҳужжатларида ҳам учрайди.

Халқаро ташкилотлар орасида биринчи навбатда БМТнинг Интернет бошқаруви форуми (IGF)ни, ЮНЕСКО ва Европа Кенгаши каби минтақавий халқаро ташкилотларни алоҳида таъкидлаш лозим.

БМТнинг Интернет бошқаруви форуми ҳар йили дунёнинг турли бурчакларида халқаро конференциялар ўтказади. Конференциялар БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”, шунингдек, бошқа фундаментал ҳужжатлар каби халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқларига риоя қилиш меъёрларини, тамойилларини ҳисобга оладиган интернет бошқарув механизмларини яратиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилгандир.

Интернетни тартибга солинишинг халқаро механизmlарини ишлаб чиқиша ЮНЕСКО ташкилоти мухим роль ўйнайди. Унинг ҳукуматлараро дастурлари қаторида биринчи навбатда “Ахборот ҳамма учун” дастурини амалга оширишда сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш масалалари стратегик устувор йўналиш ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу ҳужжатда ахборот этикаси тамойилларига риоя қилиш зарурлиги ҳақида таъкидланган. Бунда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишда ахлоқий, ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатларга эътибор бериш назарда тутилган.

Ушбу ахлоқий тамойиллар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”дан келиб чиқади. Мазкур ҳуқуқлар қаторида сўз эркинлиги, ахборотдан эркин фойдаланиш, таълим олиш ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи ва маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқини таъкидлаш мумкин.

2007 йилда Европа Кенгаси ва ЮНЕСКО ташабуси билан “Ахборот жамиятида ахлоқ ва инсон ҳуқуқлари” мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу йигилишда интернетда ҳуқуқий нормаларни самарали тартибга солиш ва тадбиқ этиш муаммоси кўтарилади. Интернет фойдаланувчилари амал қилишлари ва амалда кўллашлари учун аниқ қоида ва кўрсатмалар зарурлиги таъкидланади.

Ажабланарлиси шундаки, ушбу конференцияяда тараққиёт ва янги форматларни бўғиб қўймаслик учун очиқ тамойилларга эга Интернет ахлоқ кодекси кўринишидаги динамик ва энг муҳими мослашувчан халқаро ҳужжат яратиш зарурати ҳам қайд этилади.

Шунингдек, Европа Кенгаси ҳомийлигига Интернет бошқаруви бўйича Европа мулокоти (EuroDIG) ташкил этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Ушбу ташкилот ўзининг ilk йигилишини 2008 йил 20-21 октябрда Страсбургда ўtkазdi ва ўшандан бери мунтазам ўtkazib келмоқда. EuroDIG интернет бошқарувига бағишланган умумевропа кўп манфаатли томонлар форумидир. Бу Интернет бошқаруви глобал форумнинг (IGF) минтақавий кичик кўринишидир. EuroDIG – ҳар йили Европанинг турли жойларида бўлиб ўтадиган очиқ турдаги йигилишdir.

Ушбу ташкилотлар қаторида бизга таниш бўлган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (EXXT) позицияси шундан иборатки, замонавий демократик фуқаролик жамиятида фуқаролар интернет маконида нимадан фойдаланиши хоҳлашларини ўзлари ҳал қилишлари керак. Ахборотни тарқатиш ва олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан биридир. Фильтрлаш, белгилаш ёки муайян бир контентни блоклаш механизmlарининг давлат томонидан қўлланилишини мутлақо қабул қилиш мумкин эмас.

Кутубхона фойдаланувчилари манбаатларини ифодаловчи Халқаро кутубхона ассоциациялари ва институтлари федерацияси (ИФЛА) ҳам жамоат мулки бўлган ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш учун интернетни бошқариш билан шугулланади. Унинг интернетни бошқаруви масаласи бўйича позицияси шундан иборатки, ИФЛА тижорат, давлат ташкилотлари ёки бошқа алоҳида ташкилотлар томонидан ахборотга киришни назорат қилиш ва сўз эркинлиги-

ни чеклашга олиб келиши мумкин бўлган ҳар қандай чораларга қаршидир.

Бугунги кунга келиб интернет фаолияти ва ривожланишига давлатнинг минимал аралашуви концепциясини илгари сурувчи бир қанча нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Ўтган давр мобайнода уларнинг катта қисми шаклланишга ҳам улгурди. Мазкур ташкилотлар тармоқ фаолиятини ташкил этиш жараёнида бевосита иштирок этадилар, шунингдек, виртуал маконга нисбатан ҳуқуқий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга таъсир кўрсатадилар. Халқаро даражада эътироф этилган ташкилотлар сирасига “Кўк лента” (Blue Ribbon Campaign for Online Free Speech), Америка фуқаролик эркинликлари иттифоқи (American Civil Liberties Union (ACLU)), Electronic Frontiers Australia, Electronic Frontiers Canada, Electronic Frontier Foundation, Internet Society ва Global Internet Liberty Campaign каби ташкилотларни ҳам киритиш мумкин.

Умуман олганда халқаро ҳамжамият барча соҳаларда бўлгани каби ахборот маконидан, хусусан, виртуал макондан фойдаланишда ҳам умумэътироф этилган нормаларга амал қилишни тавсия этади. Албатта, ушбу қабул қилинган қатор ҳужжатлар инсоният тараққиёти учун хизмат қиласи.

Ушбу халқаро ташкилотларнинг виртуал маконни тартибга солиш ва ундан фойдаланишининг ҳуқуқий механизмлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Интернетни халқаро тартибга солишининг ижобий томонларига қўйидагилар киради:

- муайян давлатларнинг қонунчилиги ёки мафкураси билан белгиланмаган интернет бошқаруви муаммолари, шу жумладан виртуал маконда сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш масалалари бўйича очиқ ва эркин мулокот қилиш имконияти;

- “иштирокчи ёндашув”, яъни қарорлар қабул қилишда кўплаб иштирокчиларни: ҳокимият органлари, халқаро, ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотлар, илмий ва эксперт ҳамжамиятлари, амалда интернет бошқаруви муаммоларига дуч келаётган фуқаролик жамиятининг бошқа вакилларини жалб қилиш;

- интернетни бошқарши муаммоларини холос, тўлиқроқ ва далилларга асосланган ҳолда таҳлил қилиш;

- халқаро даражада қабул қилинган қоидалар давлатнинг интернетга бўлган ҳуқуқий табиатини очиб беради;

- қарорлар қабул қилишда БМТ ва минтақавий халқаро ташкилотлар даражасида қабул қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича фундаментал ҳужжатларни ҳисобга олиш.

Бутунжаҳон интернет тармогини халқаро тартибга солишининг заиф томонлари қўйида-гилардан иборат:

- аксарият ҳолларда халқаро ташкилотларнинг қарорлари маслаҳат характерига эга бўлиб, бу барча юрисдикциялар томонидан миллий даражада қабул қилинишига умид қилишга имкон бермайди. Аммо давлатлараро имзоланган ва ратификация қилинган халқаро шартномалар бундан мустаснодир;

- барча миллий юрисдикциялар, яъни давлатлар интернетни тартибга солишининг айрим халқаро нормалари ва тамойилларини бир маънода қабул қилмайди;

- юкорида санаб ўтилган халқаро ташкилотлар томонидан таклиф этилаётган интернет тармогини тартибга солишининг аксарият норма ва тамойиллари ахлоқий характерга эга бўлғанлиги сабабли, уларни идрок этиши мамлакатдан нуҳоятда юксак ҳукуқий (ахборот) маданиятини талаб қиласди;

- кўплаб халқаро - ноҳукумат ва ҳукуматлараро ташкилотлар (“Чегара билмас мубирилар”, ИФЛА ва бошқалар) нуқтаи назаридан интернетни тартибга солишига бўлган ҳар қандай уриниш интернетда цензуранинг ноқонуний ўрнатилиши сифатида қабул қилинади. Натижада, ушбу ҳолат автоматик равишда сўз эркинлиги ва ахборотдан фойдаланиш ҳукуқининг бузилиши сифатида баҳоланади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, интернет бугун ҳаётимизнинг бир жабҳаси, турмушимизнинг ажралмас бир қисмига айланниб улгурди. Ана шу неъматдан фойдаланиш эса қонун нормалари билан кафолатланиши ва фойдаланишда ҳеч қандай тўсиқларга дуч келинмаслиги лозим. Бу борада халқаро ҳужжатларнинг роли катта. Чунки, мазкур ҳужжатларда виртуал макондан фойдаланиш эркинлиги инсонларнинг асосий ҳукуқларидан бири сифатида эътироф этиб ўтилган. “Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси”да ҳам ахборотни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. БМТ ушбу соҳада кўплаб нормаларни қабул қилди. Қабул қилинган нормалар эса виртуал макондан фойдаланишнинг эркин тарзда амалга оширилишига қаратилган тарихий ҳужжатлар бўлиб ҳисобланади. Хусусан, БМТ 2011 йилда виртуал макондан фойдаланиш ҳукуқини ажралмас ҳукуқ сифатида тан олди. Бундан ташқари, ушбу ташкилотнинг Инсон ҳукуқлари бўйича кенгashi виртуал макондан эркин фойдаланиш ҳукуқини инсоннинг асосий ҳукуқлари рўйхатидаги бандлардан бири сифатида қайд этиш лозимлигини таъкидлаб ўтади. Кўриниб турибдики, интернетдан эркин фойдаланиш борасида халқаро ҳамжамият жиддий бosh қотирмоқда. Кўплаб нормалар киритилмоқда,

хужжатлар қабул қилинмоқда. Шулардан яна бири сифатида биз “Интернетда мулокот эркинлиги тўғрисида”ги Страсбург декларацияси ни қайд этишимиз мумкин. Мазкур декларация интернет эркинлигининг етти тамойилини ўз ичига олади. Хусусан, ушбу тамойиллар орасида олдиндан давлат назоратининг йўклиги, одамларнинг ахборот жамиятида иштирок этишидаги тўсиқларни олиб ташлаш, интернет орқали хизмат кўрсатиш эркинлиги кабиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш ўринли.

Жасурбек ИЛХОМБЕКОВ,
ТДЮУ ўқитувчиси, юридик фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Всеобщая декларация прав человека: принятая Резолюцией 217 А (III) Генеральной Ассамблеи ООН 10 декабря 1948 г. // Сайт ООН. // Электронный ресурс: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/declhr.shtml

2. Ворхоф, Д. Этические проблемы, связанные с распространением контента и коммуникаций в Интернете / Этика и права человека в информационном обществе: материалы Европейской региональной конференции, организованной Комиссией Франции по делам ЮНЕСКО в сотрудничестве с ЮНЕСКО и Советом Европы. Страсбург, 13-14 сентября 2007 г. М.: МЦБС, 2009. 64 с.

3. Декларация тысячелетия Организации Объединенных Наций: принятая Резолюцией 55/2 Генеральной Ассамблеи ООН 8 сентября 2000 г. // Сайт ООН. // Электронный ресурс: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/summitdecl.shtml

4. Конвенция о защите прав человека и основных свобод (Европейская конвенция, Европейская конвенция о защите прав человека): заключена 4 ноября 1950 г., Рим (с изм. от 21 сентября 1970 г., 20 декабря 1971 г., 1 января, 6 ноября 1990 г., 11 мая 1994 г.) // Бюллетень международных договоров. 2001. № 3.

5. Международный пакт о гражданских и политических правах: принят Резолюцией 2200 А (XXI) Генеральной Ассамблеи ООН 16 декабря 1966 г.: сайт ООН. // Электронный ресурс: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

6. Позиция ИФЛА относительно управления Интернетом // Руководство ИФЛА / ЮНЕСКО по Манифесту ИФЛА об Интернете. Изд. на рус. яз. СПб.: ИФЛА: РБА: РНБ, 2007. С. 57.

7. Прохоров А. Ю. Политико-правовые технологии ограничения свободы слов в современных средствах массовой информации (на примере сети Интернет): Дис.... канд. юрид. наук: 23.00.02. - Ростов-на-Дону, 2007.

8. Рандл, М., Конли, К. Задачи инфоэтики в области нейтральных технологий / Этические аспекты новых технологий: обзор. Изд. на рус. яз. М.: «Права человека», 2007. С. 20.

9. Рекомендации представителя ОБСЕ по вопросам свободы СМИ: принятые на Амстердамской конференции по свободе массовой информации в Интернете, 2004 г. // Справочник по свободе массовой информации в Интернете. ОБСЕ / К. Айнцингер, Я. Акдениз, А. Амуру [и др.]. Вена, 2004. // Электронный ресурс: <https://www.osce.org/files/f/documents/c/5/13837.pdf>.

10. Стратегический план Программы ЮНЕСКО «Информация для всех» на 2008-2013 гг. М.: МЦБС, 2009. С. 30. // Электронный ресурс: http://ifapcom.ru/files/Documents/str_pl_2008_2013.pdf.

11. Тедеев А.А. Концепция установления правового регулирования общественных отношений, формирующихся в процессе использования информационной среды сети Интернет // Электронный ресурс: <http://lenta.ru/articles/2009/04/14/concept/>

12. Third Meeting of the Internet Governance Forum (IGF) Hyderabad, India, 3 – 6 December 2008 Chairman's Summary. URI: <http://www.intgovforum.org/cms/hydera/Chairman%27s%20Summary.10.12.2.pdf>.

13. Эминов А. Конституция ва инсоннинг ахборот олиш ҳукуқи // 03.06.2022 - йил. // Электрон манба: <https://uz24.uz/uz/articles/konstitutsiya-ahborot-huquqi>

14. https://en.wikipedia.org/wiki/European_Dialogue_on_Internet_Governance.

15. <https://medialaw.asia/document/-2358>.

ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР (ЁРТ) ВОСИТАСИДА ТУГИЛГАН БОЛАЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада тиббий хизмат күрсатиши шартномалари бўйича ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ) воситасида туғилган фарзанд билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик хуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва хуқуқий асослари таҳлил қилинганд.

Калит сўзлар: репродуктология, ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ) воситасида туғилган боланинг фамилияси, ЁРТ воситасида туғилган болани туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви ва гувоҳнома ёзувларига киритиши масаласи, “де-факто”, “де-юре”.

Оила муқаддас тушунча.

Оиланинг яна бир хусусияти шундаки, унда шахслар ўртасидаги муносабатлар асосан асрлар давомида шаклланниб, равнақ топган одоб-ахлоқ ва жорий норма ижодкорлигининг намунаси бўлган хуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Замонавий илм-фан тараққиёти барча соҳаларда бўлгани каби хуқуқ фанида ҳам мутлақо янги ҳамда хуқуқий тартибга солинмаган муносабатларни вужудга келтирмоқда.

Оилани янада мустаҳкам кўргонга айлантирадиган нарса бу фарзандлардир. Аммо, айрим хонадонлар бундай баҳтдан мосуво, яъни айрим оиласарда фарзандсизлик муаммоси бор. Лекин, XXI асрда ривожланган технологиялар воситасида бу ўз ечимини топди, дейиш мумкин. Шу сабаб фарзандсизлик оиласар учун муаммо бўлмай қолди.

Дунёда ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муттасол ўзгариб бориши ҳамда интеграциялашуви, тиббиёт ва рақамли технологияларнинг жадал ривожи ўзига хос шартнома турларининг пайдо бўлишига, фуқаролик муномаласида янги шакл ва кўринишлардаги муносабатларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Айни пайтда, илмий-техника тараққиёти ва тиббиёт соҳасида ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ)нинг пайдо бўлиши билан айрим хорижий мамлакатларда суррогат оналиктарни хизматларидан фойдаланиш фактлари кўпайиб бораётганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, 1999 йилдан 2020 йилгача АҚШда 30.927 суррогат оналиктарни содир бўлган, улардан 8.581 таси якка, 4.566 таси эгизак ва 233 таси уч эгизак бўлиб, натижада 13.380 та чақалоқ туғилган, Ҳиндистонда суррогат оналиктарни хизмати билан 25.000 дан ортиқ чақалоқлар дунёга келган. Европа суррогат оналиктарни маркази маълумотларида Россияда ҳар йили суррогат оналардан камидан 22 минг бола туғилиши қайд этилган бўлиб йиллик ўсиш камидан 20% ни ташкил қилиши таъкидланган.

ЁРТ билан боғлиқ тиббий хизмат кўрсатиши муносабатлари дунёнинг баъзи давлатларида хуқуқий тартибга солинганд бўлсада, аммо Ўзбекистонда бу масала кундалик ҳаётда тез-тез учрашига қарамай расмийлаштирилмаганлиги сабабли миллий қонунчилигимиз ва соҳа амалиётида ушбу институтнинг де-юре жорий қилиниши зарурати мавжуд.

Демак, оила хуқуқи хуқуқ фанининг мустаҳкам соҳаси ҳисобланиб, унда никоҳ, қариндошлик ришталари,

болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни жойлаштириш каби класик муносабатлардан ташқари айни пайтда замонавий илм-фан, рақамли технологиялар воситасида тиббиётнинг ривожланиши туфайли бир қанча янги ҳамда хуқуқий тўлиқ тартибга солинмаган ижтимоий муносабатлар вужудга келиши натижасида хуқуқий тартибга солиниши зарурияти мавжуд бўлган қуидаги масалалар кун тартибига чиқади:

- сунъий уруғлантириши ва суррогат оналиктарни натижасида вужудга келган фарзанднинг фамилияси, исми ва отасининг исмини туғилиши тўйрисидаги ёзувлар дафтарига қайд этиш;

- сунъий уруғлантириши ва суррогат оналиктарни натижасида вужудга келган боланинг насл-насабини белгилаш;

- ЁРТ воситасида туғилган болага суд тартибида ота-оналиктарни белгилаш;

- бундай боланинг туғилиши тўйрисидаги ёзувлар дафтарига бола ота-онасини ва мунозарали оталик (оналик)ни ёзиш;

- болаларнинг мулкий хуқуқ ва мажбуриятлари, шахсий номулий хуқуқлари;

- уларга нисбатан ота-оналиктарни хуқуқларидан маҳрум қилиши ва ота-оналиктарни чеклаш;

- ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида туғилган болалар ҳамда ота-оналарнинг алимент хукуки ва мажбуриятлари;

- алимент тўлаши тўйрисидаги келишув, алиментларни тўлаша ва ундириш;

- уларни фарзандликка олиш, васиийлик ва ҳомийлик;

- ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида туғилган болаларни оиласа тарбияга олиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқаридан сунъий уруғлантириши ва суррогат оналиктарни амалиётини оиласиб хуқуқий тартибга солиш;

- эр-хотинларнинг болалари ва ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида туғилган болаларнинг хуқуқий муносабатларни тартибга солиш;

- чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан сунъий уруғлантириши ва суррогат оналиктарни амалиёти масалалари;

- чет эл оила ҳуқуқида ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида тувилган болаларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш, инсон аъзолари трансплантацияси ва бошқа масалаларни оила ҳуқуқи мөнёrlари кўмагида тартибга солиш зарурияти вужудга келмоқда.

Глобаллашув ҳамда замонавий тиббиётнинг ривожланиши натижасида оила ҳуқуқида тиббий хизмат кўrsatiш бўйича айрим шартномавий муносабатлар қамровида сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик билан боғлиқ шартномавий муносабатларни тартибга солиш зарурияти вужудга келади.

Шу ўринда мавзуу доирасида фикр юритилганда қуидаги ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида тиббий хизмат кўrsatiш бўйича шартнома, сунъий уруғлантириш (Ўзбекистонда ЭКУ номи билан ишлатиладиган амалиёт) ва суррогат оналик таянч тушунчалари ҳамда мазкур тиббий хизмат кўrsatiш шартномаларига аниқлик киритиш, муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ.

ЁРТ (ёрдамчи репродуктив технологиялар) – воситасида тиббий хизмат кўrsatiш бўйича шартнома – махсус тиббий амалиёт билан шуғулланиш ваколати ёки рухсатномасига эга тиббиёт ташкилотига ўзида мавжуд касалликни тузатиш мақсадида мурожаат қилган бемор (мижоз) ва тиббиёт ташкилоти ўртасида тиббий технологиилар, даволаш усуллари ва муолажаларни амалга ошириш мақсадида тиббий хизмат кўrsatiш бўйича тузилган ёзма келишув.

ЁРТ билан боғлиқ муносабатларда тиббиёт ташкилотига ўзидаги мавжуд касалликни тузатиш мақсадида мурожаат қилган бемор (мижоз) шартномада белгиланган ҳақни тўлаш ҳамда тиббиёт ташкилотининг тиббий йўриқномасига амал қилиш мажбуриятини, махсус тиббий амалиёт билан шуғулланиш ваколатига ёки рухсатномасига эга тиббиёт ташкилоти эса тиббий технологиилар, даволаш усуллари ва муолажаларни ўзаро тузилган тиббий хизмат кўrsatiш шартномасида кўrsatilgанидек лозим даражада бажариш мажбуриятини олади. Шу ўринда сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик шартномаларига ҳам таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Тиббий хизмат кўrsatiш бўйича сунъий уруғлантириш шартномаси – биологик табиий фарзанд кўриш имкониятига эга бўлмаган қонуний эр-хотин, уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичларида аёлнинг организмидан ташқарида эркак ва аёлнинг ёрдамчи репродуктив технологииларни кўллаш бўйича ихтиёрий розилик аризаси асосида репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиилар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборат тиббий амалиётни ўтказиш бўйича келишув ҳисобланади.

Сунъий уруғлантириш шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари – тиббиёт ташкилотига мурожаат қилган қонуний эр-хотин шартномада белгилangan тиббий хизмат кўrsatiш ҳақини тўлаш, репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти боланинг соғлом ривожланиши ҳамда дунёга келтириш билан боғлиқ тиббий хизматларни сифатли ва лозим даражада бажариш мажбуриятини олади.

Бунда репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан мазкур тиббий хизматни кўллашда шифокорлик сири ва ахборотнинг маҳфийлигини сақлаш “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига асосан амалга оширилади.

Сунъий уруғлантиришдан фойдаланишдан аввал беппуштлик сабабларини аниқлаш ва тиббий амалиётдан фойдаланиш учун беморлар бирламчи текширувлардан ўтказилади. Амалдаги нормаларда белгиланган тартибда рухсат берилган жисмоний шахсларга мазкур тиббий амалиётда иштирок этиш учун рухсат берилади.

Тиббий хизмат кўrsatiш бўйича суррогат оналик шартномаси – суррогат она, генетик ота-она ва тиббиёт ташкилоти ўртасида генетик ота-она ургидан фарзандни суррогат онанинг танасида етишириш ҳамда дунёга келтиришга қаратилган келишувдир. Бу суррогат онанинг генетик ота-онанинг ургидан ҳосил бўлган фарзандни танасида сақлаб, дунёга келтиришга қаратилган тиббий амалиёт ҳисобланади.

Бунда генетик ота-она белгиланган ҳақни тўлаш, тиббиёт ташкилоти эса фарзанднинг соғлом ривожланиши ҳамда дунёга келтирилиши мажбуриятини олади. Ҳар икки ЁРТ (ёрдамчи репродуктив технологиилар) билан боғлиқ усулларда асосий эътибор фарзандсизликни бартараф этишга қаратилади. Суррогат оналик тиббий амалиётида мазкур шартноманинг предмети хусусида тадқиқотчиларда хилма-хил фикрлар мавжуд. Суррогат оналик тўғрисидаги шартноманинг предмети расмий асос ва мазмун жиҳатдан боланинг ўзи ҳисобланниши мумкин эмас.

Бу буюртмачи ота-оналар дастур якунида туғилган болани эксплуатация қилиш мақсадига эга эмаслиги ҳамда суррогат оналикнинг ўзи жаҳон қонунчилигига тан олинганилиги боис ижтимоий хавфли қилмиш деб ҳисобланмайди. А.А.Пестрикованинг фикрича: “суррогат оналик шартномасининг предмети суррогат онанинг фарзанд кўриш ва дунёга келтириш бўйича ҳаракатлари (генетик ота-онага муайян хизмат кўrsatiш) ва унинг туғилган болани генетик ота-онага ҳуқуқий жиҳатдан ўтказилишига розилик бериси ҳисобланади”. Мазкур ёндашув асосли ҳисобланниб, бу турдаги тиббий амалиётнинг асл моҳияти тиббий хизмат кўrsatiш бўйича айрим шартномавий муносабатларни фуқаролик ҳуқуқий тартибга солиш, фуқароларнинг конституция ва амалдаги қонуларда белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини кафолатлашни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Ёрдамчи репродуктив технологиилар (сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти) воситасида туғилган

боланинг насл-насабини белгилаш масаласи ҳам ота-она томонидан танланган усулдан келиб чиқиб, бир-биридан алоҳида хусусиятлари билан фарқланиши мумкин.

Бунда ЁРТнинг сунъий уруғлантириш усулида - биологик фарзанд кўриш имконияти тиббий исботланган қонуний эр-хотин репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти томонидан ҳомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборат сифатли тиббий амалиёт амалга оширишга қаратилган харакатнинг якунидаги фарзанднинг насл-насабини белгилашда қонуний эр-хотинга тегишли насабдан келиб чиқлади.

Боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар, ФХДЁ органи томонидан амалга оширилиши лозим. Ота-онанинг истагига кўра ФХДЁ органи боланинг туғилганлигини қайд этишни тантанали вазиятда ўтказиши мумкин. Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой ичida оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши зарур. Бола туғилганлиги тўғрисидаги ариза ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, кўшнилари ёки ота-онаси ёхуд улардан бири ваколат берган бошқа шахслар, шунингдек тиббиёт муассасалари, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан берилиши мумкин ва мамлакатимизда юқорида қайд қилинган умумий тартиб каби ёрдамчи репродуктив технологиялар (сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти) воситасида туғилган боланинг насл-насаби расмийлаштирилиши мумкин.

Ёрдамчи репродуктив технологиялар (сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти) воситасида туғилган боланинг фамилия, исм ва ота исмини туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарига қайд этиш ҳам масаланинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. ЁРТ воситасида туғилган боланинг туғилганлигини қайд этиш учун ФХДЁ органига белгилangan тартибда давлат рухсатномасига эга репродуктология ихтисослиги бўйича фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилоти маълумотномаси, ота-оналарининг шахсини тасдиқловчи хужжатлари, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гербли гувоҳнома тақдим этилиши лозим.

Қонунчиликка кўра боланинг туғилганлик тўғрисидаги тиббий маълумотномада:

-онанинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилган санаси, миллати, фуқаролиги, оиласи ҳақволи, маълумоти;

-боланинг туғилган вақти, санаси ва жойи, жинси, вазни, бўйи;

-ҳомиладорлик муддати, ҳисоб бўйича нечанчи ҳомиладорлик;

-боланинг тирик тувиғланлиги мезонлари (нафас олиши, юрак уриши, киндик пульсацияси, мускулларнинг беихтиёрий қисқариши);

-тиббий маълумотноманинг берилган вақти, тартиб рақами ва тиббиёт муассасасининг номи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур.

Мазкур талабларни ЁРТ (сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти) воситасида туғилган бола(лар)нинг фамилия, исм ва ота исмини туғилиш тўғрисидаги ёзувлар

дафтарига қайд этиш жараёнида кўллаш мумкин. Сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти натижасида туғилган болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги маълумотнома тиббиёт муассасаси мансабдор шахси томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. ЁРТ воситасида туғилган бола(лар)нинг ота исми унинг отасининг исми асосида берилади.

Сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти натижасида туғилган боланинг фамилияси "-ев", "-ов", "-ева", "-ова" каби ҳамда ота исмига "-евич", "-ович", "-евна", "-овна", "қизи", "үғли", "-ий", "-хон", "-хўжа", "-хожи", "-бек", "-зода", "мир-", "абду-" каби қўшимчаларини киритиш ёки шу каби қўшимчаларни фамилия ва ота исмидан олиб ташлаш орқали туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилиши мумкин. Сунъий уруғлантириш ва суррогат оналик амалиёти натижасида туғилган болага унинг манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда келгусида унинг шаъни ва қадрини камситиши эҳтимоли мавжуд бўлган исм берилиши мумкин эмас. Ота-онаси ҳақида маълумотлар туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви ва гувоҳномада ёзувлар шахсни тасдиқловчи хужжатлар асосида ёзилади. Туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуvida "отаси" ва "онаси" устунларининг очик қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларининг тури сифатида ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида туғилган фарзандларни туғилганлик ҳақида далолатнома ёзуви ва гувоҳнома ёзувларига киритиш масаласи замонавий тиббиётнинг тараққиёти натижасида муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат томонидан ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида дунёга келган бола билан боғлиқ ижтимоий, ҳуқуқий масалаларнинг миллий қонунчилигимизда янги институт сифатида жорий қилиниши зарурияти бугунги куннинг талабларидан биридир. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, мазкур масалага ёрдамчи репродуктив технологиялар воситасида фарзандли бўлиш, фарзандсиз оиласаларга фарзанд неъматини тақдим этиш орқали соғлом оиласи сақлаб қолиш нуқтаи назаридан ёндашиши назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Пестрикова Обязательства суррогатного материнства // Автографати диссертаций.-2007. 19 с.
2. К.А.Кириченко. Определение предмета договора суррогатного материнства / К.А. Кириченко // Семейное и жилищное право. - 2016. - № 1. - 9-12 с.
3. Perkins K.M., Boulet S.L., Jamieson D.J., Kissin D.M. "Trends and Outcomes of Gestational Surrogacy in the United States." Fertility and Sterility 106: 435–42.e2.
4. Shetty P. "India's Unregulated Surrogacy Industry." Lancet 380: 1633–34.
5. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.03.2019-й., 03/19/528/2741-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021-й., 03/21/683/0375-сон
6. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.10.2023-й., 09/23/550/0793-сон; 05.03.2024-й., 09/24/110/0184-сон
7. <https://russian.eurasianet.org/>

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТДА ПРОКУРАТУРАНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: мақолада илмий доктринада прокуратура органлари мақоми, прокурор назорати тушунчаси ва унинг предметига оид илмий-назарий фикрлар таҳлил қилинади. Жумладан, ҳозирги замонда прокуратуранинг алоҳида конституциявий мақоми унга ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти тармоғига кирадиган орган деб қарашни истисно этиши таъқидланади. Доктринада мавжуд миллӣ ва хорижий олимларнинг фикр ва мулоҳазалари негизида муаллиф ўзининг позициясини шакллантириб, прокурор назорати тушунчаси борасида хulosаларини илгари суради.

Калит сўзлар: прокуратура, прокурор, назорат, прокурорнинг таъсир чоралари, предмет.

Прокуратура – бугунги кунда бутун жаҳонда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ҳар бир соҳада қонунчиликка риоя этиш орқали қонун устуворлигини таъминлаш учун масъул бош давлат органи ҳисобланади. Шу билан бирга, илмий доктринада ҳанузгача прокурор органи мақоми, назорат тушунчаси ҳамда унинг предмети борасида жиддий баҳс ва мунозаралар давом этмоқда.

Жумладан, В.Н.Ерёмина, замонавий прокуратура ҳокимиятнинг ҳеч қайси тармоғига кирмайди, у ҳокимиятлар бўлиннишининг шаклланётган тизимида зарурй механизмни ифодалайди ҳамда тийиб туриш ва мувозанат тизимининг муҳим элементи ҳисобланади деган фикри илгари суради.

Професор А.Д.Бойков, прокуратура давлатнинг қонунийликни назорат қилувчи органи бўлиб, ўз фаолиятини қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига нисбатан тенг равишда олиб боради, деб ҳисоблади.

Професор З.Исломов прокуратура ўз функциялари мазмунига кўра қонун чиқарувчи ёки ижро ҳокимиятига мансуб бўла олмаслигини таъқидласа, М.Раджабова, прокуратура юқоридаги иккита ҳокимиятдан фарқли равиша қонунларнинг аниқ ва бир хилда қўлланишини назорат қилувчи давлат ҳокимият органи ҳисобланишини билдиради.

F.Алимов прокуратура конституцияда мустаҳкамланган давлат ҳокимияти тармоқларининг биронтасига кирмайди, деган хulosада муқим бўлса, ҳуқуқшунос И.Жасимов Ўзбекистон прокуратураси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг биронтасига кирмайдиган, функционал жиҳатдан мустақил бўлган давлат-ҳуқуқий институти эканлиги ҳақидаги мулоҳазани илгари суради.

Фикримизча ҳозирги замонда прокуратуранинг алоҳида конституциявий мақоми унга ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд ҳокимияти тармоғига кирадиган орган деб қарашни истисно этади.

Аммо, аксарият хорижий олимларнинг фикрича, прокуратура у ёки бу ҳокимият тармоғига киради (кўпинча адлия вазирилиги ёки Олий суд қошида).

Худди шу каби прокурор назорати тушунчаси масаласида ҳам турлича фикрлар талайгина.

Хусусан, А.Шмелевга кўра, “қонунлар ижроси устидан прокурор назорати прокуратура органларининг муҳим функцияларидан биридир”.

Н.Субанова эса “Прокурор назоратининг бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган турли ижтимоий назорат шаклларидан фарқи унинг мақсадли йўналганилиги ва прокурорда қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича ҳуқуқий воситалар мавжудлиги билан белгиланади. Қонунлар ижроси устидан прокурор

назорати прокуратура учун фаолиятнинг асосий мазмуни саналади”, деб ҳисоблади.

Проф. Б.Пўлатов Прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланишини ва прокурор давлат номидан назоратни амалга оширишини билдира, М.Рустамбаев “Прокурор назорати – давлат номидан маҳсус ваколатта эга мансабдор шахс – прокурорлар томонидан қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, айборд шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш билан қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир”, деб ҳисоблади.

Юқоридаги берилган тарифлар асосида прокурор назоратининг қўйидаги белгиларини ажратиш мумкин.

- аввало, бу фаолият Конституциявий мақомга эга. Зотан, Қомусимизнинг 143-145 моддалари бевосита прокурор назоратига багишиланган.

- давлат номидан маҳсус ваколатга эга мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан мустақил амалга оширилади, бу билан турли бошқа идоравий ёки жамоат назоратидан фарқ қиласди;

- бошқа назорат турларидан фарқли, маҳсус эмас, умумий тусга эга бўлиб, прокурорда қонунчиликнинг ҳар қандай соҳасини текшириши ваколати бор;

- қонун ҳужжатларидан ташқари, маҳсус идоравий ҳужжатлар – Бош прокурор бўйруқлари асосида ўтказилади;

- назорат якунида алоҳида прокурор ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилиниб, бунинг мақсади нафақат қонун бузилишига чек қўйиш, балки қонун бузилишларнинг келиб чиқиши сабаблари ва бунга имконият яратиб берәётган шарт-шароитларни бартараф этиши ҳамда уларни профилактика қилиши ҳисобланади;

- прокурор назорати умумий тусга эгалиги сабабли, бошқа идоралардан маҳсус билимга эга эксперт ва мутахассислар жалб этилиши мумкин, бу эса прокурор назоратининг сифатли ва кенг қамровли ўтказилишига кафолат беради.

Хуллас, юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, прокурор назорати остида биз конституциявий мақомга эга, давлат номидан маҳсус ваколатга эга мансабдор шахслар – прокурорлар томонидан мустақил равиша ёки эксперт ва мутахассислар жалб этган ҳолда қонун ва қонуности ички идоравий ҳужжатлар асосида амалга ошириладиган, қонун бузилишларига чек қўйиш ва уларни профилактика қилишга йўналтирилган маҳсус фаолиятни тушунамиз.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, бугунги кунда прокурор назоратининг предметини аниқлашга бўлган объектив зарурат вужуда келмоқда. Прокурор назорати назариясида ушбу масала бўйича ҳанузгача ягона илмий қарашлар шаклланмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнингча, прокурор назорати дейилганда ҳар доим конкрет тусга эга фаолият бўлган, назорат предмети тегишили бўйруқ ёки топшириқда белгиланган обьект (мисол учун, корхона) томонидан барча қонунларни эмас, айнан тегишили топшириқда қайд этилган қонун хужжати ёки қонунчилик хужжатлари (шу жумладан, қонуности хужжатлари) ижроси тушунилиши шарт.

Ойбек ШОКИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуқни мухофаза қилиши академияси докторантни.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алимов Ф. Правовой статус и деятельность органов государственной власти в Республике Узбекистан. – Т., 2004.
2. Бойков А. Д. Третья власть в России. Очерки о правосудии, законности и судебной реформе 1990–1996 гг. М., 1997.
3. Гадаборшева З.Б. Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере предпринимательской деятельности: Дис.... канд. юрид. наук. – М.: 2013.
4. Ерёмина Н.В. Самостоятельность прокуратуры в условиях принципа разделения властей / Н.В. Ерёмина // Право и политика. – 2015.
5. Жасимов И.К. Суд-хукук ислоҳотлари ва инсон ҳукуқлари ҳимоясидаги прокуратуранинг бугунги кундаги ўрни. – Т., 2004.
6. Исламов З.М. К какой власти отнести прокуратуру? - Народное слово, 3 июля 2003 года.
7. Мадякин Д.А. Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов в сфере предпринимательской деятельности: Дис.... канд. юрид. наук. – М.: РГБ, 2005.
8. Отческая Т.И. Особенности прокурорского надзора за исполнением законодательства о защите прав предпринимателей // "Пролог: журнал о праве" / "Prologue: Law Journal", 2020.
9. Прокурор назорати. Дарслик. – Т.: ТДЮУ, 2019.
10. Пўлатов Б.Х. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурсининг Олий ўкув курслари Ахборотномаси», 2017.
11. Раджабова М.А. Ҳукуқий давлатчилик сари. –Т.: –Ўзбекистон, 2000.
12. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва прокуратура: рисола / Масъул муҳаррир: ю.ф.д, проф. А.Х.Сайдов. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2005.
13. Рахимов Ф.Х. Прокурор назорати ва фаолият йўналишлари: илмий-амалий мақолалар тўплами / ю.ф.д. Т.А.Умаров умумий таҳрири остида. – Т.: "Ношир" нашриёти, 2008.
14. Субанова Н.В. Теоретические и прикладные основы прокурорского надзора за исполнением законов о разрешительной системе: Дис.... док. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2014.
15. Чубенко И.С. Прокурорский надзор за исполнением законов в сфере оказания поддержки субъектам малого и среднего предпринимательства: Дис.... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры Российской Федерации, 2013.
16. Шмелев А.В. Особенности осуществления прокурорского надзора за предпринимательской деятельностью // "Вестник Саратовской государственной юридической академии", 2017.

КАФИЛЛИК – ТАЪМИНОТ УНДИРИЛИШИНинг БИР ТУРИ СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада алиментга оид ҳукуқларнинг келгусида тўқсқинликларсиз амалга оширилишини таъминлаш заруратини инобатга олиб, алиментта оид муносабатларга ҳам "кафиллик" институтини киритиш гояси илгари сурildи. Шунингдек, "кафиллик" тушунчасига таъриф ишлаб чиқилди ҳамда ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонун нормасига тақлиф тақдим этилди.

Оила аъзоларининг бир-биридан таъминот олиши турли шаклларда бўлиши мумкин. Жумладан, озиқ-овқат, кийим-кечак, уст-бош олиш орқали ёки пул қўринишида, яъни алимент орқали таъминот олиш мумкин. Албатта, ушбу таъминот шаклларидан энг урга айланган қўриниши ҳамда барчанинг таъминот деганда кўз олдида намоён бўладигани – бу алимент шаклидаги таъминот олишдир.

Оила аъзоларнинг ҳукуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда фуқаролик-ҳукукий мажбуриятлари усуслари қўлланилиши зарур. Бунда, ҳусусан, кафиллик шартномаси имкониятларидан унумли фойдаланиш имконияти мавжуд. Вояга етмаган болаларнинг эр-хотин никоҳдан ажрашгандан сўнг алиментта оид ҳукуқларни келгусида тўқсқинликларсиз амалга оширилишини таъминлаш заруратини инобатга олиб, алиментта оид муносабатларга ҳам "кафиллик" тушунчасини киритиш мақсадга мувофиқ. Кафиллик тушунчасига қўйидаги муаллифлик таърифуни бериш мумкин: **"Кафиллик – алимент тўлаш мажбурияти бор тарафнинг келгусида ўз мажбуриятларини объектив ёки субъектив сабабларга кўра тўлиқ ёки қисман бажара олмаслиги натижасида юзага келган қарздорликни ўзининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳисобидан бартараф этувчи шахснинг мажбуриятларига оид муносабатлардир"**

Бизнингча, боланинг таъминот мажбуриятлари борасида ота (она)сининг мажбуриятини ўз зиммасига олувиши кафилнинг мажбуриятлари нормаларни қонунчиликка киритиш зарур. Бунда келгусида таъминот тўловчи чет элга ишлаш ёки яшаш учун кетган тақдирда ҳам вояга етмаган боланинг таъминот масалалари бошқа шахснинг зиммасида қолади ҳамда унинг таъминот ҳукуқи кафолатланган бўлади. Бунинг учун қарздор иш жойи ва даромадига эга бўлган кафиллик қўйувчи шахс ўртасида ундирувчи билан келишилган ҳолда нотариал тартибда кафиллик шартномаси тузилади ҳамда ижроси учун тегишили мажбурий ижро органига тақдим этилади. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги "Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 808-сонли қарори ҳамда ушбу қарорга илова қилинган "Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низом"да кўрсатилган барча "гаров шартномаси" деган сўзларни "гаров, кафиллик шартномаси" деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Махлиё УСМОНОВА,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси, юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ФОШ ЭТИШ УСУЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган ўзгалар мулкини талон-тарож қилиши жиноятларини электрон (рақамли) далиллар орқали фош этиши усуллари таҳтил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида электрон далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган янги қонун лойиҳаси, кибержиноятчиликнинг замонавий муаммолари ва уларга қарши курашиш усуллари ёритилган.

Калит сўзлар: рақамли технология, жиноят, электрон далил, жиноятни фош этиши, жиноят содир этиши усули.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига электрон (рақамли) далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартуниш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси концептуал жиҳатдан кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

Барча соҳаларда рақамлаштириш кенг жорий этилиши баробарида гараз ниятли шахслар томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб кибормаконда содир этилаётган ҳукуқбузарликлар сони ҳам ортмоқда.

Айниска, кибормаконда содир этилаётган мулкий турдаги жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юкоридир. Бундай жиноятлардан жабрланганлар сони ва зарар кўлами ошиб бормоқда. Ер юзининг исталган худудидан туриб мол-мulkни талон-тарож қилиш жиноятининг тез-тез

*Бас! Дунё ва дунё
ҳаётидан баҳслишиб,
уни ёмонламанг! Агар
қалбингизда дунё сев-
гиси бўлмасайди, уни
ёдга олмасдингиз.
Зоро, ким бир нарсани
севса, ўшани кўп зикр
этади.*

**Робиъа
ал-АДАВИЙЯ**

содир этилаётгани мазкур жиноятларни аниқлаш ва фош этиши мураккаблаштиради.

Кейинги пайтда жиноятчилар ахолининг банқдаги пулларини талон-тарож қилишда янги усуллардан фойдаланмоқда. Хусусан, дастурий аппарат қурилмалари ёрдамида қонунга хилоф тарзда банк картаси ёки бошқа тўлов карталарининг нусхасини ясаш, соҳталаштириш орқали ўзганинг банк ҳисобидаги ёхуд электрон тўлов ҳамёнидаги пуллар талон-тарож қилинмоқда.

Ўз навбатида, ҳукуқни кўллаш амалиётидаги электрон (рақамли) маълумотларни далил деб топиш ва иш хужжатларига кўшиш билан боғлиқ муаммолар жиноятни фош этиши билан боғлиқ фаолиятда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Шу муносабат билан электрон (рақамли) далилларни қабул қилиб олиш, текшириш ва баҳолаш тартибига оид нормаларни Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунчилик хужжатларига киритиш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан тергов ҳамда суд жараёнида иштирокчиларнинг ҳукуқ ва эркинликларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда самарали ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига электрон (рақамли) далил тушунчаси, электрон (рақамли) далилларни аниқлаш, тўплаш, тақдим қилиш, текшириш, баҳо бериш, қайд этиш ҳамда сақлаш тартиблири, шунингдек мазкур жараён иштирокчиларининг ҳукуқ ва мажбуриятларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартуниш ва кўшимчалар киритилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши процессуал қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга, янги институтларни жорий этишга, одил судлов сифатини оширишга, суд иш юритувини такомиллаштиришга, шунингдек мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўринини яхшилашга хизмат қиласди.

Ҳозирда республикамизда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар алоҳида хавф түғдирмоқда. Бу жиноятлар юкори латентлик, аниқлаш ва тергов қилишнинг мураккаблиги, шунингдек, жабрланувчилар учун сезиларли моддий зарар етказиш билан ажралиб туради.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари банк ҳисобларидан ўғирликлар, сохта интернет-дўйконлардан фойдаланган ҳолда фирибгарликлар, маҳфий маълумотларни олишга қаратилган фишинг хужумлари, зарарли дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда товламачилик ва бошқа кўплаб турда бўлиши мумкин.

Бу каби жиноятлар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг айрим моддаларида жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "г" бандида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растра-та қилиш йўли билан талон-тарож қилиш, 168-моддаси 3-қисми "г" бандида фирибгарлик, яъни ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб алдаш ёки ишончни сунистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган хукуқни қўлга киритиш, 169-моддаси 3-қисми "б" бандида ўғрилик, яъни қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимида кириб ёки ундан фойдаланиб ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш жиноятлари учун жавобгарлик муқаррарлиги белгиланган.

Мазкур турдаги жиноятларни бирлаштирадиган нарса шуки, уларнинг барчаси рақамли мухитда содир этилади ва ўзларидан кейин тергов пайтида далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган рақамли изларни қолдиради.

Бундай жиноятларни фош этишининг асосий усулларидан бири рақамли изларни таҳлил қилишдир. Рақамли излар деганда рақамли шаклда сақланадиган ёки узатиладиган, жиноят ва унинг ижрочиси ўртасидаги алоқани ўрнатиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Бундай изларга серверлар логлари, браузер тарихи, файллар метамаълумотлари, транзакциялар ҳақидаги маълумотлар, геолокация маълумотлари ва бошқа кўп нарсалар кириши мумкин. Рақамли изларни таҳлил қилиш маҳсус билим ва кўникмаларни, шунингдек маҳсус дастурий таъминотдан фойдаланишни талаб қиласди.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилган жиноятларни тергов қилишнинг мухим босқичи рақамли далилларни тўплаш ва қайд этишдир. Бу жараён тўпланган далилларнинг судда мақбуллигини таъминлаш учун барча процессуал қонун нормаларига риоя қилган ҳолда ўтказилиши керак. Бунда рақамли далилларни осонлик билан ўзгартириш ёки йўқ қилиш мумкинлигини ҳисобга олиш лозим, шунинг учун уларни тўплаш ва сақлаш алоҳида эҳтиёткорлик ва маҳсус усулларни кўллашни талаб қиласди.

Рақамли далилларни тўплашнинг самарали усулларидан яна бири қаттиқ диск ёки бошқа маълумот ташувчи-сининг аниқ нусхасини (тасвирини) яратишдир. Бу барча маълумотларни ўзгартмаган ҳолда сақлаш ва асл далилларга зарар етказиш хавфисиз нусха билан ишлаш имконини беради. Бундай нусхаларни яратиш учун маълумотларни аниқ нусхалашни таъминловчи маҳсус дастурий ва аппарат воситалари кўлланилади.

Рақамли далилларни тўплашдан сўнг уларни таҳлил қилиш босқичи келади. Бу ерда жиноятнинг хусусиятига ва тўпланган далилларнинг турига қараб турли усуллар кўлланилиши мумкин. Масалан, банк ҳисобидан ўғирлики тергов қилишда транзакцияларни таҳлил қилиш, ҳисобга кириш амалга оширилган IP-манзилларни ўрганиш, агар ҳисобга кириш учун зарарли дастурий таъминот кўлланилган бўлса уни ўрганиш мумкин.

Рақамли далилларни таҳлил қилишнинг муҳим усули ўчирилган маълумотларни тиклашдир. Жиноятчилар кўпинча файлларни ўчириб ва браузер тарихини тозалаб, ўз фаoliyatlarining изларини яширишга уринадилар. Бироқ, кўп ҳолларда бу маълумотларни маҳсус дастурий воситалар ёрдамида тиклаш мумкин. Бу терговчиларга жиноятчининг ҳаракатлари ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини ўғирлаш билан боғлик жиноятларни фош этишининг яна бир самарали усули тармоқ трафигини таҳлил қилишдир. Бу усул шубҳали фаолиятни, хужумлар манбаларини ва ахборот тизимларига руҳсатсиз киришга уринишларни аниқлаш имконини беради.

Хулоса килиб айтганда, рақамли далиллар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш ва фош этишда муҳим роль ўйнайди.

Хусусан, улар жиноятчининг шахсини аниқлаш, жиноят механизмини тушуниш ва жиноят вақти ҳамда жойини белгилашда ёрдам беради.

Бироқ, рақамли далиллар билан ишлаш жараёнида бир қатор техник, хукуқий ва ресурс билан боғлик муаммолар юзага келади. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун янги технологияларни жорий этиш, қонунчиликни такомиллаштириш ва мутахассисларнинг малакасини ошириш зарур.

Келажакда сунъий интеллект, блокчейн ва булатли ҳисоблаш технологияларининг ривожланиши рақамли далиллар билан ишлаш самарадорлигини янада оширади ва ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашища янги имкониятлар яратади.

Бунёд КУДРАТОВ,
Хукуқни муҳофаза қилиш академияси
бўлум бошлиги.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В.Б.Вехов, В.Б.Вехова, С.В.Зуев и др "Цифровая криминалистика" учебник, год издания 2022, ISBN: 978-5-534-13898-6.
2. В.Б.Вехов, С.В.Зуев, В.Н.Григорьев и др "Расследование преступлений в сфере компьютерной информации и электронных средств платежа" учебник, год издания 2023, ISBN: 978-5-534-13898-6.
3. М.Х.Рустамбаев, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар".
4. С.Салохиддинов, "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар".
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. Ўзбекистон Республикасининг Миллий қонунчилик базаси (lex.uz).
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон Республикасининг Миллий қонунчилик базаси (lex.uz).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига электрон (ракамли) далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириши ва кўшимчалар кириш тўгрисида"ги Қонун лойиҳаси.

ТЕРРОРИЗМ ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш методикасининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи ва уларнинг дастлабки тергов босқичидаги аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: терроризм билан боғлиқ жиноятлар, тергов, тергов қилиши методикаси, криминалистик тавсиф, терроризмни молиялаштириш, тергов тусмоли.

Терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, терроризм жинояти содир этилишини осонлаштириш, қулай шарт-шароит яратиш, шахсада террористик ҳаракатларни содир этиш бўйича зарур кўнинмаларни шакллантириш, шунингдек, мазкур жиноятларга қарши кураш ва олдини олишнинг имконини чеклашга қаратилган жиноий хатти-ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) тушунилади.

Жиноят ҳукуқида терроризм билан боғлиқ жиноятлар деганда, тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик (ЖК 155¹-моддаси), террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўкувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш (ЖК 155²-моддаси) ҳамда терроризмни молиялаштириш (ЖК 155³-моддаси) жиноятлари тушунилади.

Умуман олганда, терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш усули тергов қилишнинг хусусий криминалистик методикасига асосланади. Унга кўра криминалистик методика амалий хусусиятга эга бўлган ҳамда терговчилар ва суриштирувчиларга жиноятларнинг ҳар хил турларни очиш, тергов қилиш ва бартараф этишда уларнинг ишларини мақбуллаштириш учун мўлжалланган ва назарий жиҳатдан асосланган тавсиялар мажмуидан иборат.

Жиноятларни тергов қилишнинг бундай усули асосини жиноий-ҳукуқий (терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг таркиби бўйича) ва криминалистик (жиноят содир этиш ва излар ҳосил бўлишининг ўзига хос механизмига эга терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи) мезонлари ташкил этади.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этиш қонуниятларини англаш тергов қилиш криминалистик методикасининг биринчи элементи ҳисобланган мазкур жиноятчилик турлари ҳақида криминалистик тавсифни шакллантиришга имкон яратади. Шунингдек, мазкур жиноятчилик бўйича ҳақиқатни аниқлаш, қонуниятларини англаш дастлабки тергов жараёнида тергов қилиш усулининг иккинчи элементи ҳисобланган намунавий криминалистик тавсифни шакллантиришга имкон яратади.

Мазкур криминалистик методиканинг элементлари тергов вазиятлари орқали ўзаро чамбарчас боғланган ва бир-бирига тобе бўлиб, улар терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўйича ўзига хос (типик) криминалистик методикани вужудга келтиради.

Криминалистика фанида умумэтироф этилган фикрга кўра, криминалистик методика қўйидагиларни ўз ичига олади:

1) бир гурух шахслар ёки уюшган гурух томонидан содир этилган жиноятларнинг криминалистик тавсифи;

2) терговнинг дастлабки ва кейинги босқичларида тергов ҳаракатларини режалаштиришнинг ўзига хослиги ва тергов вазиятларини типик тасвирлаш;

3) дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси ва оператив-қидириув тадбирларини режалаштириш;

4) кейинги тергов ҳаракатларини ўзига хос тарзда ўтказиш.

Жиноятларнинг криминалистик тавсифи деганда, фанда назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқилган ўзаро узвий боғлиқ ҳолатлар бўйича ахборотларнинг умумий тизимлари, ҳар бир жиноятнинг ўзига хос алоҳида белгилари билан бошқа шунга ўхшаган жиноятлар тизимида фарқловчи хусусиятлар ва шу жиноятларни очиш, тергов олиб бориш ва олдини олиш билан боғлиқ асосий қонуниятлар тушунилади.

Криминалистик тавсифга жиноятни содир этиш, жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятни яшириш усуслари, жиноят содир бўлган жойда қолдирилган моддий излар, жиноий тажовуз предметлари, жабрланувчи ва айбдорларнинг шахси, жиноятни содир этиш мотиви ва мақсади ҳамда дастлабки терговга қаршилик кўрсатиш ҳақида эмпирик маълумотлар киради.

Криминалистик тавсиф терговнинг дастлабки босқичида ҳодиса ҳақида, жиноят тўғрисида маълумот камлигига алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, у жиноятнинг тергов ўналишини тўғри танлашга ёрдам беради.

Терговнинг дастлабки босқичида тусмоллар тузишда йўналтирувчи маълумотлар сифатида амалдаги қонунчиликка асосан фанда ишлаб чиқилган намунавий криминалистик тавсифдан фойдаланиш мақсадга мувоғиқ бўлади.

Агар терроризм билан боғлиқ жиноят фош этилган бўлса (жиноятчилар кўлга олинган ва жиноят фош этилган), бундай вазиятда намунавий криминалистик тавсифга асосланишининг ҳожати қолмайди.

Агар жиноят очилмаган бўлса (жиноят иштирокчилари аниқланмаган ва ҳодиса жойидан қочиб кетган), унда терговчи намунавий криминалистик тавсифга асосланниб, тегишли криминалистик аҳамиятга эга ҳолатларни аниқлаш учун содир этилган қўлмишни криминалистик

тахлил этади ва жиноятни очишга имкон берувчи тусмолларни тузади.

Демак, терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда терговчичи намунавий криминалистик тавсифга асосланган ҳолда аввало жиноятни якка шахс ёхуд бир гурӯҳ шахслар ёки уюшган гурӯҳ содир этганилиги фактини аниқлаши зарур. Натижада, тергов жараёнининг йўналиши жиноятни бир гурӯҳ шахслар ёки уюшган гурӯҳ содир этганилиги қараб белгиланади ва терговнинг дастлабки ва кейинги босқичлари режалаштирилади.

Режалаштириш – фикрлаш жараёни бўлиб, унинг мақсади тергов (сурештирув)нинг вазифалари ва йўналишини, қонун доирасида ҳал қилиш методлари ва воситаларини аниқлашдан иборат. Ундан мақсад тергов (сурештирув) қилишнинг йўллари ва мазмунини белгилаш, терговчичи (сурештирувчи) фаолиятининг барча босқичларида мақсадга йўналтирилганлиги, тўлиқлиги, холислиги, ҳар томонламалиги ва тезлиги, вақтни тежаш, куч ва воситалардан унумли фойдаланиш ва уларни қўллашни, далиллар билан ишлашни қамраб олишдан иборат бўлади. Режалаштиришнинг мантикий асоси тергов тахминлари ҳисобланади. Шунга мувофиқ, тергов ҳаракатларини режалаштиришнинг асосини зарур тахминларни текшириш ташкил этади.

Амалиётда асосан кўп эпизодли ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар бўйича дастлабки тергов органлари бошликлари томонидан тергов гурӯҳи тузилади. Терговчилар гурӯҳи факат бир ёки турли идоралар терговчиларидан ташкил топади ва уларнинг сони икки-учтадан бир неча юзгacha бўлиши мумкин. Терговчилар гурӯҳи жиноят ишини қўзғатган ва ўз юритувига қабул қилган терговчичи раҳбарлигига ишлайди. Раҳбарлик қилаётган терговчичи ишни тергов қилишга, ҳамкорлик субъектлари олдига ўз вақтида вазифалар қўйишга, тақдим этилган маълумотлардан тўлалигича фойдаланишга жавобгардир. Уларга тезкор ходимлар ҳам қўшиб берилиши мумкин.

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни очиш ва тергов қилишда дастлабки тергов ҳаракатлари асосан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар тайинлаша ва ўтказишдан иборат.

Дастлабки тергов ҳаракатларининг турлари ва мазмуни терговнинг дастлабки босқичида вужудга келган типик вазиятларга боғлиқ (масалан, терроризм билан боғлиқ жиноят очилган ёки аксинча очилмаган). Хусусан, терроризм билан боғлиқ жиноят очилган ва унинг барча иштирокчилари аниқланган ҳамда ушланган бўлса, унда терговнинг дастлабки жараёнида жиноят иштирокчиларини гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида сўроқ қилиш, уларнинг яшаш ва иш жойларида тинтуб ўтказиш, таниб олиш ва юзлаштириш, шунингдек уларнинг фойдаланувидаги уяли алоқа воситаларини процессуал тартибда кўздан кечириш каби тергов ҳаракатлари ўтказилади. Бунда оператив-қидирив тадбирлари алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, тергов жараёнида оператив-қидирив тадбирлари жиноятни “иссиқ изида” очиш ва айборларни аниқлаш ва ушлашга имкон беради.

Суд-тергов амалиётининг кўрсатишича, терроризм билан боғлиқ жиноятлар бўйича тергов ҳаракатларининг турлари ва мазмуни, асосан, жиноят очилмаган (жиноят иштирокчилари аниқланмаган ва ҳодиса жойидан қочиб кетган) типик вазиятдан келиб чиқади. Чунки, терроризм билан боғлиқ жиноятлар пухта режалаштирилиб, амалга оширилади.

Масалан, терроризмни молиялаштириш жиноятини тергов қилишнинг уч даражали тузилмасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда терговнинг дастлабки босқичи жиноят тўғрисидаги хабарларнинг дастлабки текшируви бошланиши билан устма-уст тушади, якуни эса, шахсни айбланувчи тариқасида жалб этиш билан мос келади.

Дастлабки тергов босқичи далилларни қидириш, аниқлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу вазифалар асосан криминалистик нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган ахборотнинг турли версияларини илгари суреш йўли билан ҳал этилади.

Терговнинг дастлабки босқичида яширин тезкор-қидирив ҳаракатларини ўтказиш муҳим. Чунки, тергов жараёнида ушбу ҳукуқча хилоф хатти-ҳаракат ростдан ҳам терроризм билан боғлиқ эканлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш учун зарур.

Терроризмни молиялаштиришни тергов қилишнинг дастлабки босқичида жиноят ҳодиса ҳақидаги ахборотнинг аниқлигидан келиб чиқиб, икки гурӯҳ тергов вазияти (далилларга ва тахминларга асосланган) шакллантирилади,

Умуман олганда, терроризмни молиялаштириш жиноятини тергов қилишга терроризмни молиялаштиришга алоқадор бўлган шахс жиноятнинг иссиқ изидан ушланган, жиноят гувоҳлари, терговчига содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумотлар олиш имконини берувчи жиноят излари мавжуд бўлган ҳоллар ижобий таъсир кўрсатади.

Терроризмни молиялаштириш жиноятини тергов қилишнинг бошлангич босқичидаги ҳар бир тергов вазияти ўз версияларига эга. Айнан версияларга асосланган метод жиноят ҳодисасини тўлиқроқ моделлаштириш ёки қайта шакллантириш имконини беради. Бунда криминалистик версияларни текширишнинг бош усули ахборот олишнинг вербал методлари ҳисобланади.

Кейинги босқичларда терроризмни молиялаштириш жиноят бўйича тергов ҳаракатларининг муваффақияти мазкур жиноят бўйича тергов ҳаракатларининг биринчи босқичида олинган криминалистик аҳамиятга эга маълумотларга боғлиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш методикасининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва тергов ҳаракатлари давомида кўллаш кўп жиҳатдан тергов жараёни самарадорлигига ва ушбу жиноятни содир этган шахсни ва жиноят ҳолатларини фош этиш натижадорлигига таъсир кўрсатади.

Жамшид ИБРОҲИМОВ,
юридик фанлар доктори (DSc).

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ТАФТИШ ТАРТИБИДА ИШ КҮРИШ

Юқори босқич судида ишларни қайта күриш - биринчи босқич суди қабул қилған қарорлар ва уларни қонуний күчгә киргунига қадар ҳамда күчгә киргандан сүнг текшириб чиқиши, суд томонидан ишни ҳал этиши чөгидә йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолларини ўз вақтида ва тез бартараф қилиши билан ишнинг қонуний, асосли ҳамда адолатли ҳал этилишига хизмат қилишдан иборат.

Тафтиш инстанцияси суди ҳукмлар ва бошқа суд қарорлари апелляция ёки кассация тартибида кўриб чиқилганидан сўнг, шикоят бериш ва протест кириши ҳуқуқига эга бўлган субъектлар мурожаатлари асосида, мазкур қарорларнинг қонунийлиги ва асослигини текширади.

Суд ҳукми ва қарорлари устидан юқори судлар томонидан назоратнинг юритилиши энг аввало одил судловнинг самарасини оширишдан иборат.

Бундай ҳолатда шахснинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини тўла таъминлаш, шу жумладан ҳукм (ажрим) юзасидан юқори инстанция судининг барча босқичларига шикоят келтира олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Суд қарорларини қайта кўриб чиқиш институтини янада такомиллаштириш нафакат процессуал қонунчилик, балки фуқаро ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Статистик рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йил давомида 22 минг нафардан зиёд фуқаролар бевосита вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан қабул қилинган қарорлардан норози бўлиб, Олий судга мурожаат этган. Шикоятларнинг асосий қисми жиноят ишлари бўйича судларнинг қарорлари юзасидан бўлиб, бундай фуқаролар 9802 нафарни ташкил қиласди.

Бундан кўриниб турибдики, судларда ишнинг ҳажми кескин оргтганлиги ишларни қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқиш имкониятининг йўқолишига олиб келиб, бу фуқароларнинг ўринли эътиrozлари кўпайишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, узил-кесил қарор қабул қилишда суд қарорларининг қонунийлиги, асослигига ва адолатлилигини уч босқичли тизим воситасида текшириш имкониятлари чекланганлиги сабаби мазкур тизимни ўрта бўғин – вилоят судларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш орқали такомиллаштириш зарурлигини кўрсатди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилнинг 27 сентябрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-869-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига қонуний күчга кирмаган суд қарорларини шикоят (протест) асосида апелляция тартибида, қонуний күчга кирган суд қарорларини кассация тартибида, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида қайта кўришга, шунингдек юқори судлар томонидан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун кўйи инстанция судларига юбориш амалиётини тугатиши доир процессуал нормаларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасида суд тизими вертикаль тартибда тузилган бўлиб, кўйи судлар юқори инстанция судларига бўйсунади. Шунинг учун кўйи судларнинг ташкилий, бошқарув ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилишида юқори судларнинг таъсиридан холи бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Юқори

инстанция суди томонидан эса ишни қайта кўриш жараёнида асосан шикоят қилинган суд қарорига ҳуқуқий баҳо берилади.

Суд қарорларини қайта кўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга ва норозиликларнинг олдини олишга, шунингдек ортиқча сарсонгарчилкларга йўл қўймаслик мақсади кўзланди.

Ҳукуқшунос М.Ч.Азберганованинг фикрича, бу янги киритилган ўзгариш аввалги тартибдан фарқли ўлароқ кўйи судлар томонидан йўл қўйилган хато ёхуд камчиликларни бартараф этиш ва адолатни тиклаш билан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Х.Қаюмовнинг ёзишича, процессуал қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, фуқароларнинг одил судловга эришиш самарадорлигини янада ошириш, жиноят учун ҳукм қилинган шахсларга ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқини тўла таъминлашга хизмат қиласди.

Киритилган энг асосий ўзгаришлардан бири – тафтиш инстанцияси ҳисобланиб, ушбу инстанция суди биринчи инстанция судининг қонуний күчга кирмаган ва қонуний күчга кирган ҳукмларини апелляция ва кассация тартибида берилган шикоят ва киритилган протест бўйича ишларни қайта кўриб чиқади.

Шундай қилиб, ишларни қўришда ўрта бўғин судлари, вилоят ва уларга тенглаштирилган судлар имкониятларидан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида 2024 йил 1 январдан бошлаб, судларда суд ҳукми, ажрими ва қарори устидан шикоят қилишнинг янги тартиби – ишларни тафтиш тартибида кўриб чиқиш институти жорий этилди.

Тафтиш инстанцияси миллий қонунчиликка янги жорий этилаётган бўлсада, айрим ривожланган давлат қонунчилигига ўз информасини топган ва амалиётида қўлланилмоқда.

Шахс томонидан суднинг ҳукми устидан шикоят келтира олиш ҳуқуқи маълум муддат билан чегараланмайди. Яъни, шахс, суд ҳукми қонуний күчга киргунга қадар апелляция тартибида, ҳукм қонуний күчга киргач эса кассация тартибида, ўз навбатида кассация ёки апелляция тартибида кўрилган ишлар бўйича тафтиш тартибида шикоят келтириши мумкин.

Эндилиқда тафтиш тартибидаги шикоят Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари, ҳарбий суд томонидан, уларнинг тафтиш тартибида қабул қилган суд қарорларидан норози бўлиб келтирилган шикоятлари эса, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилади. Шу билан бирга, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд қарорлари устидан манфаатдор шахсларнинг мурожаатига асосан Олий суд раиси ёки Баш прокурор томонидан тафтиш тартибида протест киритилиши мумкин ва тафтиш тартибидаги ушбу протест Олий суднинг раёсатида тақороран тафтиш тартибида қайта кўриб чиқилади.

Амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда суд ишни тафтиш тартибида кўриш чоғида қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқук нормалари тўғри қўлланилган ва процессуал қонун талабларига риоя этилганини иш материаллари бўйича текшириши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йилнинг 25 июндан “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарорида кўрсатилишича, тафтиш инстанцияси суди ЖПКнинг 482-моддасига мувофиқ ишларни тафтиш тартибида кўришда тафтиш шикояти (хусусий шикояти), протести (хусусий протести) бўйича ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганини ва Жиноят кодекси нормалари тўғри қўлланилганини, иш юритишни амалга ошириш чоғида ЖПК нормаларига риоя этилган-етилмаганини, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва тегишли тафтиш инстанцияси суди ҳукми ва ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлигани ишда мавжуд бўлган ҳамда тафтиш инстанцияси суди томонидан кўшимча равишда текширилган далиллар бўйича текширади.

Юқори суд қуйи суднинг чиқарган ҳукмидаги хulosалар суд мажлисида ўз тасдигини топган далиллар билан асосланган дейиши учун жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар синчковлик билан тўла, ҳар томонлама ва холисона текширилган бўлиши керак.

Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм бекор қилинишига сабаб бўладиган даражада жиддий бузилиши тушунчаси ЖПКнинг 488-моддасида ифодаланган.

Бундай талабга нафақат ЖПКнинг 488-моддаси иккинчи қисмида кўрсатиб ўтилган қонун бузилишлари аниқланганда, балки ўша модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, яъни, жиноят-процессуал қонун нормаларининг бошқача тарзда бузилиши айбланувчи, судланувчи ва процесс бошқа иштирокчиларини қонунда белгиланган ҳукуқларидан маҳрум қилган ёки бу ҳукуқларни чекланган ёхуд судга иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва холисона аниқлашда бошқача тарзда халал берган, ҳамда қонуний ва асосли ҳукм чиқаришга таъсир этган ёки таъсир этиши мумкин бўлган ҳолда ҳам (айб эълон қилинмаганилиги, судланувчига айблов хulosasi нусхасининг берилмаганилиги, қонунга кўра ўтказилиши шарт бўлган экспертиза ўтказилмаганилиги, судланувчига охирги сўз берилмаганилиги ва бошқалар) риоя этилиши лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганинг аниқланиши тафтиш инстанцияси судини протестда келтирилган бошқа важлар (айбловнинг исботланганилиги, квалификациянинг тўғрилиги, жазонинг адолатлилиги тўғрисида ва ҳ.к.)ни ҳам мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда тегишли хulosha чиқариш мажбуриятидан озод этмайди.

Қонунчиликда белгиланган тафтиш тартибида ишни кўриш доираси янада кенгайтирилиб, тафтиш инстанциясида ишларни кўришда қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқук нормалари тўғри қўлланилгани ва процессуал қонун талабларига риоя этилганини иш материаллари ва янги аниқланган далиллар бўйича текширишнинг аниқ тартиби белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хulosha қилиш мумкинки, тафтиш тартибида иш юритиш алоҳида, мутлақ босқич

бўймасдан, балки жиноят процессининг мустақил босқичи ҳисобланади. Мазкур босқичда процесс иштироқчилари ёки қонуний кучга кирган суд қарори у ёки бу даражада дахлдор бўлган шахсларнинг протести ёки шикояти асосида тегишли мансабдор шахслар томонидан ушбу ҳужжатнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги текширилади. Унинг натижасида тегишлича тафтиш тартибида берилган шикоят рад этилиши ёки иш қўзғатилиб тафтиш инстанцияси судига кўриб чиқиш учун юборилади.

Хайрулла КУЧКАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги
университети профессори, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Арипов Д.Ў. Суд ҳокимияти мустақиллигини ташкилий-ҳуқуқий такомилаштиришнинг замонавий тенденциялари. // Юридик фанлар доктори иммий даражасини олиш учун ёзилган (DSc) диссертацияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Боз Прокуратураси Академияси. – 2022 й. – Б. 296.
- Азберганова М.Ч. Одил судлов тизимида ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш. Eurasian journal of law, finance and applied sciences. Innovative Academy Research Support Center. – Volume 3 Issue 12, December 2023. – P. 215. www.in-academy.uz
- Байсариев Ш. Суд босқичларидаги ўзгариш ва янгиланишлар ортиқча овора-гарчилкнинг олдини олади. // Одил судлов. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. Илмий-амалий, ҳуқуқий журнал. – Тошкент, 2024 й. - № 2. – Б. 40-41.
- Довудова Д.С. Жиноят процессининг суд мухкамасида прокурор иштироқнинг назарий ва амалий масалалари. // Юридик фанлар доктори иммий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқи мухофаза қилиш академияси, 2023. – Б. 156.
- Исломов Б.Ж. Судьянинг онгидаги адолат, тилида ҳақиқат, дилида поклик ҳуқмон бўлиши керак. Тошкент: “Ҳалқ сўзи” газетаси, № 26 (8369). 2023 йил, 8 февраль.
- Жураев И.Б. Жиноят ишларини юритишида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларни мухофаза қилиш кафолатлари // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations фанлараро иммий журнал. (Scientific Journal Impact Factor). – Тошкент: Ўзбекистон, 2023. № 6. – Б. 105.
- Қаюмов Х. Биринчи инстанция суднинг ҳукм (ажрим)лари юзасидан юқори инстанция суднинг барча босқичларга шикоят келтира олиш ҳукуқини таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг ўзига хос хусусиятлари. // Йиғимои fanlarda innovatsiya onlayn jurnal. – Toshkent: Jild: 04 Nashr: 03 / mart – 2024. – Б. 25.
- Мухитдинов Ф.М. Жиноят-процессуал шакл: назарий ва методологик мумомлар. // Юридик фанлари доктори иммий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти. – 2005 й. – Б. 345.
- Мухитдинова Ф.Ф. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор тошини ва ривожланиши // Юридик фанлари доктори диссертацияси автореферати. Тошкент: ТДЮИ. – 2011 й. – Б. 35.
- Сабиров Э.К. Судлар фаолияти очиқлигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари. // Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) иммий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Боз прокуратураси Академияси, 2021. – Б. 17.
- Тайрова Г.М. Адолат призмаси остида жиноят-процессуал қонунчилигини таҳтили. // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations фанлараро иммий журнал. (Scientific Journal Impact Factor). – Тошкент: Ўзбекистон, 2024. № 2. – Б. 10.
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллӣ базаси. (www.lex.uz)
- Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилнинг 27 сентябрдаги “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти тақомилаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-869-сонли қонуни. // Қонун ҳужжатлари маълумотлар базаси. (www.lex.uz)
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йилнинг 25 июндан “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарори. // Қонун ҳужжатлари маълумотлар базаси. (www.lex.uz)
- Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. // Қонун ҳужжатлари маълумотлар базаси. (www.lex.uz)

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР ТЕКШИРУВЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари, тушунчаси, турлари ҳамда текширувларнинг бир-бираига ўхшаш ва фарқли томонлари таҳлил қилинган. Қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларининг мақсади ҳамда аҳамияти илмий-назарий қарашлар орқали очиб берилган. Айрим хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳам инобатга олинган ҳамда тақлифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: қонунлар ижроси устидан прокурор текшируви, текширув турлари, режавий, режадан ташқари, назорат тартибидаги ва ҳамкорликдаги текширув.

Амалдаги қонун ҳужжатларининг қандай ишләтгани ўнга қай тартибда риоя қилинаётгани юзасидан назорат-текширув ишларини олиб бориш прокуратура органларининг зиммасидаги асосий вазифадир. Шу боис прокуратура органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳукуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Кейинги 5-6 йил ичидаги прокуратура органларининг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий этибиор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда. Шу ўринда қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари ҳақида гапирад эканмиз, аввало, “текширув” сўзи қандай лугавий маънони англатишига ҳам тўхталиб ўтишимиз жоиз.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “текширмоқ” сўзи “тўғринотўғри, ҳақ-ноҳақлигини билиш учун кўздан кечирмоқ”, “илмий асосда ўрганмоқ”, “тадқиқ қилмоқ”, “назорат учун кўздан кечирмоқ” деган маъноларни англатади. Маъносига мутаносиб равища қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларида ҳам, прокуратура органлари томонидан муйайн ташкилотда қонунлар аниқ ва бир хилда ижро этилаётгани ёки йўқлиги, улар томонидан чиқарилган ҳужжатлар қанчалик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги ёки йўқлиги назорат учун кўздан кечирилади, ўрганилади.

Айнан шу сўзга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳам ҳуқуқий таърифлар келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида келтирилган таърифга кўра, текшириш бу ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибиға солувчи бошқа қонунчилик ҳужжатлари қандай бажарилаётганигини назорат қиливчи органларнинг бир марта назорат қилиши саналади.

Шу каби, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддаси айнан қонунлар ижроси устидан прокурор текширувларига бағишлиган бўлиб, унда “Қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганилиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласидан ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади”, деб қайд этилган.

Ҳукуқшунос олим Б.Х.Пўлатов қайд этганидек, “Қонунлар ижроси устидан назорат тартибida ўтказиладиган текширув прокуратура органлари фаолиятининг стратегиясини акс эттиради.

Ҳозирги вақтда уларнинг тематикаси хилма-хилдир. Улар қаторига фуқаронинг ҳукуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши тўғрисидаги, мулкчилик тўғрисидаги, тадбиркорлик фаолияти, хусусий-лаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, солик, банк, божхона, ерга доир ва бошқа қонунларнинг ижроси устидан назорат киради”.

Ҳукуқшунос Д.С.Белоусова эса, “Прокурор текширувлари қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ўрнатиш ва қонунбузилишларини аниқлашнинг муҳим инструменти ҳисобланади. Прокурор текширувлари “умумий назорат” фаолиятининг мажбурий атрибути сифатида намоён бўлади” деб қайд этади. Фикримизча, қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари Д.С.Белоусова таъкидлаганидек, фақат қонунбузилиш ҳолатларини аниқлашнигина эмас, балки уларни бартараф этиш, қонунга зид ҳужжатларни Конституция ва қонунларга мослаштириш, айборд шахсларга тегиши таъсир чораларини қўллаш, ҳукуқбузарликка имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олувчи чора-тадбирлар мажмуи саналади. Боиси, қонунлар ижроси устидан прокурор текширували давомида аниқланган ҳолатлардан келиб чиқиб, юқорида санаб ўтилган жиҳатларга мос бўлган прокурор назорати ҳужжатлари (протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув)дан бирни кўлланади.

Ҳукуқшунос Н.Р.Корешникова таъкидлаб ўтганидек, прокурор текширувлари бир томондан ваколатли мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини баҳолаш, қонунбузилишини ҳамда уларнинг устав ҳужжатларида акс этган ваколатларига алоқадор равища содир этилган ҳукуқбузарликларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Бизнингча, юқоридаги фикрга тўла қўшилиб бўлмайди. Чунки, прокурор қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат ўрнатар экан, нафакат устав ваколатлари бўйича, балки уставдан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларида акс этган қоидалар ижро этилиши нуқтаи назаридан ҳам текширувлар ўтказади. Шу боис прокурор текширувларининг доираси анча кенг эканлигини эътироф этиш лозим.

Юқорида келтирилган қонунчиликдаги тушунчалар, ҳукуқшунос олимларнинг прокурор текширувлари ҳақидаги илмий (доктринал) қарашларини таҳлил қилиб, “қонунлар ижроси устидан прокурор текшируви” тушунчасига куйидагича муваллифлик таърифимизни беришини лозим деб топдик:

“Қонунлар ижроси устидан прокурор текшируви – прокуратура органлари томонидан муйайн қонун ҳужжатларининг

аниқ ва бир хилда ижро этилиши бўйича қонунчиликда белгиланган асослар, муддатлар ҳамда тартибларда тегишли текширув объектларида, яъни давлат органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа идораларда ўтказиладиган назорат тартибидаги ўрганишдир".

Прокурор назорати назарияси ва амалиётида қонунлар ижросини прокурор томонидан текширишнинг бир қатор турлари мавжуд. Хусусан, режавий ва жорий, мақсадли (предметли) ҳамда комплекс текширув, муфассал, ҳамкорликдаги ва назорат тартибидаги текширув каби турлари ўтказиб келинади.

Режавий текширув – юқори турувчи тузилма томонидан тасдиқланган йиллик (чорак) текширув режасига киритилган текширув.

Режадан ташқари текширув – назорат органлари томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва ҳолатларда амалга ошириладиган, йиллик (чорак) текширувлар режасига киритилмаган текширув (жумладан қисқа муддатли).

Қисқа муддатли текширув – назорат органлари томонидан бир иш куни давомида ўтказиладиган ва текширув объектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган (кечки ва (ёки) тунги вақтда (текширув кунидаги соат 18-00 дан кейинги куннинг тонгги соат 6-00 гача) ишлайдиган текширув объектларида қисқа муддатли текширув бошланган вақтидан саккиз соатгача давом этадиган текширув.

Назорат тартибидаги текширув – назорат органлари томонидан аввалги текширувда қайд этилган қонунбузарликларнинг текширув объектлари томонидан бартараф этилгани устидан ўтказиладиган текширув.

Ҳамкорликдаги текширув – икки ёки ундан ортиқ ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари томонидан маълум бир текширув объектида қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун ўтказиладиган биргаликдаги текширув.

Бундан ташқари, айрим ҳукуқшунослар, хусусан О.Н.Коршунова иштирокчилар доирасига кўра прокурор текширувларини:

- якка прокурор томонидан;
- бир гуруҳ прокурорлар томонидан;
- мутахассислар иштирокида прокурор (прокурорлар) томонидан ўтказиладиган текширишлар каби турларга бўлади.

Якка прокурор томонидан амалга ошириладиган прокурор текшируви дейилганда учналик мураккаб бўлмаган, бир неча фаолият йўналишини қамраб олмаган ишлар бўйича муайян бир қонуннинг маълум текшируv объектида аниқ ва бир хилда ижро этилиши юзасидан ўтказиладиган текширувлар назарда тутилади.

Бир неча прокурорлар томонидан амалга ошириладиган прокурор текширувлари мураккаб, муҳим аҳамиятли бўлган ишлар юзасидан ўтказилади. Мисол учун, мураккаб, муҳим аҳамиятли бўлган ишлар деганда давлат, жамият манфаатларига жиддий зарар етказаётган, дарҳол бартараф этилиши талаб қилинадиган, акс ҳолда кўлчиликнинг манфаатларига зарар етиши мумкин бўлган қонунбузилиши ҳолатларига доир ишлар тушунилиши керак.

Маълумки, мутахассислар иштирокида ўтказиладиган прокурор текширувлари прокурорнинг талаби билан текширишга муайян соҳага доир чукур билимга эга бўлган мутахассислар жалб этилади. Прокурор қонунлар ижроси устидан текшируv ўтказар экан турли соҳаларга доир, жумладан, тибиёт, бухгалтерия, молия, қурилиш каби ўзи яқиндан таниш бўлмаган йўналишларга оид масалаларга дуч келади. Табиийки, бундай ҳолларда муайян касб ва йўналишда маҳсус билимга эга бўлган шахслардан фой-

даланиш зарур бўлади. Прокурорнинг қонуний талаби билан текширувларга жалб этилган мутахассислар маълум масалада соҳага оид ўз билимига асосланиб фикр билдиради ёки текшириш, тафтиш ўтказиш уларга топширилади. Мутахассисларнинг фикри, тафтиш ўтказиш натижасида тузган далолатномалари прокурор учун мажбурий эмас. Прокурор етарли асослар бўлгандা уларни инобатга олмаслиги ҳамда улар асосида прокурор назорати ҳужжатларини кўлламаслиги ҳам мумкин.

Шу ўринда қонунлар ижроси устидан прокурор текширувлари ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишдаги аҳамияти борасидаги статистик маълумотларга тўхталиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2023 йилнинг 10 ойида фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикландиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қарийб 28 мингта текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича жами 134 мингтага яқин прокурор назорати ҳужжатлари кўлланилган, 321 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳукуқлари тикланган.

Қолаверса, прокурор текширувлари ва дастлабки тергов давомида фуқаролар, давлат ва жамият манфаатларига етказилган 2,3 трлн. сўмлик зарарнинг ундирилиши тъминланган. Ушбу давр давомида келиб тушган жами 388 мингдан зиёд мурожаатнинг 215 мингтаси бевосита прокуратура органларида кўриб чиқилиб, 287 минг нафар фуқаро қабул қилинган.

Юқоридагилардан ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, қонунлар ижроси устидан сифатли прокурор текширувларини ўтказиш ҳамда бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида "Қонунлар ижроси устидан прокурор текшируви" тушунчасига илмий-назарий таъриф ҳамда унинг турлари ва ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бу билан "Тараққиёт стратегияси"да белгиланган "прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳукуқий асосларини яратиш" вазифаси ҳам, муайян даражада бажарилган бўлар эди.

Шоҳжаҳон ЖУМАЕВ,

Ҳукуқни муҳофаза қилиш академияси таянч докторантни, Юристлар малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Интернет манбаси: URL: <https://m.xabar.uz/post/prokuratura-organlari-yangi-davrga-qadam?category=huquq>.
2. Корешникова Н.Р. Основные правовые средства прокуратуры Российской Федерации как инструмент обеспечения исполнения законов. 2010. С 25-26.
3. Комилов А.Б. Қонунлар ижроси юзасидан прокурор текширувни қонун ҳужжатларида тартиба солишининг долзарб масалалари // Central Asian academic journal of scientific research. – 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/onunlar-izhrosi-yuzasidan-prokuror-tekshiruvini-onun-uzhzhatlarida-tartibga-solishning-dolzarb-masalalari>.
4. Пўлатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил қилиш ва прокурор назоратининг намунавий ҳужжатлар тўплами// Амалий-услубий кўлланма. – Тошкент, 2013. – 15-бет // URL: <https://proacademy.uz/postfiles/books/u-/tp/index.html>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилдаги прокуратура органлари ходимлари ҳамда фахрийларига табрик нутқидан URL: <https://president.uz/uz/lists/view/6961>.
6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошевнинг 16.01.2024 йилдаги мамлакатимиз аҳолисига мурожаатидан // URL: <https://prokuratura.uz/#/newsviewid=8986>.
7. Ўзбек тилининг изоҳи лугати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). Тошкент, – 5.56.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Расмий веб-сайт // URL: <https://www.prokuratura.uz/#/>.

ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Миллий қонунчилегимизга асосан юридик жавобгарлик, шу жумладан фуқаролик-хуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш учун муайян асос ва шартларнинг бўлиши талаб этилади. Агар бундай асос ва шартлар бўлмаса жавобгарликни истисно қўлуви ҳолат деб баҳоланади.

Юридик жавобгарликнинг умумий ва ягона асоси сифатида хукукбузарлик (хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) таркиби мавжудлиги тўғрисида кўплаб юридик соҳа олимлари ўз фикрларини илгари сурғанлар.

Фуқаролик хукуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қўйидаги тўртта асос бўлиши талаб этилади:

- хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- зарар етказилиши;
- хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш;

- қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши.

Шундан, биринчиси хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Хукуққа хилоф ҳаракат деганда, шахснинг қонун ҳужжатларида, шартномаларда, шунингдек иш муомаласи одатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслиги, уларга амал қиласлиги тушунилади.

Масалан, маҳсулот етказиб бериш шартномасига асосан етказиб берилиши лозим бўлган товарнинг нархи тўланган бўлсада, маҳсулот етказиб берувчи томонидан товар шартномада белгиланган муддатда етказиб берилмади. Ушбу ҳаракат хукуққа хилоф ҳаракат сифатида эътироф этилади.

Амалдаги Фуқаролик кодексида хукуққа хилоф ҳаракат тушунчasi кўлланилмаган. Унинг ўрнига зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятларда “файриконуний ҳаракат” тушунчasi кўлланилган.

Бир қарашда, ушбу икки тушунча бир маънени ифодалагандек кўринади. Бироқ, ушбу тушунчаларнинг шархига эътибор қаратсан, “файриконуний ҳаракат” дейилганда қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларни бузишлиқда ифодаланадиган ҳолат тушунилади.

“Хукуққа хилоф” тушунчasi эса ўзида кенгроқ маънени ифода этиб, юкорида қайд этилган қонун ҳужжатлари, шартномалар ва иш муомаласи одатларида назарда тутилган қоидаларни бузишлиқда ифодаланади.

Маълумот тарикасида, фуқаролик-хукуқий муносабатлар қатнашчилари қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган битимларни ҳам тузишлари мумкин.

Шу сабабли, фуқаролик-хукуқий жавобгарлик чорасини қўллашда “хукуққа хилоф ҳаракат” тушунчасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

Хукуққа хилофликнинг яна бир кўриниши ҳаракатсизликдир.

Хукуққа хилоф ҳаракатсизлик шахс хулқ-атворининг пассив шакли бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган нормаларга риоя қиласлидада ифодаланади. Масалан, агар қонун тегишили вазиятларда қандай ҳаракат қилиш кераклигини белгилаб қўйган бўлса, унда ҳаракатсизлик ноқонуний хисобланади.

Бу борада бир қатор олимлар ўз фикрларини илгари суришган.

Хусусан рус олими И.Самошченконинг фикрича “ҳаракатсизлик – бу қонун талаб қиласли ҳаракатни бажармаслик” дир. Ёки бошқача қилиб айтганда шахсга мажбурият сифатида юклangan ҳаракатни бажармаслик ҳаракатсизлик хисобланади.

Хукуққа хилоф ҳаракатсизлик ўз хусусиятига кўра, субъектив ва объектив бўлиши мумкин.

Бунда, ҳаракатсизликнинг субъектив хусусияти деганда, хукукбузарнинг қонунда, шартномада ёки иш муомаласи одатларида назарда тутилган мажбуриятни бажариш имконига эга бўлиши тушунилади.

Хукукбузарликнинг объектив белгисида эса хукукбузарнинг қонунда, шартномада ёки одатда кўрсатилган мажбуриятни бажариши кераклиги тушунилади. Ҳаракатсизликнинг объектив белгиси мавжудлигини исботлаш қийин эмас.

Масалан, юк ташиб шартномасининг предмети юкни белгиланган манзилга етказиб бериш бўлса, унда юк ташувчи юкни етказиб беришини ўз зиласига олган хисобланади. Бунда, агар ушбу мажбурият бузилган бўлса ҳаракатсизликнинг объектив белгиси аниқ кўриниб туради.

Таъкидлаш жоизки, ҳаракатсизликнинг объектив белгиси мавжуд бўлса, ҳаракатсизликнинг субъектив белгиси йўқлиги билан ноқонуний хатти-ҳаракатни истисно қилиш мумкин. Масалан, шахс ўзига юқлатилган бурчни бажариши керак бўлсада, у буни бажара олмаслиги мумкин. Ноқонуний ҳаракатсизликнинг субъектив белгиси хукукбузарнинг ҳозирги ўзига хос вазиятда ўз мажбуриятни бажариши мумкинлигидир. Мажбуриятни бажаришга форс-мажор ҳолатлари, жисмоний куч, тажрибанинг етишмаслиги тўскىнлик қилиши мумкин. Агар шахс ўз мажбуриятини бажара олмаса жавобгарликнинг муқаррарлиги келиб чиқади.

Ҳаракатсизликнинг субъектив белгиси йўқлигини аниқлаш учун шахс зарарли оқибатлар пайдо бўлишининг олдини олиш чораларини кўрганлигини, аммо барibir уларнинг олдини ола олмаганингини исботлаши лозим бўлади. Ҳаракатсизлик сабабли жавобгарликка тортиш учун шахс зарарнинг олдини олиш реал имкониятига эга бўлганлингини аниқлаш мумхимdir. Агар бундай имконият бўлмаганида бизнинг одимизда хукукбузарликнинг муқаррарлиги, ҳаракатсизликнинг субъектив белгиси йўқлиги мавжуд бўлади.

Том маънода, хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик “мажбурият лозим даражада бажарилиши керак” деган норманинг бузилишидан келиб чиқади.

Хукуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ва унинг оқибати ўтасида сабабий боғланиш мавжудлигини аниқлаш жуда мухим мезон хисобланади.

Ушбу тушунчани англаш бироз қийинчилик түғдиради. Бироқ, айнан мазкур тушунча фуқаролик-хукуқий жавобгарлик чорасини қўллашнинг зарурӣ шарти бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда сабабий боғланиш тўғрисидаги масалани таҳлил қилишда аксарият мутахассислар кўйидаги илмий қоидаларга асосланishiади.

Унга кўра, табиатда ва жамиятда ҳар бир ҳодиса фақат атрофдаги бошқа ҳодисалар билан боғлиқ ҳолдагина олиб қаралиши мумкин. Ҳар бир ҳодисининг келиб чиқиши атрофдаги ҳодисалар билан боғлиқ бўлиши, бир ҳодисанинг келиб чиқишига иккинчиси, шу билан бирга, бир ҳодисанинг ўзи бошқа бирмунча сабаблар тифайли содир бўлиши мумкин. Табиат ва жамиятда сабабий боғланиш ҳодисалар ўтасидаги объектив равишда мавжуд бўлган боғлиқликдан иборат.

Бундай боғланишлар шахслар томонидан ўрганилиб, амалиётда текширилади.

Юридик соҳа вакиллари ҳам сабабий боғланиш тўғрисида ўз фикрларини илгари суришади.

Хусусан, О.Иоффе зарар ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиши наникта имконият ва воқелик ҳақидаги фалсафий тушунчаларга таянишни илгари курса, Э.Суханов "зарарни қоплаш шаклида жавобгарликни юклаш учун хукуқбузарнинг ҳаракатлари ва унинг натижасида келиб чиқсан зарар ўртасида сабабий боғлиқлик бўлиши керак деган фикрни илгари сурдади.

Олим О. Красавчиков "сабаб муносабатлари бу иккита ҳодисанинг объектив конкрет муносабати бўлиб, улардан бирни (сабаб) моддий дунё ривожланишининг объектив қонуниятлари туфайли бошқа (янги, бир хил бўлмаган) ҳодисани (таъсири) келтириб чиқаради" деган фикрни илгари сурган.

Бирок, баъзи ҳолларда эса бу муносабатларни асослаш осон кечмайди. Бу ҳолатни қўйидаги мисол орқали таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Масалан, бир шахс тегиши хавфсизлик чоралари йўклигидан фойдаланиб, темир йўлда турган гўшт маҳсулотлари солинган музлаткичилни вагонлардан бирини очиб, ундан маълум миқдордаги (имкони етган даражадаги) гўшт маҳсулотини ўғирлаб кетади. Унинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари натижасида вагонда қолган юк шикастланган, поезднинг кейнинг ҳаракати кечиктирилган, бошқа вагонларда бўлган юкларни қабул қилувчилар ўз контрагентларига ўз вақтида топшира олмаган ва контрагентлар ўз навбатида маҳсулотларини сота олмай қолади. Бунинг оқибатида эса ушбу субъектлар маълум миқдорда зарар кўришади. Ушбу хукуқбузарликни содир этган шахс кўлга олингач, унинг қилмишлари қанча миқдорда зарар келтириб чиқаргани ҳақида савол пайдо бўлади. Бу ҳолатда, суд юкни химоя қилиш бўйича тегишли зарур чораларни кўрмаган ташувчининг ҳаракатизлизигини инобатга олган ҳолда, хукуқбузарнинг мулкий жавобгарлигини ўғирланган сумма ва кулфлаш мосламасини таъмирлаш ҳаражатлари билан чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Умуман олганда, табият ва ижтимоий ҳаётнинг барча ҳодисалари қайсиидир маннода ўзаро боғлиқ ҳисобланади. Шундай бўлсада, жамиятда бу ўзаро муносабатлар жуда хилма-хил бўлади, жумладан, замонда, мазмун ва шакл, шарт ва шароит, сабаб ва оқибат сифатида ва ҳоқазо ҳолатларда. Шу нутка-назардан сабаб-оқибат муносабатлари ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги турларидан бирни ҳисобланади.

Турли ҳодисалар сабаб ва оқибат сифатида бир-бiri билан боғланиши мумкин. Шунинг учун, бошқа муносабатларни аслида бундай бўлмаган сабаб-натижа муносабатлари деб ҳисоблаш хавфи мавжуд.

Сабабий боғланиш доимо объективидир, бу ҳодисаларнинг субъектив фояси эмас, балки реал ҳаётдаги ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади. Шунинг учун сабабий боғланиш фақат фараz ёки тахминларга асосланадан, реал тарзда тасдиқланиши лозим. Шу сабабдан ҳам, назарий адабиётларда баъзан учраб турадиган сабаб ва боғланишларни зарурӣ ва тасодифий боғланишларга бўлиш асоссизdir.

Сабаб-оқибат муносабатларининг объективлиги шундан иборатки, ўхшаш шароитларда берилган сабаб доимо берилган оқибатни келтириб чиқаради.

Ниҳоят, сабабий боғланиш ҳар доим ўзига хос ҳусусиятга эга бўлиб, бир хил таъсири бир нечта турли сабабларга кўра юзага келиши мумкин ва бир хил сабаб бир нечта турли оқибатларга олиб келиши мумкин. Алоҳида, реал вазиятда бу алоҳида ҳолат учун жуда муҳим бўлган аниқ сабаб ва аниқ таъсири аниқлаш ҳар доим зарур ва мумкин.

Шундай қилиб, сабаб ва оқибат муносабатлари ҳодисалар ўтасидаги объектив равишда мавжуд бўлган муносабатлар тури бўлиб, у бир-бирига боғлиқ бўлган иккита ҳодисанинг маълум бир ҳолатида бирни (сабаб) ҳар доим иккинчисидан олдин бўлиши ва уни келтириб чиқариши, иккинчиси эса (таъсири) ҳар доим биринчисининг ҳаракати натижасидир.

Шу маннода, агар хукуқбузарнинг ҳатти-ҳаракати зарарли натижасида ҳақиқатга айлантирган бўлса ёки у юзага келишининг ўзига хос имкониятини аниқлаган бўлса, сабаб-оқибат боғлиқлиги юридик аҳамиятга эга ҳисобланади.

Юридик адабиётларда назарий жиҳатдан сабабий боғланиш иккита кўринишга, яъни бевосита (тўғридан-тўғри) ва билвосита турларига бўлинади.

Бунда, тўғридан-тўғри сабаб-оқибат муносабатлари агар шахснинг ноқонуний ҳатти-ҳаракати ва зарар етказиши ўртасида кетма-кет соидир бўладиган ҳодисалар занжира ҳукуқбузарлик мажбуриятларининг пайдо бўлиши учун муҳим бўлган ҳолатлар мавжуд бўлмаса юзага келади.

Шахснинг қонунга хилоф ҳатти-ҳаракати билан етказилган зарар ўртасида ҳукуқбузарлик мажбуриятларининг пайдо бўлиши қонун билан бўлган ҳолатлар мавжуд бўлган ҳолларда билвосита сабаб-оқибат муносабатлари мавжуд.

Илмий назарияларга асосланган ҳолда, юридик аҳамиятга эга бўлган бевосита сабаб-оқибат муносабатларининг ҳусусиятларини аниқлаш мумкин.

Биринчидан, юқорида таъкидланганидек, унинг асосий шарти объективликдир, яъни муайян бир ҳодиса вужудга келади ва у аслида бошқа ҳодисани келтириб чиқаради.

Иккинчидан, сабаб-оқибат муносабатлари ҳар доим аниқ бўлиши керак. Яъни, иккита тоифа сабаб ва оқибат бир-бирига нисбатан фақат маълум бир вазият доирасида белгиланиши мумкин, бундан ташқари, улар бир-бири билан ҳар қандай алоқани йўқотади.

Учинчидан, сабаб-оқибат муносабатлари бевоситалик белгисига эга бўлиши керак. Икки ҳодисанинг сабаб ва таъсирини таҳлил қилиб, улар орасидаги барча зарур омилларни аниқлаш керак. Бирок, хукуқбузарлик учун жавобгарлика тортиси ҳақида гапириш фақат ҳодисанинг бевосита сабабини аниқлаш орқали мумкин бўлади.

Тўртинчидан, сабаб-оқибат муносабатларини аниқлашда ҳар доим сабаб ва оқибатни ифодаловчи ҳодисалар пайдо бўлишининг хронологик кетма-кетлиги бўлиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсан, сабаб доимо таъсирандан олдин бўлади.

Юқорида таъкидлангандек, фуқаролик-хукуқий жавобгарлик чораларини кўллаш учун муайян асос ва шартларнинг бўлиши талаб этилиб, ушбу шартлардан яна бирни мавжудлиги ҳисобланади.

Хабиба ХУДАЙБЕРДИЕВА,
фуқаролик ишлари бўйича
Учтепа туманлараро судининг судъяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Самошченко И.С. Понятие правонарушения по советскому законодательству [The Concept of Law Offence Under the Soviet Law]. Moscow, Юридическая лит-ра Публ., 1963. 285 п.
- Фуқаролик кодекси 236-моддаси.
- Е.А.Суханов. Гражданское право: В 4 т. Том 1: Общая часть . 2008.
- Матвеев Г.К. Основания гражданско-правовой ответственности . - М.: Юридическая литература, 1970.
- <https://cyberleninka.ru/article/n/prichinno-sledstvennaya-svyaz-mezhdudeystviem-bezdeystviem-i-neblagopriyatnym-is'odom/viewer>
- <https://izron.ru>

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА БҮЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

Бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан мазмунан күриб чиқилиб, ҳал этилаётган низоларнинг аксарият қисмини даъво ишини юритишга оид ишлар, маълум қисмини алоҳида тоифадаги ишларни күриб чиқиши тартибида ҳал этиладиган ишлар ташкил қилсада, юридик шахслар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида күриб чиқиладиган айрим ишлар айнан кредиторларнинг суд буйруги бериш ҳақидаги аризаларига асосан буйруқ тартибида иш юритиш асосида ҳал этилмоқда.

Суд буйруғи судья томонидан суд муҳокамасисиз, кредитор ва қарздорни чақирилмасдан, уларнинг тушунтиришлари эшилилмасдан, якка тартибида берилиши сабабли буйруқ тартибида иш юритиш иқтисодий суд ишларини юритишнинг ўзига хос соддалаштирилган шакли бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг вақти ва маблаглари тежалишини таъминлайдиган институт ҳисобланади.

Буйруқ тартибида иш юритиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсан, аксарият давлатлар томонидан суд ишларини юритиша мазкур институтдан самарали фойдаланиб келинмоқда ҳамда улар томонидан ушбу институтнинг бир қатор самарали ва тарафлар учун қулалиқ яратувчи жиҳатлари эътироф этилади.

Жумладан, Россия Федерацияси ҳуқуқшунос олимлари буйруқ тартибида иш юритиш қуийдаги процессуал хусусиятлари ва ўзига хос жиҳатлари билан иш юритишнинг бошқа шаклларидан фарқланишини таъкидлашган:

- буйруқ тартибида иш юритиш тарафлари факатгина ундирувчи ва қарздор бўлиши;
- суд буйруғи судья томонидан ёзма ҳужжатларга асосланган ҳолда якка тартибида, тарафлар иштироқида ишини мазмунан күриб чиқмасдан қабул қилинади;
- суд буйруғи берилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг тугал рўйхати қонунда мустаҳкамланганилиги;
- низони судгача ҳал этиши (талаённома юбориши) тартибиغا риоя қилиниши мажбурий эмаслиги;
- дъяворни таъминлашга, қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олишига ёки ишига учинчи шахсларни жалб қилишига ўйл кўйиласлиги;
- суд буйруғи факатгина уни қабул қилган судья томонидан бекор қилиниши;
- суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эгалиги сабабли ижро варақаси бериш талаб қилинмаслиги.

Германия Федератив Республикаси процессуал қонунчилигига ҳам буйруқ тартибида иш юритиш фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритишнинг энг самарали усууларидан бирни ҳисобла-

**Ўзининг яхши-ёмон
томонига эътибор
қаратган инсон боши-
қалар ишига ара-
лашии қусуридан
кутилади.**

Аз-ЗАМАХШАРИЙ

ниб, мазкур муносабатлар асосан 1877 йил 30 январда қабул қилинган Фуқаролик процесдуал қонунлари тўпламининг 688-бобида тартибида солинган ва унга кўра, суд буйруғи (Mahnverfahren) суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шакли ҳисобланади.

Мазкур давлатнинг юридик адабиётларида буйруқ тартибида иш юритиш иш юритишнинг бошқа шаклларига нисбатан тезкорлиги ва арzonлиги билан ажralиб туриши сабабли соддалаштирилган тартибида иш юритишнинг энг кенг тарқалган институтларидан бирни ҳисобланиши таъкидланади.

Миллий қонунчилигимизда иқтисодий суд ишларини юритишида суд буйруғи бериш асослари мустаҳкамланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процесдуал кодексининг 135-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан қуийдаги ҳолларда якка тартибида берилади, агар:

- солик қарзини ундиришини юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиши тўғрисида талаб билдирилган бўлса;
- коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари тўлови бўйича қарздорликни ундириши тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб билдирилган бўлса;
- ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириши тўғрисида талаб билдирилган бўлса;
- талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланган бўлса;
- ёзма битим мавжуд бўлган тақдирда, ундирувни қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти бўлган мол-мулкка қаратиши тўғрисида талаб билдирилган бўлса.

Буйруқ тартибида иш юритишни тартибида солувчи қонунчилик ҳужжатлари хорижий мамлакатлар қонунчилик амалиёти билан қиёслаган ҳолда таҳлил қилинганда, ушбу соҳада айрим процессуал муаммолар мавжудлигини кузатиш мумкин.

Хусусан, Иқтисодий процесдуал кодексини 135-моддасининг 1-бандида суд буйруғи бериш асоси сифатида солик қарзини ундириши юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиши тўғрисида талаб билдирилиши келтирилган.

Солик кодексининг 123-моддаси олтинчи қисмида солик қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солик қарздорлигини ундириш суд тартибида амалга оширилиши, солик тўловчи томонидан солик қарздорлиги тан олинса, солик органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) қарорига биноан солик қарзи бўйича мажбуриятга эга шахснинг мулки ҳисобидан солик қарздорлиги ундирилиши мумкинлиги белгиланган.

Мазкур ҳолатда қонун чиқарувчи солик тўловчи томонидан солик қарздорлиги тан олинса, солик қарзини ундириши юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиши бевосита солик органи раҳбарининг ёки ўринбосарининг қарори асосида амалга оширилиши мумкинлиги ҳақидаги нормани ўрнатган. Табиийки, солик қарздорлигига нисбатан эътиroz мавжуд бўлганда, қарздор томонидан аризачи (ундирувчи)нинг суд буйруғи бериш тўғрисидаги аризасига ҳам эътиroz билдирилади ва ушбу ҳолат буйруқ тартибида иш юритишни истисно этади.

Бугунги кундаги суд амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, солик қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш солик органи томонидан иқтисодий судга суд буйруғи бериш тўғрисида ариза бериш йўли билан эмас, балки солик қарзини қарздорнинг мол-мулки хисобидан ундириш ҳақидаги солик органи раҳбарининг қарори асосида ундириш йўли билан амалга оширилаётганини кузатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 254-сонли қарорининг 2¹-бандида суд буйругини бериш тўғрисидаги талаб Иқтисодий процессуал кодексининг 135-моддаси 1-банди (солик қарзини ундиришни юридик шахсларнинг ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш) га асосан кўйилган бўлса, қарздор томонидан солик қарзининг тан олиниши талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Бироқ, бугунги кунда суд амалиётида қарздор томонидан солик қарздорлиги тан олинмасдан, унга эътиroz билдирилган тақдирда, солик органлари суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан эмас, балки бўқиманда солик қарздорлигини ундириш тўғрисидаги дъаво аризаси билан судларга мурожаат қилаётган бир пайтда, юқоридаги норма ва тушунтиришнинг мавжудлиги суд буйругининг юридик табиатига зид ҳисобланади.

Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексини 135-моддасининг 1-бандидаги солик қарзини ундиришни юридик шахслар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб билдирилишини суд буйруғи бериш асосларидан чиқариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Иқтисодий процессуал кодексининг суд буйругини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш асослари назарда тутилган 141-моддаси биринчи қисмининг 6-бандида мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги келтирилган.

Бироқ, суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш учун аризага қарздор томонидан мавжуд қарздорлик тан олинганини тасдиқловчи ҳужжатлар (таққослаш далолатномаси, қарздорлик тан олинганини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳақидаги хат ва ҳ.к.) асос бўлиши ва илова қилиниши инобатга олинса, судга суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишдан олдин ундириувчидан жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилишини талаб қилишиб буйруқ тартибида иш юритиш мазмунига мувофиқ келмайди.

Шу сабабли Иқтисодий процессуал кодексини 141-моддасининг биринчи қисмидаги суд буйругини бериш тўғрисидаги аризани қайтариш асосларидан "мазкур тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаганлиги" тўғрисидаги 6-банднинг чиқаруб ташланиши суд буйруғи институтини такомиллаштиришга хизмат қиласди.

Бундан ташқари, суд томонидан суд буйругини бериш муддати бўйича қонунчиликда белгиланган нормалар ҳам ўзи низосиз, бирмунча соддалаштирилган тартибида юритиладиган жараённи маълум маънода мураккаблаштиради.

Хусусан, Иқтисодий процессуал кодексининг 142-моддасида қарздор кредиторнинг талбларига қарши эътирозини суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризанинг кўчирма нусхаси унга топширилган

пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда судга тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақилилиги, қарздорнинг эътироzioni белгиланган муддатда тақдим этмаганлиги, шунингдек унинг билдирилган талабга розилиги суд буйругини бериш учун асос бўлиши белгиланган бўлса, 143-моддасининг иккинчи қисмida суд буйруғи кредитор томонидан аризанинг кўчирма нусхаси қарздорга топширилган кундан эътиборан ўн кун ўтгач берилиши назарда тутилган.

Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 254-сон қарорининг 14-бандида агар аризанинг нусхаси қарздорга топширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатда ҳужжат топширилган сана кўрсатилмаган бўлса, ўн кунлик муддат ушбу ариза судга келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланishi, агар суд буйругини бериш тўғрисидаги ариза қарздор томонидан ёзма фикри тақдим этиш учун берилган ўн кунлик муддат ўтганидан кейин судга келиб тушган бўлса, суд буйруғи ариза судга келиб тушганидан кейинги кундан кечитирмасдан берилиши, шунингдек Иқтисодий процессуал кодексини 142-моддасининг иккинчи қисми мазмунига мувофиқ, суд буйруғи, агар қарздор аризадаги талаб билан рози бўлса, ариза нусхаси қарздорга берилган кундан ўн кунлик муддат ўтмасдан ҳам берилиши мумкинлиги, бундай ҳолатда суд буйруғи қарздорнинг аризадаги талабга ёзма розилиги келиб тушган куннинг эртасидан кечитирмасдан берилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Кўриб турганимиздек, қонунчилигимизда турли вазиятларда суд буйругини бериш муддати билан боғлиқ бир неча ҳолатлар мавжуд.

Фикримизча, миллий қонунчилигимизга суд буйруғи суд томонидан суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ўтгач берилиши ҳақидаги қатъий қоиданинг киритилиши суд буйругини беришнинг турли муддатлари бўйича нормаларни унификация қилиш билан бирга, буйруқ тартибида иш юритиш самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда иқтисодий суд ишларини юритишда ўзига хос ўринга эга бўлган буйруқ тартибида иш юритиш институтининг янада такомиллаштирилиши судга мазкур тоифадаги аризалар билан мурожаат қилаётган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа юридик шахсларнинг вақти ва маблағи тежалишини таъминлаш билан бирга, соҳага оид миллий қонунчилигимизни ривожланган давлатлар қонунчилиги билан бирхиллаштириш имконини беради.

Асқар МАМАРАИМОВ,
Сурхондарё вилоят судининг судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Арбитражный процесс: Учебник. Авторский коллектив под общ.ред. д.ю.н., проф Яркова В.В. М.: Статут, 2017. – С. 311-312
- Гражданское процессуальное уложение Германии: Вводный закон к Гражданскому процессуальному уложению / пер. с нем. ; сост., введ. В. Бергманн. – М.: ВолтерсКлювер, 2006. – 472 с.
- Крымский Д. И. Упрощенные производства в гражданском процессе зарубежных стран : автореф. дис. ... канд. юрид. наук / Д. И. Крымский. – М., 2011. – 26 с.
- Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон таракқиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022. – 136 с.
- Россия Федерации Арбитраж процессуал кодекси. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_37800/
- Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/uz/docs/3523891>
- Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/4674902>
- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 2013 йил 5 декабрдаги "Суд буйруғи бериш тўғрисидаги ишларни кўришда иқтисодий судлар томонидан процессуал қонун нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 254-сон қарорини қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <https://lex.uz/docs/2338574>

ЕР ВА БИНО-ИНШООТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги ПФ-6243-сонли “Ер муносабатларида тенглик ва шаффоғликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларига оид қарор, фармойиш ёки бошқа турдаги ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқи 2021 йил 1 августдан бекор қилинди. Бу эса ер майдони ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келишида кадастр органларининг ҳуқуқий мақомини оширди.

Шуни эътироф этиш керакки, кейинги йилларда маъмурӣ судларда кадастр органлари билан боғлиқ оммавий-ҳуқуқий низолар сони ортиб бормоқда. Жумладан, Фарғона вилояти маъмурӣ судлари томонидан 2022 йил давомида 144 та мазкур тоифадаги низолар кўриб чиқилган бўлса, 2023 йил якунида мазкур кўрсаткич 163 тани ташкил қилган, яъни низолар сони 19 тага (11,7%) ошган.

Маъмурӣ ишларни судда кўриш натижалари бўйича аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 2024 йилнинг 6 ойи давомида 24 та хусусий ажримлар чиқарилган.

Ҳақиқатан ҳам мазкур тоифадаги маъмурӣ низолар таҳлили айrim ҳолларда кадастр органлари мансабдор шахслари томонидан кўпол қонунбузилиш ҳолатларига йўл кўйиб келинаётганини кўрсатмоқда.

Жумладан, аризачи И.М.нинг жавобгар ДКП Фарғона вилоят бошқармасининг олди-сотди шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиб бермаслиқда ифодаланган хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги аризаси бўйича маъмурӣ ишни кўриш жараёнида фуқарога ер ажратиш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарори ёки аукцион баённомаси йўқ бўлишига қарамасдан ўзбошимчалик билан эгалланган ер майдонига нисбатан кадастр паспортини расмийлаштириш ёки давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолатлари аниқланган.

2012 йил 15 апрель куни расмийлаштирилган савдо дўкони олди-сотди шартномасига асосан савдо дўкони аризачи И.М. га сотилган.

Шакллантирилган УК-1730401/5290274-сонли кадастр паспортида савдо дўконининг ҳуқуқий ҳужжат бўйича 24 кв.метр, амалда 12,48 кв.метр ер майдони ўзбошимчалик билан, жами 36,48 кв.метр ер майдонига эга экани кўрсатилган.

2021 йил 24 февраль куни расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан И.М. савдо дўконини “SH.E” XKга сотган. И.М. бир вақтнинг ўзида “SH.E” XK раҳбари бўлгани сабабли шартномани олуви чиқарилган. Шакллантирилган УК-1730401/5290274-сонли кадастр паспортида савдо дўконининг ҳуқуқий ҳужжат бўйича 24 кв.метр, амалда 12,48 кв.метр ер майдони ўзбошимчалик билан, жами 36,48 кв.метр ер майдонига эга экани кўрсатилган.

Ушбу шартномада савдо дўконининг амалдаги ер майдони 36,48 кв.метр, фойдали майдони 34,07 кв.метр экани кўрсатилган.

ДКП Фарғона вилоят бошқармаси томонидан расмийлаштирилган давлат реестридан кўчирмада савдо дўконининг давлат рўйхатидан ўтказилган ер майдони 0 кв.метр, умумий фойдаланиш майдони 20,35 кв.метр экани қайд қилинган.

ДКП Фарғона вилояти бошқармасида расмийлаштирилган, нотурар жой тоифасидаги кўчмас мулк обьектининг кадастр паспортида савдо дўконининг ҳуқуқий ҳужжатга асосан ер майдони 51,78 кв.метрни, амалда ҳам 51,78 кв.метрни, умумий фойдали майдони эса 48,52 кв.метрни ташкил қилиши қайд қилинган.

Мазкур ҳолатда, кадастр органи мансабдор шахслари томонидан, ҳуқуқий асос бўлмасада, ер майдонига нисбатан ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилган ва кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилган. Ҳолат юзасидан прокуратурага хусусий ажрим чиқарилган.

Шунингдек, аризачи М.А.нинг кадастр органининг рад этиш хабарномасини беришда ифодаланган хатти-ҳаракатини қонунга хилоф деб топиш ҳақидаги аризаси юзасидан юритилган маъмурӣ иш доирасида ҳам ноконуний кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилгани ҳолати аниқланган.

Ваҳоланки, “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 44-моддасига мувоғик, ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлганда, тақдим этилган ҳужжатлarda қарама-қарши ёки бузуб кўрсатилган маълумотлар аниқланганда, кўчмас мулкнинг кадастр йигма жилди тузилмаган бўлса ёки кадастр паспорти мавжуд бўлмаса ҳамда ушбу қонунининг 11-моддасида белгиланган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш кетма-кетлигига риоя этилмаган тақдирда ҳам кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилади.

Бинобарин, қонунининг 11-моддасига кўра биноларга, иншоотларга, шунингдек қурилиши тугалланмаган объектларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ушбу кўчмас мулк жойлашган ер участкасига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатидан ўтказилмагунига қадар амалга оширилмайди.

Бир қатор ҳолларда кадастр органи ходимларининг бепарволиги туфайли битта ер майдони ва кўчмас мулкка нисбатан бир нечта кадастр ҳужжатлари тайёрлаб давлат рўйхатидан ўтказилиш билан боғлиқ қонунбузилишлар аниқланган.

Хусусан, туман ҳокимининг қарори билан учинчи шахс Т.Т.нинг номига турар-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилган ва 800 кв.метр ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан биритириб берилган. Турар-жойга нисбатан Т.Т. номига кадастр ҳужжати шакллантирилиб, аризачи У.М. ва Т.Т.лар ўтасида ҳовли-жойнинг олди-сотди шартномаси тузилган ва нотариал тартибда тасдиқланган.

Ушбу олди-сотди шартномасига асосан аризачи У.М. номига турар-жой ва 800 кв.метр ер участкасига нисбатан кадастр йигма жилди шакллантирилиб давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бирок, туман ҳокимининг айнан мазкур ер майдони ва ўй-жойларга нисбатан А.С.нинг номига мерос қилиб қолдириладиган умброд эгалик қилиш ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Ушбу қарорга асосан А.С.нинг номига кадастр йигма жилди шакллантирилиб давлат рўйхатидан ўтказилган ва давлат реестридан кўчирма берилган.

Суд мухокамасида айнан битта ҳовли-жойга нисбатан фуқаролар Т.Т., С.А. ва У.М.ларнинг номига устма-уст кадастр ҳужжати тайёрлашга ва давлат рўйхатидан ўтказишга йўл кўйилганлиги аниқланди.

Кадастр ҳужжатарини тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиша “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом, “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига риоя қилмаслик ҳолати аниқланган.

Юкорида келтириб ўтилган ва шунга ўхшаш аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Давлат кадастрлар палатаси Фарғона вилоят бошқармасига ва прокуратура органларига хусусий ажрим ва хабарнома шаклида мунтазам муносабат билдириб келинмоқда.

Бахтиёржон ЮЛДАШЕВ,
Фарғона вилоят маъмурӣ суди судъяси,
Нозимахон ТОЖИЕВА,
Фарғона туманлараро маъмурӣ суди судъяси.

СУДЬЯЛАР ОДОБИ КОДЕКСИ – ОДОБ ПОСБОНИ

Фаросат – ярим каромат дейди доно халқымиз. Бу сүз бир қараашда қўполдек эшиштилгани билан ўз елкасида кўп ва хўп маъноларни олиб юради. Яъни, ўз соҳамизнинг чуқур билимдони бўлиш, унга амал қилиши, мушкул вазиятларда тўғри ечим топиш, руҳий босим бўлганда шошиб қолмаслик ва шу кабилар юқоридаги сўзнинг маъносини очиб беради. Ҳар бир инсон ўз фаолияти давомида ана шу жиҳатларга эътибор берса ҳаёт йўлида кўплаб ўнқир-чўнқирларни четлаб ўта олади.

Судьялар одоби кодексининг Оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатлар номли 12-моддасидаги талаблар судьяларимизнинг фаолиятларида жуда ҳам зарур деб биламан.

Барчамизга маълумки, суд органлари фаолиятига доир ҳолис, ҳаққоний ахборотлар қанчалик кўп тарқатилса, жамиятнинг судга ёки судьяга нисбатан ишончи ҳамда фуқароларимизнинг хуқуқий саводхонлиги ортади. Суд хужжатларининг қонунийлиги, унинг хуқуқий асослари оммавий ахборот воситаларида ҳамда ижтимоий тармоқларда тушунтирилса унинг таъсир кучи янада ортиб, жамиятда турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қиласди.

Лекин, ОАВда чиқиш қилишда судьяларимиздан бирмунча эҳтиёткорлик талаб этилади.

Мазкур модданинг иккинчи хатбошисида “Судья оммавий танқидга нисбатан вазмин бўлиши кераклиги, агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида судлар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишларига нисбатан қонунчилик хужжатларида назарда тутилган усуулларда муносабат билдириш хуқуқига эгалиги билан боғлиқ қоидалар белгиланган.

Бундай ҳолатда бир жиҳат борки, бу судьялар ўз раддияларини айнан шу раддияга сабаб бўлган материал чиқсан ОАВда эмас, балки, бошқа ОАВларда беришлари амалиётда тез-тез кузатилиб туради.

Бироқ, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”-ги қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган “Юридик ёки жисмоний шахс оммавий ахборот воситасида эълон қилинган, ҳақиқатга мос келмайдиган ҳамда ўзининг шаъни ва қадр-қиммати ёки ишчанлик обруйсини таҳқирловчи маълумотлар учун раддия беришни таҳририятдан талаб қилишга ҳақли” лигидан келиб чиқиб, қайси оммавий ахборот воситаси ёлғон ёки нохолис ахборот ва материални эълон қилган бўлса, айнан ўша оммавий ахборот воситасининг таҳририятидан раддия ёки жавобни эълон қилишни талаб этиши керак.

Бу вазиятга янада чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, қонунчилигимизга биноан, “Раддия ёки жавоб

газеталарда улар олинган кундан эътиборан бир ой ичида, бошқа даврий нашрларда навбатдаги сонда эълон қилиниши талаб этилади. Теле- радио, видео, кинохроникал дастурлар ва оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа электрон шакллари таҳририяти томонидан олинган раддия ёки жавоб айнан ўша дастур ёки туркумда, келган кунидан эътиборан бир ойдан кечиктирмай эфирга берилади”.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ўз саҳифалари бўлмаган юртдошларимиз кам бўлса керак. Ва у ўз фойдаланувчиларига бир қанча қулайликлар яратгани ҳам бор гап.

Шунинг учун ҳам ҳозирда расмий саҳифалар — муайян бир касб, соҳа, идора, вазирлик ёки ташкилотлар томонидан ташкил этилган ихтисослашган каналлардан тортиб обуначилари кўп бўлсада ихтиослашмаган, нопрофессионал (оилавий, синфдошлар, курсдошлар, дўстлар ва бошқа) ижтимоий тармоқлар ҳам талайгина.

Судьяларимиз ўзининг судьялик фаолияти билан боғлиқ ахборотларни факат ихтисослашган расмий каналларга жойлаштиришса фойдадан ҳоли бўлмайди. Ихтисослашмаган каналларда судьялик фаолияти билан боғлиқ материалларни эълон қилмаслик тавсия этилади.

Шунингдек, судья ижтимоий тармоқларда ўзининг интернет саҳифаларини олиб боришида ҳам жуда зийрак бўлиши лозим. Жумладан, ўзининг шахсий ҳаётига тааллуқли расм ва видео тасвирларни жойламаслик, бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга кескин фикрларини билдиришдан ўзини тийиши, бошқа фойдаланувчиларнинг унга нисбатан салбий фикр уйғотувчи харакатларни қилмаслиги зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали судьялик фаолиятига ва суд-хуқуқ тизимиға оид фойдали маълумотлар ва материалларни улашиш ҳар доим жамият манфаатига ижобий хизмат қиласди. Фақат бу ўринда судьяларимиз эҳтиёткор бўлишлари талаб этилади.

Шаҳиддин АХРОРОВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

ДОМЕН НОМИ ВА ТОВАР БЕЛГИСИГА БҮЛГАН ХУҚУҚНИНГ ЎЗАРО НИСБАТИ: АҚШ ВА ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА

АННОТАЦИЯ: айрим ҳолатларда маълум ва машхур товар белгилари домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Хусусан, хорижда машхур бўлган товар белгилари домен номлари сифатида муомалада бўймоқда. Натижада ушбу товар белгилари эгаларининг Ўзбекистонда домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш хуқуқи ўйқолмоқда. Замонавий тушунча билан изохлаганда товар белгилари, домен номлари киберқароқчилик ўйли билан эгаллаб олинмоқда. Мақолада ушбу масалалар миллий қонунчилигимиз, АҚШ қонунчилиги ва Европа судлари амалиёти асосида ўрганилиб тақлиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқилди.

Калит сўзлар: товар белгиси, домен номи, мутлак хуқуқ, шахсилаштириш, Европа Иттифоқи, АҚШ, Брэнд-сквоттинг, киберқароқчилик.

Бутунжоҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотига кўра домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш бўйича “Ягона сиёсат тўғрисида”ги кўшимча қоидаларга кўра товар белгиларидан домен номларида инсофисиз фойдаланиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиши ва ҳал этиш учун товар белгилари эгаларидан 3 447 та аризалар келиб тушган. Товар белгилари эгалари ўз аризаларида интернетдаги соҳта веб-сайтларда қалбаки маҳсулотларни сотиш, фишинг ва бошқа ўйлар билан даромад олувчилар томонидан ўзларига тегишли товар белгиларини суистеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бораётганлигини таъкидлаганлар. Хусусан, шундай мазмундаги аризалар АҚШ (976), Франция (553), Буюк Британия (305), Германия (244), Швейцария (193), Малта (135), Швеция (131), Италия (113), Голландия (96), Испания (68), Дания (61), Австралия (51), Хиндистон (50) ва ҳ.к. каби давлатлардан келиб тушган. Ушбу статистик маълумотдан ҳам кўриниб турибдики, АҚШда товар белгиларини домен номларида киберсквоттинг ўйли билан эгаллаб олиш ҳолатлари бошқа давлатларга нисбатан кўпроқдир.

Сўнгги йилларда интернет тармоғида домен номини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлган шахслар товар белгиси сифатида машхур сўзларга эътибор қаратишмоқда. Тадқиқотилар мазкур ҳолатга нисбатан “брэнд-сквоттинг” деб таъриф беришмоқда.

“Брэнд-сквоттинг” бу – ўзгаларнинг товар белгиларини эгасининг рухсатини олмасдан кейинчалик сотиш ёки бошқа мақсадларда рўйхатдан ўтказишидир. Ушбу ҳолат “киберқароқчилик” деб ҳам аталади. “Брэнд-сквоттинг” ёки “киберқароқчилик” ўйли билан мутлак хуқуқ эгасининг товар белгисига нисбатан хуқуқларини бузган ҳолда домен номи сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Масалан, “Microsoft” (microsoft.org, micrOsoft.com), “Alaska Airlines” (alaskaairlines.org), “Avon” (avon.com) каби товар белгилари инсофисиз равиша домен номлари сифатида рўйхатдан ўтказилган.

АҚШ қонунчилиги тажрибасида домен номи ва товар белгиси нинг ўзаро ўхшашлиги ва бир хиллигини тартибга солишининг ўзига хос амалиёти шаклланган. Унга кўра, агар домен номи товар белгиси ёки муаллифлик хукуқлари бузилган ҳолда рўйхатга олинган ва бунинг оқибатида манфаатдор шахснинг хукуқлари бузилаётган бўлса, қўшимча огохлантирилмасдан “Google” қидирув тизимидан ушбу домен номи ўчириб ташланади. Лекин, бу билан масала ҳал бўлмайди. Чунки, интернет тармоғида бошқа қидирув тизимлари ҳам борки, бу билан хукуқбузарлик давом этаверади.

АҚШда товар белгиларини инсофисиз равиша домен номи сифатида эгаллашдан хуқуқий муҳофазалашни тартибга солиш мақсадида

1999 йил 29 ноябрда “Киберқароқчиликдан истеъмолчиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун (“Anticybersquatting Consumer Protection Act” (ACPA) қабул қилинади. Қонунга асосан суд товар белгисидан домен номи сифатида фойдаланаётган “инсофисиз эгалловчиларга” нисбатан 1000 АҚШ долларидан 100.000 АҚШ долларигача бўлган микдорда жарима жазосини кўллай бошлади.

АҚШ, Германия, Буюк Британия ва бошқа давлатлар судлари томонидан товар белгиларини домен номида ўзлаштириб олганлик ҳолати аниқ мазмунга эга бўлган низоли иш сифатида кўриб чиқилади. Ушбу турдаги низоларнинг мазмуни давлатларнинг ўзига хослиги ва улардаги ижтимоий муносабатларнинг табиатига боғлиқ эмас. Уларнинг судлари томонидан кўриладиган низо хусусияти ўзгармаган ҳолда Ўзбекистонда ҳам шу мазмундаги низоли иш сифатида кўрилади. Демак, тегишли миллий қонунчиликни АҚШ, Германия, Буюк Британия давлатлари қонунчилиги ва суд амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб тақомиллаштириш ва амалиётга қўллаш мақсадга мувофиқ.

Европа Иттифоқи мамлакатларида домен номида товар белгисига бўлган мутлак хукуқлар бузилганлигини аниқлаш учун кўйидаги мезонлар белгиланган:

биричинчидан, домен номи товар белгисига адаштириш даражасида ўхшаш ёки айнан бир хил бўлиши керак;

иккинчидан, домен номи товар белгиси билан бир хил тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилиши керак;

учинчидан, иккala воситадан Интернетда фойдаланилиши керак; тўртичинчидан, истеъмолчиларни адаштириш хавфи бўлиши лозим.

Мазкур мезонлар Ўзбекистон судлари томонидан кўлланиладиган мезонларга нисбатан ўхшашдир, аммо улар ўзида баъзи тушунарсиз ҳолатларни ҳам ўз ичига олади. Хусусан, учинчи мезон мазкур турдаги низоларни кўрища кераксиз бўлиб, домен номлари маъмурларига нисбатан асоссиз инсофисиз ҳолатларни келтириб чиқаради. Чунки, товар белгиси домен номидан фарқли ўлароқ интернет етиб бормаган жойларга ҳам етиб бориши мумкин. Ушбу мезон рақамли муҳитга кирмасдан ўз фаолиятини олиб бораётган товар белгиси остидаги тадбиркорларни ҳимоя қилиш имкониятларида катта бўшлиқ яратади. Агар юкорида кўрсатилган мезонлардан бири мавжуд бўлмаса, хуқуқ эгасининг домен номига бўлган хукуқи ҳимоя қилинади. “A.M. Zegers Beveiligingssystemen ва Zegers B.V.” низоли иши бўйича Роттердам судининг қайд этишича “товар белгиси билан адаштирадиган даражада ўхшаш домен номидан фойдаланишнинг ўзи мутлак хукуқни бузиш эмаслигини кўрсатди. Чунки, домен номига бўлган хуқуқ тижорат мақсадларида амалга оширилиши мумкин

бўлиб, домен номи остида таклиф этилаётган товарлар ва Интернетда жойлаштирилган ахборот ресурсидан домен номи маъмурининг тобар белгиси эгасига мутлак ҳуқуқни амалга оширишда тўсқинлик қилмаслик мажбуриятини бузганлиги аниқ бўлмагунча, bona fides (яъни вижданан ишлатилган) принципи химоясидан фойдаланади".

Домен номи маъмурининг мақсадига келадиган бўлсак, у Европа Иттифоқи суд амалиётига кўра, домен номига бўлган ҳуқуқни киберквотинг деб ҳисоблаш ва товар белгиси эгаси домен номига бўлган ҳуқуқни тан олишни талаб қилиш учун зарурдир. Шуни тъвидлаш керакки, Ўзбекистон судлари ва Европа Иттифоқи судлари киберквотинг деб номланган фаолиятни бир хил (яъни, UDRP бўйича ишлаб чиқилган) мезонлар асосида аниқлайдилар.

Роттердам судининг қарори қўйидаги ҳолатлар бўйича шубҳа тудгирмаслигини тъвидлади:

1. Товар белгиси ва домен номлари адаштириш даражасигача ўхшаш;

2. Домен номлари жавобгар томонидан даъвогар билан ҳукукий муносабатларга кирганилиги сабабли фойдаланилган;

3. Жавобгарнинг лицензия шартномасига кўра домен номини рўйхатдан ўтказиш учун қонуний ҳуқуқ бўлмаган;

4. Жавобгарнинг домен номидан фойдаланишида қонуний маффаатлари бўлмаган. Суднинг қарорига кўра, жавобгар бундай домен номларини рўйхатдан ўтказишига рухсат берилмаганилиги билган ва домен номларини даъвогарга сотиш учун инсофисиз ҳаракат қилмаган. Аслида, жавобгар, даъвогарнинг фаолиятини шахсийлаштиришга қаратилган мол-мulkka эга бўлиб, даъвогарни бундай мол-мulkni тўлов асосида сотиб олишга мажбурлашниятида бўлган. Шу муносабат билан, домен номи товар белгисини ўз ичига олганлиги тан олинади ва шунинг учун жавобгарнинг хатти-ҳаракатлари ўзга шахснинг шахсийлаштириш воситасини ўз ичига олган фуқаролик ҳуқуқи обьектига ноқонуний әгалик қилишни англатади ва домен номига бўлган ҳуқуқ товар белгиси ҳуқуқи эгасидан ташқари ҳеч кимга ўтказилиши мумкин эмас. Бугунги кунда Европа Иттифоқида домен номларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш амалдаги товар белгилари қонунчилиги ва мулкни тасаруф этиш тўгрисидаги қонунчилик асосида амалга оширилади. Бунда домен номлари манзиллаш усуслари сифатида баҳоланмайди. "thuisbesorgen.nl" домени бўйича низоли ишда кўрсатилганидек, домен номи аслида фарқлаш қобилиятига эга. У интеллектуал фаолият натижасига тенглаштирилган шахсийлаштириш воситаси сифатида тан олинмаслиги инкор этилмайди. Чунки, бу товар белгисини химоя қилишда ҳеч қандай ижобий натижা бермайди. Асосий масала эса, товар белгисини химоя қилиш билан домен номини химоя қилиш ўртасидаги муносабатдадир.

Юқорида келтирилган Европа Иттифоқининг суд қарорларидан кўриниб турибдики, товар белгисига бўлган мутлак ҳуқуқ ва домен номига бўлган ҳуқуқ ўртасидаги мувозанатни товар белгиси тўгрисидаги қонун хужжатлари ёрдамида тартибга солиш кўп жихатдан Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига ҳамоҳанг. Бирок, Европа Иттифоқида домен номига бўлган ҳуқуқни товар белгисига бўлган мутлак ҳуқуқ билан таққослаш мумкин деган нуқтаи назар мавжуд. Шундай қилиб, ҳуқуқ эгаси билан судда низолашганда, маъмур домен номини химоя қилиш учун талаб қилиши мумкин, агар у домен номидан товар белгиси ҳуқуқ эгасига зарар етказмасдан фойдаланаётганилиги ёки товар белгиси устуворлиги санасидан анча олдин домен номидан фойдаланишини бошлаганлиги аниқлансан. Бошқача қилиб айтганда, домен номини бошқариш ҳуқуқи товар белгиси ҳуқуқ эгасига қарама-қарши бўлиши мумкин. Чунки, чекланган

ҳуқуқ учинчи шахсларнинг ҳуқуқ эгасига зарар етказадиган ҳаракатлардан (агар товар белгисини ноқонуний ишлатиш ёки киберквотинг бўлса) ўзини тийиш мажбуриятiga ўхшайди, домен номини бошқариш ҳуқуқи ҳам учинчи шахсларнинг домен номига бўлган ҳуқуқ эгасига уни амалга оширишда тўсқинлик қилмаслик мажбуриятiga ўхшайди.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, қонунчиликда қуйидаги масалалар ўзининг қонуний ечимини топиши лозим деган тўхтамга келдик:

биричинидан, миллий қонунчилигимизда товар белгиларидан домен номларида инсофли ва инсофисиз фойдаланиш мезонлари аник белгилаб қўйилиши лозим. Шунингдек, товар белгисини домен номида ўзлаштириш хатти-ҳаракатларини ўзида акс эттирган ва кенг тарқалиб бораётган киберквотинг тушунчasi, унга қарши курашиб тартиби билан боғлиқ маҳсус қоидаларни миллий қонунчиликда белгилаш;

иккинчидан, Европа Иттифоқи суд амалиёти ва АҚШ қонунчилигига товар белгиларини домен номи сифатида ўзлаштириш билан боғлиқ низоли масалалар бир хиллик ҳусусиятига эга эмаслиги маълум бўлди. Шу сабабли ҳам товар белгиларини домен номи сифатида ўзлаштириш ёки товар белгиларига қарши ҳар қандай қонунга зид фаолиятнинг олдини олишга қаратилган давлатлар-аро икки ёки кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш лозим. Мазкур келишув ҳар икки давлат суд қарорларини ўзаро тан олиш ва ижро этишини тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олиши;

учинчидан, халқаро амалиётдан келиб чиқиб, домен номлари билан боғлиқ низоларни арбитраж судларида мүқобил ҳал этишининг усусларини сақлаган ҳолда қўлланиладиган стандартларни бир хиллаштириш лозим. Бундан ташқари, домен номига қонуний асосда әгалик қилишига йўл кўювчи ягона стандартларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу борада АҚШнинг "Киберквоттингдан истеъмолчиларни химоя қилиш тўғрисида"ги қонуни (ACPA)дан миллий қонунчиликни ривожлантиришда намуна сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хожибой АДАШОВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A.M. Zegers Beveiligingssystemen v. Zegers B.V [2008] ECLI:NL:RBROT:2008:BC5696 (Rechtbank Rotterdam) The American Heritage(R) Dictionary of the English Language // URL: <https://www.jurion.de>; UR: <https://www.jurion.de/urteile/olgiumentchen/1999-08-12/6-u-4484/>
2. Галифанов Р. Особенности правовых взаимоотношений доменных имен и товарных знаков // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. - 2017. - №8. - С.38.
3. Дмитриев С., Рузакова О., Доменные имена: проблемы российского и зарубежного законодательства // ИС. Авторское право и смежные права. - 2001. - №6. - С.15-24.
4. Kelly D.M. and Hieber C.J. "Taking aim at Cybersquatters. A new weapon for US trademark owners", - Trademark world, # 125, 2000, - P.14-15.
5. LIFESTYLE CASE [2004] Arrest nr. 2002/AR/1848 (Hof van Beroep, Gent).
6. Lopez v. Visel Ce, Case No. D2008-0671 (WIPO July 21, 2008). // URL: <https://www.wipo.int/amc/en/domains/decisions/html/2/008/d2008-0671.html>
7. poro is dope b.v. [2012] ecli:nl:rbrot:2012:bx2445 (rechtbank Rotterdam).
8. Paeffgen GmbH (I-IV) v. Germany (N 25379/04, 21688/05, 21722/05, 21770/05//http://www.echr.europa.eu/documents/doc/2465894/2465894-008.htm#14021.
9. Second life-Brand Promotion and Unauthorized Trademark Use in Virtual Worlds. WIPO Magazine. - Geneva, 2007. - №6. - P.11-13.
10. Ешич А.С. Правовое регулирование отношений по использованию товарного знака и иных средств индивидуализации в доменном имени // дисс. канд. юрид. наук. - Москва. 2007. - С.38.
11. https://www.wipo.int/export/sites/www/pressroom/en/documents/pr_2019_829_annex.pdf#annex5

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ: ТАВСИФИ, ТУРЛАРИ ВА АЛОХИДА ШАРТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ислом таълимотида олди-сотди шартномаси, унинг турлари ва тавсифи, шунингдек шартномаларга қўйиладиган талаб (шарт)лар ҳақида маълумот берилади. Исломда турли хил эҳтиёжларини қондириш учун мол-мулкларини сотиш ва сотиб олиш, бойликлари ва молларини бир-бирлари билан алмаштириши эркинлиги берилган бўлиб, айнан эътиборга олинидиган фикҳий талаблар тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган.

Калит сўзлар: ал-байъ, ботил, фосид шартномалар, бозор, савдо.

Одамлар ўзларининг товарлар ва озиқ-овқатларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун қонуний савдога муҳтоj ва бу эҳтиёжни савдодан бошқа йўл билан ҳал қилиб бўлмайди. Сотиб олиш ва сотиш Қуръон, суннат ва ақлий далиллар (акл) билан қонунийлаштирилган. Қуръонда "Аллоҳ савдони ҳалол қилди", – дейилади.

Араб тилида савдо "ал-байъ" деб аталади. Бу икки маъноли сўз бўлиб, бири иккинчи маънога бутунлай қарама-қарши маънони англатади. Шундай қилиб, бу сўзниг бир маъноси "сотиб олиш" ва бу сўзниг бошқа маъноси "сотиш", шунингдек у шариатда "қимматбаҳо нарсани ўзаро розилик билан бошқа қимматбаҳо нарса билан алмаштириш", деб ҳам таърифланади.

Олди-сотди – бу мулкни бошқасига алмаштириш, ҳақ ёки товон эвазига мулкка эгалик қилиш сифатида белгиланиши мумкин.

Молиявий муаммолар тартибга солинмаса, уларнинг қоидалари бўлмаса, кишилар орасида келишмовчиликлар кўпайиши аниқ. Бу эса шартнома (битим)лар орқали тартибга солинади ва буни қўйида ўрганамиз.

Байъ (олди-сотди) шартномаси сотилган мулкка эгалик ҳуқуқини сотувчидан харидорга, нархга эгалик ҳуқуқини эса харидордан сотувчига ўтказади. Мазкур шартноманинг аҳамиятини бошқа шартномалардан фарқли ўлароқ шундан англаш мумкинки, Қуръон унга алоҳида ишора қиласди. Мисол учун, "Бир-бингизнинг молингизни ҳаром йўллар билан еманг, фақат ўзаро келишув асосидаги савдо орқали (алмашинг)" (Нисо, 29).

Олди-сотди бозорларда кенг тарқалган ва тез-тез ишлатиладиган шартномадир. Чунки, у жуда кенг доирага эга, яъни асосий эҳтиёжлар учун кундалик олди-сотди фаолиятдан тортиб, турли мамлакатлар ўртасидаги халқаро савdogача бўлган кенг жараённи ўз ичига олади.

Шунинг учун Исломда олди-сотди фаолияти нима эканлигини, бундай фаолият йўналишлари ва ўзаро фарқларини билиш муҳим.

Умумий маънода олди-сотди – ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган аниқ объектни эквивалент эвазига бериш. У (савдо) баъзида оғзаки, баъзида эса бирор ҳаракатлар билан амалга оширилади.

Оғзаки савдонинг асосий элементи таклиф ва қабул қилишdir. Масалан: Бир тараф сотганини, бошқа томон сотиб олганлигини айтади. Сотиб олиш-сотиш шартномаси таклиф ва келишувни кўрсатадиган ҳар қандай иборалар билан ҳам тузилиши мумкин, масалан: "Мен буни сизга жуда кўп миқдорда бердим", "буни жуда кўпга олинг", "мен унга бўлган ҳуқуқларимни шунча пулга топширдим". Шундан сўнг, бошқа томон жавоб беради; "қабул қилинди", "қабул қилдим" ёки "розиман".

Ҳаракат орқали сотишда асосий элементлар бериш ва олишdir. Масалан: Сабзавот сотувчиси сабзавотлардан боғламлар ясади ва уларни сотиладиган жойга қўяди ва ҳар бир тўпламнинг нархини белгилайди. Харидор келади, ўша қийматдаги пулни беради, бир дастани олиб, икки томондан бир оғиз сўз айтмай кетади. Бу ерда иккала томоннинг ҳаракати бир томоннинг кўрсатилган товарларни сотиш бўйича таклифи ва бошқа томоннинг кўрсатилган нархни қабул қилишига тенг.

Олди-сотди бозорлардаги энг кенг тарқалган ва тез-тез ишлатиладиган шартнома туридир. Чунки, у барчанинг асосий эҳтиёжлари учун кундалик сотиш ва сотиб олиш фаолиятимиздан тортиб, турли мамлакатлар ўртасида фонд бозорларида ва халқаро савдода компаниялар акцияларини сотишдан иборат катта қамровга эга.

Ханафий мазҳаби таълимотига кўра, шартнома (битим) бу икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро келишувига айтилади. Мазкур шартнома муайян манфаат эвазига ёки ҳеч бир ҳақ талаб қилинmasдан тузилади.

Фақихлар ва уламолар олди-сотди шартномаларини амал қилиш нуқтаи назаридан уч тоифага бўлишган:

Саҳиҳ шартнома. Бундай шартноманинг таклиф ва аксепти, предмети ва шартнома тузувчи томонлари каби барча элементлари ўринли бўлади ва сотиш ҳақиқий ҳисобланади. Ҳар бир элемент учун шартлар бажарилади ва у барча тақиқланган зарарли ҳаракатлардан холи бўлади.

Ботил шартнома. Агар таклиф ва аксепт, предмет, шартнома тарафлари, предметга эгалик қилиш ва етказиб бериш каби шартноманинг элементларига тааллуқли асосий шартлар бажарилмаса, сотиш

ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Масалан, шартнома тузувчи томон ақли норасо ва балогатга етмаган ёки нөқонуний нарсаларни айирбошлаш ёки номаълум баҳо билан сотиш ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Фосид (яроқсиз) **шартнома**. Ушбу туркумдаги шартнома ўз моҳиятига кўра қонунийдир. Бироқ, йўқ қилиниши ёки тузатилиши мумкин бўлган баъзи қоидабузарликлар топилади. Шундай қилиб у нуқсон ёки мос келмайдиган атрибут туфайли бекор бўлади. Аммо, нуқсон бартараф этилса, шартнома кучга киради. Савдони бекор қилиш (фосид) тўғрисидаги хукм шундан иборатки, харидорга обьектга эгалик қилиши мумкин эмас. Шартномадаги қоидабузарлик ва нуқсонларни бартараф этиш учун уни сотувчига қайтариши керак. Кундалик тадбиркорлик фаолиятимизда бу тоифанинг юзлаб мисолларини топишимиш мумкин. Биз эҳтиёт бўлишимиз ва бундай савдодан қочишимиш керак.

Фосид (яроқсиз) олди-сотди шартномаларнинг муҳим элементлари:

- олди-сотди битимида маълумотларнинг етиши маслиги. Масалан, сотиш обьекти ёки унинг нархи ёки тўлов вақти номаълум ва аниқланмаган.

- олди-сотди шартномаси ноануқ ҳодисага бовлиқ бўлади. Масалан, бир шахс ўз мулкини унга сотса, у ўз улушини сотади.

- келажакда сотиш ҳам бекор қилинадиган сотув шакли бўлиб, агар олди-сотди шартномаси ҳозир тузилган бўлсада ва келгуси кундан бошлаб кучга кирса, у бекор ва фосиддир. Чунки шартнома тузилганидан кейин дарҳол кучга кириши керак.

Тўловни тўлаш вақти ёки сотиш нархига кўра олди-сотди шартномалари қўйидаги турларга бўлинади:

1. Тҳаман ҳал шартномаси – бунда маҳсулот нақд пулда сотилади. Бу тўғри тартиб бўлиб, шартноманинг энг асосий талаби нарх ёки тўловнинг дарҳол тўланишидир.

“Шамга ўхшиагин, токи ҳаммага равишанлик башила, ўзинг эса коронеуда бўл”.

**Баҳоуддин
НАҚШБАНД
ҲИҚМАТЛАРИДАН**

2. Тҳаман муажжал – сотувчи томонидан харидорга товарни зудлик билан етказиб берадиган шартнома тури бўлиб, харидор ўзаро келишилган келажакдаги маълум бир сана, вақт ва жойда маҳсулот қийматини тўлайди. Тўлов муддати аниқ ва маълум бўлади.

Олди-сотди шартномасининг тузилиши, ҳақиқийлиги, бажарилиши ва мажбурий бўлиши учун кўплаб шартлар мавжуд.

Улар ташкил этиш тартибига кўра тўрттадир:

1. Аҳдлашувчи томонларда мавжуд бўлиши керак бўлган шартлар: у ақли расо бўлиши керак (ақлдан озган, ақли расо бўлмаган ёки балогатга етмаган шахснинг савдоси ҳақиқий эмас) ва аҳдлашувчи томонлар кўпчиликни ташкил этади (бир киши ўзи билан шартнома туза олмайди, камида икки киши бўлиши керак);

2. Шартномада бўлиши керак бўлган шарт шуку - аксепт таклифга мувофиқ бўлиши лозим. Бу шуни англатадики, сотувчи ўз товарини сотувга таклиф қилган бўлса, харидор уни худди шу тўловни тўлаш орқали қабул қиласди. Агар бирон-бир қоидабузарлик бўлса, сотув ёки сифат номутаносиблиги туфайли бекор бўлади.

3. Шартнома жойида мавжуд бўлиши керак бўлган шарти, у мажмуавий бўлиши керак;

4. Сотиладиган обьектда мавжуд бўлиши керак бўлган шарт (мавжуд бўлиши, қийматга эга бўлиши, эгалик қилишга ва етказиб беришга лойиқ бўлиши, сотувчига тегишли эканлиги). Сотувчидан бошқа ҳеч ким сотиладиган товарда ҳеч қандай ҳукуққа эга бўлмаслиги талаб этилади.

Олди-сотди шартномаси томонлар ўртасидаги битим бўлиб, у орқали мулкни битим предметига нисбатан мулк ҳукуқини чекланмаган муддатга ўтказиш билан алмаштирилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, олди-сотди шартномалари бўйича юзага келадиган муносабатларининг қонунийлигига Қуръон, суннат ва Ислом ҳукуқшуносларининг яқдил фикри асос ҳамда далил ҳисобланади. Одамлар доимо ўзлари эгалик қилмайдиган нарсаларга муҳтоҷ бўлишади, мусулмон ҳукуқи эса бирорнинг мол-мulkини ҳақсиз равища ўзлаштиришни тақиқлайди ва одамлар ўртасида адолатли алмашинувни рағбатлантиради.

Шунингдек, Ислом олди-сотди шартномаларининг тузилиши ҳамда ижро этилиш тартибига катта эътибор қаратади, шартнома билан боғлиқ ҳукуқий талаблар қатъий бўлиб, унга риоя этмаслик унинг ҳукуқий жиҳатдан ҳақиқий эмаслигига (bekor bўliishi) олиб келади.

Абдураим ҚИЛИЧЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ФА Давлат ва ҳукуқ институти мустақил тадқиқотчisi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Анвар Аҳмад Қодирий. “Фатҳ ал-қодир” китоби 31 б.
2. А.Рахманов, А.Норбеков “Диншунослик. Ислом ҳукуқи” Тошкент 2019 й. 226-б.
3. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад юсуф “Бозор ва унга боғлиқ масалалар” -Т.“Хилол нашр”, 2020 3-б.
4. Қуръони карим, Бақара сураси, 275-оят.
5. <https://islam-today.ru>.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада муаллифлик ҳуқуқининг инсон ҳуқуқлари тизимида тутган ўрни, халқаро-хуқуқий ҳужжатларда илмий асослари ўрнатилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида унга оид норманинг ўрнатилганлиги илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: Конституция, муаллифлик ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари, декларация, халқаро стандартлар.

XX-асрнинг ўрталарига келиб интеллектуал мулк ҳуқуқларининг таркибий қисми саналган муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор ошди.

Урушлардан чарчаган инсоният башарият ривожининг кафолати сифатида муаллифлар ва улар яратган асарларнинг ўрнини мухим деб ҳисоблади. Ҳусусан, БМТ томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” (1948 йил 10 деқабрь)нинг 27-моддасида “ҳар бир инсон жамиятнинг маданий ҳаётида эркин иштирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишга, илмий тараққиётда иштирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга”, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Бутунжашон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) мутахассислари мазкур ҳужжат белгилаган нормани интеллектуал мулк ҳуқуқи учун халқаро-хуқуқий асос деб ҳисоблашади. Уларнинг таъкидлашича, ушбу модда интеллектуал мулк соҳасидаги халқаро стандартлар учун бошлангич нуқта вазифасини бажаради.

Муаллифлик ҳуқуқининг қонунчилик асосларини кучайтириш ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини янада эътироф этиш, инсониятнинг маданий соҳа ва илмий тараққиётдаги ўрнини белгилаш мақсадида БМТ томонидан қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пакт (1966 йил 19 деқабрь) қабул қилинди. Унинг 15-моддасида қўйидаги мухим қоидлар белгилаб қўйилган.

1. Мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсоннинг қўйидаги ҳуқуқларини эътироф этади:

- а) маданий ҳаётда иштирок этиш;
- б) илмий тараққиёт ва уни амалда кўллаш натижаларидан фойдаланиш;
- с) ўзи муаллиф бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий манбаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар қабул қилиши керак бўлган тадбирлар фан ва маданият ютуқларини ҳимоялаш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлганларини қамраб олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўёзсиз зарур бўлган эркинликни хурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда халқаро алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантириш орқасидан келадиган нағни тан олади.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ва “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги Халқаро пактлар умумжаҳон инсон ҳуқуқларининг умуминсоний халқаро конституцияий асосларини ташкил этувчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича етакчи олимлар Чапман ва Эдсаллининг фикрига кўра, ҳуқуқшунослар орасида интеллектуал мулк ҳуқуқини инсон ҳуқуқлари ва конституцияий ҳуқуқнинг таркибий қисми сифатида ўрганиш амалиёти кам учрашини, ҳатто демократик давлатлар ва жамиятларда инсон ҳуқуқлари эътироф этиласида, интеллектуал мулк ҳуқуқи, ҳусусан муаллифлик ҳуқуқлари соҳаси фақатгина амалиёт билан боғлиқ ҳолда ёки “баъзи устувор шахслар”нинг манфаатларига хизмат қилиш доирасида ўрганилишини, фақатгина инсон ҳуқуқларининг кам сонли мутахассислари илм-фан ва технологиялар ёки интеллектуал мулк масалалари билан шуғулланишини таъкидлашади. Лекин, бу халқаро ҳужжатларда муаллифлик ҳуқуқининг муҳофазасига оид бундай мухим нормаларнинг белгиланиши келгусида қатор давлатларнинг Асосий қонунларида ҳам ўз аксини топишига турткӣ бўлди.

Муаллифлик ҳуқуқи асосларининг Конституцияда ўрнатилиши нафакат жамиятда ижодий муҳитни шакллантиришга қартилган саъи-ҳаракатлар бўлмасдан, балки халқаро ташкилотларнинг ҳам талабидир. Чунки, муаллифлик ҳуқуқи ўз ҳусусиятига кўра нафакат фуқаролик ҳуқуқи соҳаси, балки инсоннинг энг асосий ажralmas ҳуқуқи сифатида олий қадрият ҳисобланган инсон ҳуқуқлари ҳамdir.

Муаллифлик ҳуқуқига оид норма ва қоидлар жаҳоннинг кўплаб ривожланган давлатлари Конституцияларида ўз аксини топган. Масалан, Россия Федерацияси Конституциясининг 44-моддасига кўра ҳар бир инсонга адабий, бадиий, илмий-техникавий ва бошқа ижодкорлик ва ўқитиш шакллари эркинлиги кафолатланган, шунингдек, интеллектуал мулк қонун билан ҳимояланганлиги кўрсатилган. Бундан кўриниб турибди, ҳар бир шахс ўз қобилияти натижасида муаллиф сифатида асар яратиб, ушбу асарларга нисбатан мутлақ ҳуқуқларга эга бўлиши Конституция даражасида кафолатланади ва муҳофазаланади.

Россиялик олим Ю.Мишиннинг фикрига кўра, муаллифлик ҳуқуқларининг 60 йилдан ортиқ давр мобайнида фақатгина давлат манфаатларига мутаносиб равишда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида муҳофаза қилиниши ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Ҳусусан, ҳозирги Россия Конституцияси иқтисодий, мулк ва меҳнатга оид янги қарашлар яратишга имкон берганини, айниқса Конституциянинг 44-моддасида интеллектуал мулк тан олиниб, уни қонун ҳимоясига кўйганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу интеллектуал мулкни фақат маҳсус ҳуқук соҳаси эмас, балки конституцияий ҳуқуқнинг марказига кўтарди. Бугун интеллектуал мулкнинг маҳсус ҳуқуқий асослари ҳақида гапиришнинг ўзи етарли эмас, балки унинг конституцияий-ҳуқуқий асослари ва конституцияий-ҳуқуқий режими, айниқса, муаллифлик ҳуқуқи муҳокама қилиниши зарур.

АҚШда муаллифлик ҳуқуқи “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисида”-ги қонун (1976 йил) билан тартибга солинади. Ушбу қонунга асос

сифатида АҚШ Конституциясининг Конгрессга муаллифлик хуқуки банди деб номланувчи 1-моддаси 8-бўлимининг 8-банди асосида муаллифлик хуқуки қонунин яратиш ваколатини бериши сабаб бўлган. АҚШ Конституциясининг 8-бандига мувофиқ, Конгресс куйидаги хукуқларга эга: "Муаллифлар ва ихтиоричарнинг ўз асарлари ва кашфиётларидаги мулкий хукуқларини маълум муддатга ҳимоя қилиш орқали фан ва фойдали санъатнинг ривожланишини рағбатлантиради".

Дунёдаги энг кўхна Қомуслардан бири бўлган АҚШ Конституциясининг 8-бўлими 8-хатбошида АҚШ Конгрессининг илм-фан ва фойдали ҳунарларнинг ривожланишига ёрдам бериши муаллифлар ва ихтиоричарга уларнинг ёзган асарлари ва кашфиётла-ри учун мутлақ хукуқларни биритириши белгилаб қўйилган.

К.Муррайнинг таъкидлашича, "Интеллектуал мулкни, хусусан муаллифлик хуқуки ва патент хукуқининг муҳофазасини таъминлашнинг энг асл ва илк намунаси сифатида АҚШ Конституциясини кўрсатиш мумкин. Чунки, интеллектуал мулк ҳали қонунларда акс этмасидан, яъни ушбу тушунчага эътибор берилмасидан олдин уни муҳофаза қилишнинг конституциявий-хуқуқий асослари АҚШ Конституциясида ўрнатилган эди".

Республикамида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар бевосита интеллектуал мулк, хусусан, муаллифлик хуқуқини ҳар томонлама хуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилмоқда. Лекин, юзага келаётган асосий муаммолардан бири – муаллифлик хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган конституциявий-хуқуқий асосларнинг давлатимиз Конституциясида етарлича ўз аксини топмаганлигидадир.

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида бевосита муаллифларнинг хукуқлари, шунингдек интеллектуал мулк обьектлари давлат муҳофазасида эканлигини белгиловчи норма ўрнатилди. Хусусан, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуки кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида гамхўрлик қиласи.

Ушбу норманинг Асосий қонунда ўрнатилиши муаллифларнинг хукуқлари конституциявий хуқуқ доирасида муҳофаза этилишини таъминлашга қаратилган конституциявий-сийесий қадамгина бўлмай, балки муаллифлик хукуқлари инсон хукуқлари доирасида замонавий талаблардан келиб чиқсан ҳолда ҳимоя қилиниши керак эканлиги, бунда бутун жамият ва давлат ушбу соҳа учун маъсул эканлиги белгилаб берилди.

Професор О.Оқюловга кўра ушбу конституциявий норма Инсон хукуқлари Умумжаҳон декларациясининг 27-моддаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 15-моддаси мазмунига тўлиқ мувофиқдир. Конституциянинг олдинги таҳририда бадий ижод эркинлиги назарда тутилмаган эди. Айни пайтда интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилиниши тўғрисидаги банд ҳам янгидан киритилди. Бунга зарурат шундан иборатки, бадий ижод эркинлиги халқаро хужжатларда ўз ифодасини топган бўлиб, янги таҳрир ушбу соҳада Асосий Қонунимизни халқаро стандартлар даражасига мослигини тўлиқ таъминлайди. Интеллектуал мулк эса бугунги кунда барча мамлакатлар иқтисодиётida муҳим сегмент ҳисобланади.

Бундан ташқари, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 15, 19, 21, 55 ва бошқа моддаларидағи нормалар муаллифлик хукуқларини Конституциявий хуқуқ доирасида ҳимоя қилишга қаратилган зарурий қадам бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, муаллифлик хуқуқини ҳимоя қилишнинг назарий асослари, ривожланиш тенденциялари ва унга ҳам конституциявий хукуқнинг соҳаси сифатида қарашнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида қўйидаги хуласаларни келтириш мумкин:

- муаллифлик хуқуқини конституциявий-хуқуқий ҳимоя қилиш интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг хуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашга, давлатнинг халқаро мажбурияtlарини ба-жаришга, халқаро доирада имиджини мустаҳкамлашга, маданият, фан ва иқтисодиёт ривожига ҳисса кўшишда асосий ўрин тутади;

- муаллифлик хукуқлари инсоннинг олий қадриятларидан бири сифатида эътироф этилганда давлат иқтисодий барқарорликка эришади, ташки ҳар қандай сийесий-иктисодий хуружларга қарши кучли иммунитетга эга бўлади, фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун асос бўлиб хизмат қиласи;

- ривожланган давлатлар тажрибаси асосида муаллифлар хукуқларини бошқариш ва ҳимоя қилишнинг янги механизмлари таклиф этилмоқда. Ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш орқали уларни мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг кенг тарғиботчиларига айлантиришга ҳаракат қилинайти. Айниқса, ижодкорларнинг муаллифлик хукуқларини рақамли муҳитда ҳимоя қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, пандемияга ўхшаш даврларда ижодкорларни моддий жиҳатдан таъминлаш йўллари ҳам қидиримоқда.

Хуласа сифатида шуни таъкидлаш керакки, муаллифлик хукуқлари инсоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида акс эттирувчи, давлат ва жамиятни ривожлантурувчи хуқуқ тармогидир. Ўзбекистон Республикасида ушбу турдаги хукуқларга бундан сўнг Конституциявий хукуқнинг тармоги сифатида қаралмас экан, муаллифлик хуқуқини етарлича муҳофаза қилишнинг имкони бўлмайди.

Инсоннинг Конституцияда белгиланган муаллифлик хукуқларини таъминлаш бу – фуқаролик, жиноят, маъмурӣ, иқтисодий хуқуқдир ва бу энг олий қадрият саналмиш инсон хукуқларидир. Муаллифлик хуқуки амал қиласидан барча соҳалардаги низоларнинг ва хукуқбузарликларнинг ечими айнан Конституциявий мельёрларга амал қилинса ва муаллифларнинг хукуқларига конституциявий хуқуқ сифатида қаралсагина ўз ечимини топиши мумкин.

Зафар ТОШЕВ,

Судьялар олий мактаби таянч докторантни.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Инсон хукуqlari: Парламент аъзолари учун кўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. - 284 б.
2. Конституционно-правовой режим авторского права в Российской Федерации тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.02, кандидат юридических наук Мишин, Юрий Данилович. 2002. Москва. 168-с.
3. У.А.Лялкина., А.А.Кирянова., В.С.Кружилис. журнал Научный лидер. Выпуск 1 (151) январь 2024. (14.01.2024) Конституционные основы и свобода творчества.
4. Сборник материалов международной научно-практической конференции на тему: "Проблемы правового регулирования интеллектуальной собственности". - Т.: ТГЮ, 2024 - 327 стр.
5. [5. http://www.constitution.ru/](http://www.constitution.ru/)
6. [6. https://constitution.uz/uz/pages/humanRights](https://constitution.uz/uz/pages/humanRights)
7. [7. https://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?referer=&httpsredir=1&article=2807&context=nlr](https://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?referer=&httpsredir=1&article=2807&context=nlr)
8. [8. https://legalns.com/компетентные-юристы/правовая-библиотека/ конституции-стран-мира.](https://legalns.com/компетентные-юристы/правовая-библиотека/конституции-стран-мира)
9. [9. https://lex.uz/docs/-6445145](https://lex.uz/docs/-6445145)
10. [10. https://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnstUS.htm](https://www.hist.msu.ru/ER/Etext/cnstUS.htm)
11. [11. https://lex.uz/docs/2686000](https://lex.uz/docs/2686000)
12. [12. https://www.wipo.int/edocs/mdocs/tk/en/wipo_unhchr_ip_pnl_98/wipo_unhchr_ip_pnl_98_5.pdf/](https://www.wipo.int/edocs/mdocs/tk/en/wipo_unhchr_ip_pnl_98/wipo_unhchr_ip_pnl_98_5.pdf/)
13. [13. https://www.wipo.int/edocs/mdocs/tk/ru/wipo_grtkf_ic_47/wipo_grtkf_ic_47_inf_7.pdf](https://www.wipo.int/edocs/mdocs/tk/ru/wipo_grtkf_ic_47/wipo_grtkf_ic_47_inf_7.pdf)

ОИЛАВИЙ-ХУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР СОҲАСИДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: ҳар бир давлат ўзининг миллий қонунчилиги доирасида чет эл элементи билан бойитилган оиласиий-хуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун-қоидалар ўрнатган ҳамда фуқароларининг оиласиий-хуқуқий муносабатларидағи хуқуқларини халқаро доирада ҳам миллий доирада ҳам ҳимоя қилувчи функцияларни амалга оширади. Лекин, амалиётда оиласиий-хуқуқий муносабатлар ҳамда ушбу муносабатлар миллий доирадан ошиши билан шахснинг хуқуқларини таъминлаш борасида самарали механизм мавжуд эмас.

Калит сўзлар: оиласиий низолар, низоларни ҳал этишининг муқобил усуслари, медиация ва маслаҳат хизматлари, халқаро стандартлар, тенг хуқуқлилар, гендер зўравонликка қарши кураш, никоҳдан олдинги маслаҳат ва таълим, ихтисослаштирилган судлар, маҳфий ва очик платформа.

Ижтимоий меъёрларнинг ўзгариши, иктисадий омиллар ва маданий ўзгаришлар таъсирида оиласиий ҳаётнинг динамикаси вақт ўтиши билан сезиларни даражада ривожланади. Шу боис қонунчилик замонавий оиласиий эҳтиёжларига жавоб берадиган даражага такомиллаштирилиб борилиши зарур. Аммо, амалиётда кўп бора тарғиб қилиншига қарамасдан оиласиий низоларни ҳал қилишнинг муқобил усусларига етарлича аҳамият қаратилмаяпти.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуслари оиласиий низо томонларига расмий суд жараёндан ташқари ўз келишмовчиликларини ўзаро ҳал қилиш имкониятини беради. Музокаралар, воситачилик ва ҳакамлик каби усуслар анъанавий суд жараёнларига қараганда самаралироқ, мослашувчан ва тезкор бўлиши мумкин ва бу уларни оиласиий низоларни ҳал қилиш учун жозибадор варианtlарга айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси оиласиий низоларни ҳал қилишда томонларни расмий суд жараённiga мурожаат қилишдан олдин медиация ва бошқа тортишувсиз ёндашувларни кўриб чиқишига ундейди. Воситачилик марказлари ва бошқа низоларни ҳал қилишнинг муқобил хизматлари баъзи ҳудудларда мавжуд бўлиб, томонларга ўзаро мақбул ечимларга эришиш учун осонлаштирилган муҳокамаларда қатнашиш имкониятини таклиф қиласди.

Низоларни ҳал қилишнинг муқобил усусларини амалга ошириш ва самарадорлиги оширилишида қийинчиликлар мавжуд. Низоларни ҳал қилишнинг муқобил жараёнларини билиш ва тушунишнинг чекланганлиги, яъни оиласиий низоларни бартараф этиш билан боғлиқ қатор маҳаллий тузимлар фаолиятига қарамасдан томонлар ушбу маслаҳат ва тавсияларга риоҳ этишини хоҳламайди, шунингдек, расмий суд жараёнларини кўллаб-қувватловчи маданий меъёрлар ушбу муқобил ёндашувларни кўллашга тўсқинлик қилиши мумкин. Бундан ташқари, низоларни ҳал қилиш муқобил хизматларининг сифати ва фойдаланиш имконияти географик жойлашуви ҳамда ресурслар мавжудлигига қараб фарқ қилиши мумкин.

Оиласиий низоларни ҳал қилишда турли усуслардан фойдаланишни рағбатлантириш учун медиаторлар ва бошқа низоларни ҳал қилувчи амалиётчилар учун тренинг дастурларининг ташкил этилишига, низоларни ҳал қилишнинг муқобил хизматларини ривожлантиришга сармоя киритилиши керак. Низоларни ҳал этиш маданиятини рағбатлантириш орқали оиласиий таъминлаштиришни конструктив ва ҳамкорликда ҳал қилиш, расмий суд тизимлар юкини

камайтириш ва оиласиий низоларда узоқ муддатли барқарорликни кўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш мумкин.

Оиласиий низоларни ҳал қилишда медиация ва маслаҳат хизматларининг аралашувини кучайтириш лозим. Воситачилик ва маслаҳат хизматлари мулодотни осонлаштириш, тушунишни рағбатлантириш ва оиласиий низоларни ҳал қилишда мухим роль ўйнайди. Ўзбекистонда медиация ва маслаҳат хизматлари турли каналлар, жумладан, давлат идоралари, нодавлат ташкилотлар ва хусусий амалиёт орқали оширилади.

Медиация хизматлари одатда оиласиий низода томонлар ўртасида мунозаралар олиб боришга ёрдам берувчи нейтрал учинчи томонни ўз ичига олади ва низолашувчи томонларга умумий асосларни аниқлашга, вариантларни ўрганишга ҳамда ўзаро мақбул келишувларга эришишга ёрдам беради. Маслаҳат хизматлари асосий муаммоларни ҳал қилишга, мулодот кўнималарини яхшилашга ва оиласиий низоларни ривожлантиришга қаратилган бўлиши мумкин.

Медиация ва маслаҳат хизматлари оиласиий низоларни ҳал қилишда самарали бўлиши мумкин бўлсада, Ўзбекистондаги барча оиласиий низолар учун уларнинг мавжудлиги ва самарадорлигини таъминлашда муаммолар мавжуд. Аммо, чекланган ресурслар, оиласиий муаммолар бўйича ёрдам сўраш ва шарқона истиҳола ҳисси одамларнинг ушбу хизматлардан фойдаланишига ҳалақит бериши мумкин.

Хуқуқшунос олимлар Ўзбекистоннинг оила хуқуқи қоидаларини халқаро стандартлар билан солиштириш орқали миллий қонунчиликни такомиллаштириш ва жаҳон меъёрлари ва тамойилларига мослаштириш йўналишларини тавсия этадилар. Ушбу масала иккита асосий йўналиш бўйича халқаро стандартлар билан қиёсий таҳлил қилинади: оиласиий хуқуқ соҳасидаги илфор тажрибалар ва халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилиш.

Оила хуқуқининг илфор тажрибалари шахс ва оиласиий фаровонлигини ошириш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, низоларни адолатли ва холис ҳал этишга қаратилган кенг кўламли тамойил ва ёндашувларни ўз ичига олади. Оила хуқуқи илфор тажрибаларининг асосий элементларига болалар хуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглиги, одил судловдан фойдаланиш ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил усусларини илгари суриш каби тадбирлар киради.

Халқаро стандартлар билан таққослагандан, Ўзбекистоннинг оиласиий қонунчилик базаси никоҳда тенг хуқуқлиларни таъминлаштиришни ташкил этишини кенгайтириш мумкин.

қоидалари, болаларни ҳимоя қилиш бўйича қонунлар ва гендер зўравонлигига қарши кураш чоралари каби бир қатор кучли томонларини намоён қилади. Шундай бўлса-да, ушбу қонунларнинг самарали амалга оширилиши ва бажарилишини таъминлаш йўлида бир қатор муаммолар ҳам йўқ эмас.

Ўзбекистонда оила ҳуқуқи соҳасидаги илғор халқаро тажрибага мослашиб учун амалдаги қонунлар ижросини кучайтириш, гендер тенглигини рафбатлантириш, барча шахслар ва оиласлар учун одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил механизмларига сармоя киритишга устувор аҳамият берилиши керак. Оила ҳуқуқини ислоҳ қилишда яхлит ва ҳуқуқка асосланган ёндашувни кўллаш орқали мамлакатимизда халқаро стандартлар ва тамойилларга мувофиқ фуқароларнинг ҳимояси ва фаровонлигини ошириш мумкин.

Халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилиш оила ҳуқуқида халқаро стандартлар ва нормаларга риоя этилишини таъминлашнинг муҳим механизми ҳисобланади. Тегишли шартнома ва конвенцияларни ратификация қилиш орқали давлатлар ушбу ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва тамойилларни кўллаб-куватлаш мажбуриятини оладилар ҳамда халқаро мажбуриятларга мос келадиган ички қонунчилик ва сиёсатни амалга оширишга мажбур бўладилар.

Ўзбекистонда оилавий ҳуқуқ билан боғлиқ бўлган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция, “Аёлларга нисбатан камситишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция ва “Истанбул конвенцияси” каби бир қанча халқаро шартнома ва конвенциялар ратификация қилинган. Ушбу ҳужжатлар бошқа тамойиллар қатори болалар ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва аёлларга нисбатан зўравонлигининг олдини олиш учун асос яратади.

Халқаро шартнома ва конвенцияларни ратификация қилиш ички қонунчиликни халқаро стандартларга мослашиб ишлайдаги ижобий қадам бўлсада, шартнома мажбуриятларининг самарали бажарилиши ва амалга оширилишини таъминлашда муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

Оила ҳуқуқи соҳасида халқаро шартнома ва конвенцияларга риоя қилишни кучайтириш учун тегишли давлат органлари, фуқаролик жамияти ташкилотлари ва халқаро ҳамкорлар ўртасида мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга устувор аҳамият берилиши керак. Бундан ташкиари, халқаро мажбуриятларни бажаришда ҳисобдорлик ва ошкораликни таъминлаш учун шартноманинг бажарилишини мониторинг қилиш ва ҳисбот бериш механизмлари йўлга қўйилиши лозим.

Бу борада бир қатор таклифларни илгари суриш мумкин. Хусусан, никоҳ ва ажralish тўғрисидаги қонунларга ўзгартиришлар киритиш орқали самарали механизмни йўлга қўйиш. Бунда никоҳдан олдин маслаҳат ва таълимни тарғиб қилиш самарадорлигини ошириш: эр-хотинларни соглом ва мустаҳкам муносабатларни ўрнатиш учун зарур бўлган кўникмалар, билим ва ресурслар билан жиҳозлаш учун никоҳдан олдин мажбурий маслаҳат ва таълим дастурларини самарали жорий этиш. Ушбу йўналишда қатор чора-тадбирлар амалга оширилган, илмий-амалий тадқиқот органдарни ташкил этилган бўлса-да, улар етарли самара берди, деб бўлмайди. Буни сўнгги пайтларда йилдан-йилга кўпайиб бораётган ажримлар орқали таҳлил қилиш ҳам мумкин.

Никоҳ ва ажraшиш билан боғлиқ суд қарорлари ижросини таъминлаш механизмларини кучайтириш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-куватлаш ва мулкни тақсимлашга риоя этилиши ва жавобгарлигини таъминлаш мумкин. Болалар ҳуқуқлари ва фаровонлигини ҳимоя қилиш, уларни ҳар қандай зўравонлик, қаровсизлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилишни таъминлаш учун эса болаларни ҳимоя қилишнинг қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш мухим аҳамиятга эга.

Ушбу йўналишда болалар билан боғлиқ ишларни болаларга хос дўстона ва яқин тарзда кўриб чиқиш учун зарур тажриба ва ресурслар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган судларни ташкил этиш ҳам фойдадан холи эмас. Шу боис яқин келажакда оилавий судлар тармогининг ўзида болалар билан боғлиқ ишларни ихтисослаштириш лозим бўлади.

Оилавий низоларнинг олдини олишда юқоридагилардан ташкиари хавф омилларини бартараф этиш ва ота-оналарнинг ижобий амалиётларини тарғиб қилиш учун кенг қамровли профилактик ва эрта аралашув стратегияларини, жумладан, жамоатчиликнинг ҳуқуқий билимларини ва саводхонлигини ошириш, ота-оналарни тарбиялаш бўйича таълим дастурларини ва жамоатчилик асосидаги ёрдам хизматларини йўлга қўйиш ҳамда болаларга сунистеъмоллик ҳақида хабар бериш, ёрдам сўраш ва маълумот ва ресурслардан фойдаланиш учун маҳфий ва очик платформа билан таъминлаш учун болалар ишонч телефонини яратиш каби таклифларни илгари суриш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда оилавий-ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш жамият ҳамжиҳатлигига кўмаклашиш, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила ва болалар фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таклиф этилаётган ислоҳотлар никоҳ ва ажralish тўғрисидаги қонунлар, болаларни ҳимоя қилиш чоралари, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуслари каби кенг кўламли соҳаларни ўз ичига олади. Ушбу ислоҳотлар айни пайтда ички қонунчиликни халқаро стандартлар ва илғор тажрибалар билан ўйғунлаштиришдан иборат.

Бироқ, бу ислоҳотларни амалга ошириш қўйинчиликлардан холи бўлмайди. Маданий ва ижтимоий тўсиклар, ҳуқуқшунослар салоҳиятнинг чекланганлиги, аҳоли хабардорлиги даражасининг пастлиги енгигб ўтилиши керак бўлган асосий тўсиклардандир.

Рисолат АБДУЛЛАЕВА,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон).
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.11.2022 й., 03/22/801/0998-сон).
- Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.04.2023 й., 03/23/833/0236-сон).
- Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг айрим масалалари тўғрисида ”ги 2012 йил 25 майдаги 06-сон қарори.
- Зыков С.В. Основания лишения родительских прав: правоприменение и зарубежное правовое регулирование // Семейное и жилищное право. – 2020. – № 6. – С. 10-13.
- [6. https://lex.uz/docs/2595909](https://lex.uz/docs/2595909)
- [7. https://lex.ru/ru/docs/2685528](https://lex.ru/ru/docs/2685528)
- [8. https://assembly.coe.int/LifeRay/EGA/WomenFFViolence/2019/2019-HandbookIsitanbulConvention-RU.pdf](https://assembly.coe.int/LifeRay/EGA/WomenFFViolence/2019/2019-HandbookIsitanbulConvention-RU.pdf)

КОРРУПЦИЯВИЙ ХУЛҚ-АТВОР – ИЛМИЙ МУАММО СИФАТИДА

АННОТАЦИЯ: мақолада коррупциявий хулқ-атвор түшүнчеси ва уни ўрганиш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, коррупциявий хулқ-атворни тартибга солиши, коррупциявий хулқ-атворни девиант хулқ-атвор сифатида ўрганиши масалалари таҳлил қилинган.

Коррупциявий хулқ-атвор ўзининг йўналганилиги ва амалга ошириш механизмлари жиҳатидан ижтимоий хулқ-атворнинг бир тури бўлиб мансабдор шахс, ижтимоий гурухлар, умуман жамият ҳаракатларининг йиғиндишидир. Айнан шу хулқ-атворда шахснинг индивидуал психология ва ижтимоий фазилатлари, характеристи, тарбияси, маданияти, эҳтиёжлари, эътиқодлари ва қадриятларининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Ижтимоий хулқ-атвор бўйича фалсафа, социология ва психология фанлари доирасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Жумладан, фалсафада ижтимоий хулқ-атвор мавжуд ижтимоий борлик, ижтимоий жараёнлар доирасидаги ижтимоий давр билан белгиланади.

Социология нұқтаи назаридан, инсоннинг ижтимоий хулқ-атвори жамиятдаги ижтимоий-иктисодий омиллар ва устувор мөъёларга боғлиқ ҳолда индивид ёки гурух ҳаракатларининг йиғиндиши сифатида ифодаланади.

Ижтимоий хулқ-атвор инсоннинг ҳар қандай ҳаракати каби ўзининг детерминантларига эга бўлади. Субъект ижтимоий хулқ-атворининг детерминантларини аниқлаш муаммоси социология ва ижтимоий психологиянинг асосий ва энг мураккаб муаммоларидан бири хисобланади.

Ижтимоий хулқ-атворнинг бир тури сифатида коррупциявий хулқ-атворни тартибга солишнинг қуидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- тизимли боғлиқлик (ташқи ва ички манбалар бўйича шартлилик);
- коррупциявий хулқ-атворни психологик жиҳатдан тартибга солувчи хисобланган шахснинг устувор роли;
- коррупциявий босим самарадорлиги субъектнинг ушбу таъсирларни идрок этишга тайёрлиги билан боғлиқлиги;
- ички регуляторларнинг ташқиларига боғлиқлиги;
- субъектнинг ҳаётий фаолияти давомида ички регуляторларнинг шаклланиши ва ривожланиши динамикаси;
- коррупциявий хулқ-атворнинг ички регуляторларини шакллантириш жараёнида қайта алоқа ва коррекциянинг мавжудлиги;
- коррупциявий хулқ-атворни тартибга солиш тизимида иерархик тузилманинг мавжудлиги.

Коррупцион хулқ-атворнинг ташқи регуляторлари ўз ичига жисмоний ёки ижтимоий кўринишдаги атроф-муҳит таъсирини (коррупциявий босимнинг турли омиллари) олса, психологик характеристердаги регуляторларга мотив, установка, субъектнинг тажрибаси киради.

Хозирги вақтда коррупциявий хулқ-атворнинг ташқи детерминантлари социология, иқтисодиёт ва ҳукуқшунослик доирасида етарлича ўрганилган бўлса, ички детерминантлари коррупциявий хулқ-атвор психологик тадқиқот обьекти сифатида деярли тадқиқ этилмаганлиги сабабли етарли даражада ўрганилмаган.

Уни ижтимоий мөъёларга мос келиши ёки мос келмаслиги нұқтаи назаридан девиант хулқ-атвор турларидан бири сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.

Бироқ, девиант хатти-ҳаракатни аниқлаш мезонлари бўйича кўплаб баҳс-мунозаралар юзага келмоқда.

Мөъёр ва ундан оғиш ўртасидаги чегара маълум бир хулқ-атворни баҳоловчининг нұқтаи назарига, шунингдек, ушбу баҳолаш қандай ижтимоий мөъёлар доирасида ўтказилаётганилигига боғлик ҳолда жуда мавхумдир.

Бундан ташкари, эълон қилинган ахлоқий мөъёлар ва таомиллар ҳамда шахс ҳаракатларининг ҳақиқий мотивацияси ўртасида доимий номувофиқлик мавжуд бўлиб, бу коррупциявий хулқ-атворни аниқлашда қийинчиликни юзага келтиради.

Шу нұқтаи назардан қаралганда, коррупциявий хулқ-атворни ҳар доим ҳам девиант деб аниқ белгилашнинг имкони бўлмайди. Агар коррупция маълум маънода ижтимоий муносабатларда "мөъёр" га айланган бўлса, ахлок ва ҳуқуқ жиҳатидан бузилган бўлсада, коррупциявий хулқ-атвор ҳам "мөъёр" ҳисобланади.

Бу маънода коррупция - бу умумэтироф этилган ижтимоий нормаларни бузиш ва кейинчалик маълум бир жамиятда уларни ёйишdir. Шунинг учун коррупциявий хулқ-атворлар "шахс - ижтимоий гурух - давлат - жамият" тизимида алоқалар сифатини акс эттиради.

Агар жамиятда ва давлатда бир томондан коррупцияга қарши курашиб норма сифатида намоён бўлса-да, бошқа томондан, кундалик муносабатларда "маиший коррупция"га деярли ҳамма дуч келиб, доимий равиша тақрорланса, расмий эълон қилинган ва амалда мавжуд бўлган хулқ-атвор нормалари ўртасидаги зиддият юзага келиши билан бир вақтда давлат хизматчилари ва фуқароларда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

Айнан мансабдор шахс ва давлат манфаатлари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги коррупцион муносабатлар юзага келишига хизмат қиласи.

В.Л.Васильев таъкидлаганидек "коррупция ва яширин иқтисодиёт юзага келишига имкон берувчи омил "икки хил стандарт" деб номланувчи хулқ-атвор психологиясининг натижасидир".

Бошқача қилиб айтганда, давлат хизматчилари жамоавий фаолиятининг субъектив жиҳатдан куляй услуги вужудга келмоқда. Шу билан бирга, жамоатчилик муносабатларининг ҳар икки томон иштирокчиси (давлат хизматчилари ва фуқаролар) "коррупция босимини" ҳис этадилар ва унинг интенсивлиги ҳам пора берувчининг, ҳам пора олувчининг хулқ-атворини белгилайди.

Коррупциявий хулқ-атворнинг ташқи детерминантлари сифатида кўйидағи коррупциявий босим омилларини келтириш мумкин:

- қонунчиликнинг ривожламаганлиги ва мукаммал эмаслиги;
- сиёсий ва иқтисодий бекарорлик;
- суд тизимининг кучсизлиги;
- мансабдор шахс қиёфасининг маданий ва тарихий стереотиплари;

- давлат хизматчилари фаолиятига нисбатан жамоатчилик фикрини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг салбий роли;
- фуқаролар ва ижро ҳокимияти вакиллари ўртасидаги алоқанинг салбий тажрибаси;
- давлат хизматчилари маъмурий ахлоқининг яширин нормалари.

Коррупциявий босим омилларини ташқи ва ички турларга ажратиб кўрсатиш мумкин. Ташқи босимларга қонунчилик, ижтимоий-сиёсий, корпоратив ва вазиятли омиллар киради.

Қонунчилик даражасида коррупцияни қўзғатувчи омиллар, биринчи навбатда, мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳаракатларига чек қўйишга қаратилган норматив-хукуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилмаганилиги ва номувофиқлигидир. Коррупцияга чек қўйишда аниқ қонунчилик базасининг йўқлиги, қонунлар ва нормаларнинг ноаниклиги коррупциявий ҳаракатлар содир этган шахсларнинг жазоланмай қолишига имкон яратади.

Ижтимоий-сиёсий даражада коррупция босимининг салбий омиллари давлат тузилмаларида коррупциянинг кўлами, сабаблари ва оқибатлари ҳақида оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилаётган тартибсиз маълумотлардир. Аксарият оммавий ахборот воситалари ўзларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва аҳолини ҳукуқий ижтимоийлаштиришдаги ролини тўлиқ англамайдилар, уларда коррупция ва унга қарши курашиб борасидаги янгиликларни ёритишида ягона ахборот концепцияси мавжуд эмас, бу эса ўз навбатида фуқароларнинг хулқ-авторига салбий таъсир кўрсатади.

Корпоратив даражада давлат хизматчилари учун одоб-ахлокнинг аниқ стандартлари ва уларга риоя этилишини назорат қилиш механизми йўқлиги сабабли коррупция кучаймоқда. Бундай ҳолларда коррупция ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари корпоратив маданиятининг одатий элементи сифатида қабул қилинади.

Вазият даражасида коррупцияга қарши босим иктисодий жиҳоятлар гувоҳлар иштирокисиз содир этилганлиги ва ноқонуний ҳаракат изларини яшириш мумкин бўлган шароитларда содир этилаётганлигидир. Бундан ташқари, истеъмолчи жамият фояларининг кенг тарғиб қилиниши мансабдор шахснинг ҳаётй вазиятлар туфайли катта миқдорда пул олиш заруратини туғдирмоқда. Коррупция босимининг вазиятли омилларини таҳлил қилиш уларнинг ўзгарувчанилиги сабабли жуда мураккабдир.

Коррупция босимининг ташқи омиллари билан бир қаторда мансабдор шахсга таъсир этувчи, жиной ва қонун доирасидаги ҳаракатлар ўртасида танловга олиб келадиган ички омилларни келтириш мумкин. Ички омилларнинг мансабдор шахсга салбий таъсири борасида куйидагиларни санаб ўтиш жоиз:

- шахснинг ҳукуқий онги;
- қадрият йўналишлари ва ҳаётй идеаллар;
- ўзига бўлган муносабат ва Мен-концепцияси;
- шахснинг ҳиссий хусусиятлари;
- шахснинг иродавий хусусиятлари.

Шахснинг ҳукуқий онги унинг қонун билан ҳимояланган ижтимоий қадриятларга умумий йўналтирилганлиги, ҳукуқий нормаларга риоя қилиш ёки уларга риоя қиласмаслик зарурлигига ишончи билан белгиланади. Шахснинг ҳукуқий онг ҳукуқий негативизм (қонун қадрини баҳолай олмаслик), ҳукуқий инфантлизм (қонун талабларига бефарқ, бепарво муносабат) ёки ҳукуқий нигилизм (қонун нормаларини фаол рад этиш) шаклида ифодаланиши мумкин.

Қадрият йўналишлари ва ҳаётй идеаллар шахс йўналғанинг муҳим жиҳатини ташкил қилиб, воқеликка муносабатининг ички асосини ифодалайди. Шахсадаги маънавий ёки моддий қадриятларнинг устунлиги шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга манфаатлар ўртасидаги зиддият шароитида унинг танловини олдиндан белгилаб беради.

Ўзига бўлган муносабат субъектнинг ўзига нисбатан умумлаштирилган ва барқарор муносабати сифатида Мен-концепцияси элементларини бирлаштиради. "Мен"нинг ижобий образи, ўзини ўзи қабул қилиш ва ижобий баҳолаш қийин танлов шароитида шахснинг конструктив хулқ-автори учун кулаг замин яратади ва унинг мослашувчан потенциалини оширади.

Шахснинг ҳиссий хусусиятлари субъект учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган ва зарур эҳтиёжаларни қондириш қобилияти билан боғлиқ бўлган ҳодисалар ва вазиятларга муносабатни акс эттиради. Ҳислар инсон ҳулқ-авторини тартибиға солувчи вазифасини бажарганилиги сабабли, шахснинг умумий ҳиссий аҳволи танлов шароитида қарор қабул қилишга таъсир кўрсатади. Хавотирли ҳисларнинг кучайиши юкори стресс ва ҳиссий зўриқиши билан боғлиқ вазиятларда импульсив ҳаракатлар ва тахмин қилиб бўлмайдиган реакцияларга мойилликни олдиндан белгилайди. Пора олиш билан боғлиқ вазият шахснинг ҳиссий зўриқиши ва экстремал омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш ва фаолиятини ўзи тартибиға сошлихнинг асоси сифатида шахснинг иродавий хусусиятлари инсоннинг онгли равишда қўйилган мақсадларга эришиш қобилиятида намоён бўлади. Коррупциявий босим шароитида шахснинг иродавий хусусиятлари, биринчи навбатда, жиной ёки ҳукуқий хулқ-авторни танлаш тўғрисида қарор қабул қилиш механизмида намоён бўлади. Шахса иродавий тартибиға солинишнинг кучизлашиши, асоциал ва антисоциал унсурлар ва одатларнинг етарли назорат қилинмаслиги натижасида улар ўз навбатида ҳулқ-авторнинг мақсад ҳосил қилювчи механизмларига айланади.

Шундай қилиб, коррупция даражасини пасайтириш нафақат кўрилаётган чора-тадбирларга, балки фуқаролар онгидаги коррупцияга қарши барқарорлик каби қадриятлар ижтимоий нормага айланишига ҳам боғлиқ. Айнан мамлакат фуқароларнинг онги, уларнинг идеаллари мамлакат қиёфасини ва айниқса, коррупция даражасини белгилайди.

Акмал БЕКМУРОДОВ,
мустақил изланувчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Социологический энциклопедический словарь / ред.-координатор Г. В. Осинов. — М., 1998.
2. Сорокин П. А. Общая социология // Человек. Цивилизация. Общество. — М., 1992. — С. 115.
3. Социологическая энциклопедия: в 2 т. — М., 2003. — Т. 2. — С. 197—199.
4. Андреева Г. М. Социальная психология. — М.: Наука, 1994. — С. 256—257.
5. Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность / под ред. Б. М. Величковского; пер. с нем. — М.: Педагогика, 1986. — Т. 1. — С. 28.
6. Узандзе Д. Н. Установка у человека. Проблема объективации // Психология личности в трудах отечественных психологов. — СПб.: Питер, 2000. — С. 87—91.
7. Ломов Б. Ф. Общение и социальная регуляция поведения индивида // Психологические проблемы социальной регуляции поведения. — М., 1976.
8. Змановская Е. В. Психология девиантного поведения: структурно-динамический под ход: автореф. дис.... д-ра психол. наук. — СПб.: Санкт-Петербургский университет МВД России, 2006.
9. Васильев В. Л. Юридическая психология. — 5-е изд., доп. и перераб. — СПб.: Питер, 2002. — С. 358.
10. Ванновская О. В. Психология коррупционного поведения государственных служащих: монография. — М. Юрайт, 2018. — 251 с.



ХОЛИСЛИК ИНСТИТУТИ БҮЙИЧА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Жиноят процесси давомида фуқароларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига алоқадор масалаларнинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш, уларга нисбатан тазийк ўтказилиши ҳамда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-құмматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш мақсадида 14.05.2020 йилда “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишини кучайтиришига қаратилган ўзгартиши ва қўшимчалар киритши тўйрисидаги”ги ЎРҚ-617-сон Қонуни кучга кирган эди.

Мазкур қонун билан муйян процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёни видеөзув орқали қайд этилиши мажбурий этиб белгиланди. Бунинг натижасида жараён иштирокчиларининг процессуал ҳукуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланышига риоя этилиши янда мустаҳкамланди.

Жиноят-процессуал кодексида муйян процессуал ҳаракатларни амалга ошириша холислар иштироки мажбурий эканлиги белгиланган. Жумладан, ушбу Кодексда холислар жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар сифатида кўрсатилиб, унинг 73-моддасига кўра, холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чакирилади. Шунингдек, тергов ҳаракатларини юритища иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро холис сифатида чакирилиши лозимлиги, тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор уларга ҳукуқ ва мажбуриятларини тушуниши шарт.

